



**Акбар ЗАМОНОВ,**  
Ўзбекистон Миллий университети доценти,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим.  
E-mail: azamon@mail.ru

### БУХОРО ХОНЛИГИДА ШАЙБОНИЙ ҲУКМДОРЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРГАН ПУЛ ИСЛОҲОТЛАРИ

Аннотация

XVI аср Марказий Осиё тарихида шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг Мовароуннаҳрда ўтказган пул ислохотлари кам ўрганилган мавзулардан биридир. Шу жиҳатдан, мазкур мақола шайбонийлар сулоласи даврида яшаган тарихчиларнинг асарлари, сайёҳлар кундаликлари ва совет ҳамда мустақиллик йилларида нумизматикага оид амалга оширилган илмий тадқиқотлар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, темурийлар даврида олиб борилган урушлар натижасида шайбоний ҳукмдорларнинг мамлакат иқтисодий ҳайтини изга тушириш учун амалга оширилган пул ислохотларининг моҳияти, сабаб ва натижалари кўриб чиқилган. Сулоланинг асосчиси ва йирик вакиллари – Шайбонийхон, Кўчкинхон ҳамда Абдуллахонлар томонидан амалга оширилган пул ислохотлари, тангалар зарб қилишдаги анъана ҳамда ўзига хосликлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** пул, танга, динор, дирхам, хоний, мис, кумуш, олтин, ислохот, зарбхона, темурий, шайбоний, иқтисодий ҳаёт, грамм.

### ДЕНЕЖНЫЕ РЕФОРМЫ ШЕЙБАНИДОВ В БУХАРСКОМ ХАНСТВЕ

Аннотация

В истории Центральной Азии шестнадцатого века династия Шейбанидов занимает особое место, а вопросы проведенных ими денежных реформ в Моваруннахре являются мало изученной научной проблемой. В данном контексте, в настоящей статье проделан анализ трудов историков, служивших при династии Шейбанидов, дневников путешественников и научных исследований по нумизматике проведенных в советский период и в годы независимости. Статья также раскрывает сущность, причины и результаты денежных реформ, предпринятых шейбанидскими правителями после междоусобных войн Тимуридов, с целью урегулирования экономики страны. В ней изложены денежные реформы осуществленные основателем династии и крупными его представителями - Шейбаниханом, Кучкинхонханом и Абдуллаханом, а также традиции и особенности чеканки монет.

**Ключевые слова:** деньги, монета, динар, дирхам, ханий, медь, серебро, золото, реформа, монетный двор, темурид, шейбанид, экономическая жизнь, грамм.

### MONETARY REFORMS OF THE SHEYBANIDS IN THE BUKHARA KHANATE

Abstract

In the sixteenth century history of Central Asia, the Sheibanid dynasty occupies a special place, and the issues of the monetary reforms they carried out in Movarunnakh are a little studied scientific problem. This article analyzes the works of historians who served under the Shaybanid dynasty, travel diaries and scientific studies on numismatics conducted in the Soviet period and during the years of independence. The article also reveals the nature, causes and results of monetary reforms undertaken by the Sheybanid rulers after the Timurids internecine wars, with the aim of regulating the country's economy. It outlines the monetary reforms carried out by the founder of the dynasty and its major representatives - Sheybanikhan, Kuchkinchikhan and Abdullahan, as well as traditions and features of coinage.

**Keywords:** money, coin, dinar, dirham, haniy, copper, silver, gold, reform, mint, temurid, sheybanid, economic life, gram.

Шайбонийлар сулоласи даврида Бухоро хонлиги пул муносабатларининг ҳолати ва ривожланиши тўғрисида нумизматик ва қўлёзма манбаларда етарлича маълумотлар сақланиб қолган. Ушбу давлатда олтин, кумуш, мис ҳамда турли таркиблардаги кумуш ва мис қоришмаларидан иборат бўлган тангалар зарб қилинган. Аммо, тилла тангаларнинг ишлаб чиқарилиши мунтазам бўлмаган. Ҳозиргача фанда фақат иккита шайбоний

ҳукмдорларининг тилла тангалари маълум бўлиб, улар Муҳаммад Шайбонийхон (1500-1510) ва Абдуллахон ибн Искандархон (1583-1598) томонидан муомалага киритилган тангалардир [1]. 1558 йил Мовароуннаҳрда бўлган Антоний Женкинсоннинг қайд этишича, савдода тилла тангалар бўлмаган [4]. Эҳтимол, у бир оз хато қилган бўлиши мумкин, нега деганда, Женкинсон ўзаро ички низолар авж олган пайтларда (1558-1559)

Бухорода бўлган. Хонликдаги пул тизимини тадқиқ қилган Е.А.Давидович, XVI-XVII асрларда муомала воситалари ва тўлов воситалари функциялари тиллага камроқ хос бўлган, лекин шунга қарамай, у кўп бўлмасда амал қилганлигини қайд этиди[2].

Кумуш ва мис тангаларнинг зарб қилиниши ва муомалада бўлиши ўзаро боғлиқ эди. XVI асрда, шайбонийлар даврида асл кумуш (синоними – “танга”, “тангача”, “хоний”) ва мис тангалар (асосий номланиши – “фулуси динор, яъни “мис динор” ёки “динор”) пул муомаласининг асосини ташкил этган. Давлат мамлакатдаги иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, ушбу металлдан зарб қилинган тангалар ўртасидаги қиймат муомаласини мустақкамлаб ва ўзгартириб турган [6].

Доимий муомалада бўлувчи асл тангалардан ташқари, савдонинг қулайлиги учун баъзи вақтларда чақалар (Қиймати тийинга тенг тангалар) ҳам ишлаб чиқарилган. Кумуш чақалар бизгача ягона нусхаларда етиб келган, бироқ, ёзма манбалардан маълумки, шайбонийлар даврида Мовароуннаҳрда икки баробар қийматга эга йирик тангалар ва асосий муомаладаги тангаларнинг учдан икки қисми ҳамда ярмини ташкил этувчи майда тангалар ҳам зарб этилган.

Шайбонийлар томонидан теурийлар вилоятларини эгаллаб олинишининг дастлабки йиллари давлатда кумуш танга асосий пул бирлиги бўлган ва ёрдамчи восита сифатида мис ҳам ишлатилган. Ўша даврда пул муомаласи чуқур инқироз ҳолатида эди. Танга ишлаб чиқаришнинг ягона умумдавлат сиёсати бўлмаган ва турли шаҳарларда ҳар хил оғирликдаги стандартлар бўйича танга зарб қилинган.

Хонлик ҳуқумдорлари бир қанча чуқур иқтисодий ислохотлар амалга оширганлар. Дастлаб сулола ҳуқумронлари томонидан кўплаб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жумладан, 1507-1508, 1529-1530, 1583, 1589 йилларда пул ислохотлари амалга оширилган. Бу даврда шайбоний султонлар номи билан янги кумуш ва мис тангалар зарб этилган бўлиб, олтин тангалар эса факатгина Абдуллахон ибн Искандархон даврида зарб этилган. 1507 йили Муҳаммад Шайбонийхон Ҳиротни эгаллагач шаҳарнинг жоме масжидида пул ислохотини ўтказиш тўғрисида фармон беради. Бу даврда Хусайн Бойқаронинг вафоти туфайли мамлакатда кўшхоқимлик юзага келган бўлиб, унинг оқибатида Ҳиротда пул муносабатлари чуқур инқирозга учраган эди. Бу инқирозни муаррих Хондамир шундай тасвирлайди: “Ўша вақтда кўпчилик кўшинлар мазкур маҳди улё (Хусайн Бойқаронинг бош хотини Хадича бегим. – А.3.) ва барлос амирларига тобе бўлгани сабабли шерикчилик масаласи маъқулланиб, 911 йил зулҳижжа ойининг охириги жума куниси (1506 йил 25 апрель – 24 май оралиғи – А.3.) Ҳиротнинг Жоме масжидида хутба иккала шахзода номига ўқилди ва, шунингдек, битта тангага иккита подшоҳ номи ўйилиб, тангалар юзи ана шу икки шахзоданинг атоқли исми билан безанди. Ҳирот шаҳрининг барча туман ва устаконалари тақсимланиб, ярми Султон Бадиуз-

замон Мирзонинг девонига ўтказилди, ярми эса Музаффар Хусайн Мирзонинг девонига кирди [10].

Муҳаммад Шайбоний томонидан Ҳирот босиб олингач, хутба намозида ўз номини қўшиб ўқитиш билан бир қаторда, танга-пуллар зарб қилишни ҳам буюради. Мазкур воқеаларнинг бевосита гувоҳи бўлган Хондамир бу хусусда шундай ёзади: “Ул жаҳон олувчи хон олий ҳиммати тақозосича “собик тангаларга ярим донак (Донак – 3,15 граммлик кумуш танга, дирхам. – А.3.) кўшсинлар ва тангалар қутлуғ ном билан безаниши шарофатидан ҳар бирини олти динор (Динор – 4,235 гр. олтин танга. – А.3.) кепакий (кепакий — мўғул хони Кепакхон даврида жорий қилинган пул бирлиги. – А.3.) ўрнида билсинлар, эски бир мисқоллик тангачаларни эса беш динор ўрнида қабул қилсинлар” деган фармон чиқди [10].

Бу фармон товар-пул муносабатларини тартибга солиш билан бир қаторда, жамятнинг бой савдагарлари қатламини Шайбонийхон томонига оғдириши ҳам керак эди. У кумуш танга муомаласи, ишончли савдо ва ўзгармайдиган зарбхона ваъда қилди. Кумуш муомаласининг асосида Муҳаммад Шайбонийхон ёрлиғи билан чиқарилган янги безакли танга ётади. Сўнги Теурийлар тангаси мисқол билан тенглашиб, унинг вазни 4,8 грамм кумушни ташкил қилар эди. Юқорида айтилганидек, 4,8 грамм кумушга 3,15 граммлик кумуш кўшилиб, янги тангалар зарб этилади. Бунга кўра, мамлакатнинг ҳамма катта шаҳарларида вазни бир хил 5,2 грамм бўлган янги кумуш тангалар ҳамда мис чақа пуллар зарб қилиниб, муомалага чиқарилди. Шайбонийхон янги тангасининг оғирлиги мисқолнинг 1/12 қисмига тенг бўлган. Шайбонийхон ислохоти Теурийларнинг бир мисқолли тангаларини муомалада бўлишини тақиқламаган, лекин уларнинг қийматини пасайтирган.

Бу ислохот иқтисодиётни тартибга солиш ва савдо-сотикни жонлантириш мақсадида ўтказилган эди. Айни пайтда, бу ислохот деҳқонларнинг солиқ тўлаш имкониятини оширишга, давлат ва хон мулкани кўпайтиришга имкон берган. Зарб этилган танга Самарқанд ўлчамида 23-27 мм, оғирлиги эса 4,8 граммни ташкил қилган. Тадқиқотчи Г.А.Худаёков мазкур тангаларнинг айрим ёзуви ўчган қисмларини кейинги тангалар билан солиштириб, уларнинг ҳажми ва ёзувларини тиклашга эришган. Шайбонийхон тангаларида куйидаги ёзувларни кўришимиз мумкин. Танганинг четларида “Муҳаммад Шайбонийхон”, “Султон” деб ёзилган. Орқа қисмида эса, “Олий насаб Султон, Аллоҳнинг ишлари давомчиси, дин ҳимоячиси – Муҳаммад Шайбонийхон. Аллоҳ унинг умри ва ҳуқумронлигини зиёда қилсин” деб ёзилганди. Танганинг реверсида – “Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ! Муҳаммад унинг элчиси”. Айланасига 4 та халифанинг исмлари битилган. Умар ал-Фаррух, Усмон ал-Аффон, Али ал-Муртади, Абу Бакр деб ёзилганлигини аниқлаган эди[9].

Ислохотнинг тўла амалга оширилиш санаси – 1508 йил бўлиб, унда оғирлиги, ёзувларининг

мазмунни, кўриниши бўйича бир хил бўлган танга кенг қўламли шайбонийлар салтанатининг кўпгина шахарлари ва вилоятларида – Самарқанд, Бухоро, Марв, Нисо, Серахс, Ҳирот, Машҳад, Нишопур, Нимруз, Каин, Сабзаворда зарб этилган[3]. Бир хил кумуш тангалар давлатда тенг муомалада бўлган, инқироз жараёни маълум даражада тўхтатилган эди.

Муҳаммад Шайбонийхон вофотидан кейин урушлар, қаттиқ келган қиш қимматчилик ва очарчиликни келтириб чиқарди. Бу ҳақда Зайниддин Восифий шундай ёзади: “ҳижрий 918 йил (1512) Самарқанд шаҳрида шундай қаттиқ қиш бўлдики, тўртинчи фалакнинг тўрт тахтли шоҳи ўзининг Қавс хонасига кириб олиб, қурраи заминни замҳарир ўқлари нишонига айлангирди. ...Шу йили Самарқандда вазминчилик ва қаҳатчилик шу даражага ердик, халқ фалак дастурхонидаги ою қуёш патиридан ўзга юмалоқ нон кўрмасди. Фақир у оч-яланғочлар тунлари Парвин хирмонидан бошқоқ териш ҳаёлида эди” [5]. 1510-1512 йиллардаги тинимсиз урушлар туфайли деҳқончилик ҳосилдорлиги сусайган бўлса, табиий муҳитнинг ноқулай келиши хўжаликнинг янада тушкунликка учрашини тезлашгирди. Натижада, иқтисодий мувозанат бузилди, пул эса кадрсизланиб, унинг қиймати тушиб кетди. Мис тангалар қанчалик кўпаймасин, бозорларда маҳсулотларнинг нархи орта бораверди. Кумуш танга умуман муомаладан йўқолди ва янги кумуш тангалар зарб этилмади. Пулнинг инқирозини тўхтатиш учун мис тангага бўлган ишончини тиклаш, кумуш танга зарб этишни йўлга қўйиш ва пул ислохотини ўтказиш зарур эди. Аммо пул ислохоти узок давом этиб, унга салкам 15 йиллик вақт сарф этилди. Убайдуллахон Самарқанд ва Бухоро шахарларида тангалар зарб этириб, пул ислохотини ўтказди. Бу даврда Бухорода Убайдуллахон, Самарқандда шайбонийлар сулоласининг бошида Кўчқинчихон турарди. Улар амалда мустақил сиёсат юритар эдилар. Бу омил ҳам товар-пул муносабатларининг бир тизимга тушириш имконини бермас эди. Пойтахт шахарларда (Бухоро ва Самарқанд) бу даврда юқори вазли мис пуллар ва кумуш тангалар зарб этилган. Аммо Бухоро ва Самарқанд тангалари бир хил эмасди. Кўчқинчихон даврида (1512-1529), яъни 1525 йилга келиб танга босишнинг умум давлат мезонига ўтилиб, бир мисқолли (4,8 грамм) танга муомалага киритилди. Бир мисқолли кумуш танганинг қиймати 20 та мис пулга тўғри келиши белгиланган. Кумуш тангалар икки гуруҳга бўлинган. Бири манбаларда “кўҳина”, иккинчиси “янги тангалар” деб аталган. Иқтисодий таҳлил танганинг тоза кумушдан зарб этилмаганини кўрсатади. Стандарт танганинг пробаси 90% кумуш, 10% мис бўлиши керак эди. Шунинг учун ҳужжатларда ҳам ўндан тўққиз ёки ўн тўққиз деб аталган. Бу ҳар бир танганинг 4,3 грами кумуш, 0,7 грами эса мис бўлиши шарт эди. Бухоро, Самарқанд Балх ва Тошкентда кумуш тангалар зарб этилган [8].

Мис тангани зарб қилиш иши туфайли нархларнинг сезиларли даражада кўтарилиши XVI асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Айни

пайтда икки динор қийматидаги мис тангалар динорнинг учдан икки, ярми, учдан бир ва олтидан бир қисмига айлангирлар эди. Энг майда мис тангалари эса – “пул”, “қора пул” сингари номлар билан юритилар эди [6].

Кўчқинчихон томонидан муомалага киритилган кумуш тангаларда “Кўчқинчи Бухоро, 932 йил” (милодий 1525 йил) сўзлари қайд этилган. Танганинг олд томонига пастдан юқорига “Зарби Бухоро 932 йил”, танганинг ўрта қисмида эса “Ас-султон ал-хоқон ал-Азам абу Музаффар Кўчқинчи Баҳодурхон. Аллоҳ унинг умри ва ҳукмронлигини зиёда қилсин!” деб ёзилган ва танганинг реверсига эса “Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ! Муҳаммад унинг элчиси” калимаси битилган эди. Унинг ўлчами 26-29 миллиметр, оғирлиги эса 4,7 граммни ташкил қилган [41].

Шайбонийлар тангаларида ёзувларни безатган нақшлар бўлиб, бу безаклар халқа, гул, учлари тугилган тўртбурчак шаклларда бўлган. Ёзувлар кўп ҳолларда насҳ ёки кўфий услубида битилган. Баъзан томонлардан биридаги ёзув ўрнига турли нақшлар ёки ҳайвон, қушларнинг расми туширилган.

XVI асрнинг ўрталарида Бухорога келган “Москва савдо компанияси” вакили Антоний Женкинсон бу пайтда олтин пуллар муомалада бўлмай, савдо-сотикда фақат кумуш ва мис тангалар муомалада бўлганлигини таъкидлайди. Шунингдек у, мамлакатда “12 инглиз пенсига тенг фақат бир дона кумуш танга борлигини, унинг мис чақаси пул (Poole) деб айтилиши”ни келтиради. Хоннинг эса “кумушнинг қийматини ўзининг фойдаси учун ҳар ойда, баъзан ҳар икки ойда бир кўтариб ва пасайтириб туриши”ни танкид остига олади [4:41]. Ҳақиқатан ҳам, Женкинсон Бухорога келган дамларда (1558-1559) мамлакатда урушлар тўла бартараф этилиб, марказий ҳокимият ҳали мустаҳкам ҳолга келмаган эди. Бу иқтисодий тизимнинг бир меъёрга келишига салбий таъсир кўрсатар эди.

Сулоланинг қудратли ҳукмдорларидан бири Абдуллахон ибн Искандархоннинг мамлакатни бирлаштиришдаги муваффақиятли тадбирларидан кейин, пул ислохотлари ўтказилиб, унинг муносабатлари тартибга солинди. Мазкур ислохот алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у икки босқичда амалга оширилган. Унинг ислохоти кумушнинг қимматлашиши даврига тўғри келиб, кумуш танганинг кадрини кўтаришга қаратилган эди. Танганинг курси 1,5 баробар кўтарилди. Эски танга 27 та мис тангага тенг бўлса, янги танга 30 та мис тангага тенглашган. Абдуллахон ибн Искандархон Бухорони отаси Искандархон (1561-1583)га топшириб, Бухоро, Самарқанд, Балх, Тошкент, Андижон, Аҳси ва Ясси шахарларида унинг номидан тангалар зарб этирган. Бу пул ислохотларининг дастлабки босқичи бўлиб, 1583 йилда Абдуллахон ибн Искандархон расман Бухоро тахтини эгаллаши билан ўз номи билан тангалар зарб қилдирди ва бу пул ислохотининг иккинчи босқичи эди. Хон танга зарб этишни марказлаштиради ва зарбхона фаолияти фақат мамлакатнинг

пойтахти Бухородагина йўлга қўйилади. Ҳар йили Абдуллахон ибн Искандархон номи билан кўплаб тангалар зарб қилина бошланди.

Шайбонийларнинг Бухоро тангаси ўзининг беағи, ёзуви ва сифати билан ажралиб турган. Абдуллахон шаҳарнинг кундалик эҳтиёжи учун Балх, Самарқан ва Тошкент шаҳарларида мис пулларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Кумушнинг четга чиқиб кетишини тўхтатган. XI асрда бўлганидек, XVI асрда ҳам кумуш ва мис тангаларни тамғалаш услуги давом этган. Талаб юқори бўлган маҳсулотларнинг ҳар кунги шаҳар савдоси учун Абдуллахон бир нечта қийматга эга бўлган мис тангаларни зарб қилишни йўлга қўйди.

Абдуллахоннинг пул ислоҳоти муваффақиятли амалга ошди. Яъни, пул муомаласининг инқирозига барҳам берилди, кумушнинг давлат ташқарисига оммавий чиқиб кетиши тўхтатилди, зарбхонага хусусий металл қайтадан жалб қилинди.

Мазкур ислоҳот Абдуллахон ички сиёсатининг бир қисми бўлиб, савдонинг барча турлари, хусусан, транзит, шаҳарлараро, шаҳар ичра савдо учун қулай шароит яратишга қаратилган эди. Пул савдоси даромаднинг энг муҳим манбаси бўлиб, Абдуллахон ғазнаси ҳам ушбу даромад ҳисобига тўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, темурийларнинг ўзаро бир бирлари билан олиб борган урушлари, кейинчалик, Шайбонийхон ва темурийлар ўртасидаги курашлар мамлакат иқтисодига, пул монособатларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган эди. Босқинчилик эмас, балки Мовароуннаҳрда мустаҳкамланиб, ўз давлатчилигини шакллантириш мақсадида келган шайбонийлар мамлакат хўжалигини қайта тиклаш учун пул ислоҳотларини амалга ошириб, бозорни тартибга солиши зарур эди. Шайбоний ҳукмдорларининг бу борада амалга оширган ишлари бошқа соҳаларнинг ҳам тараққий этишига хизмат қилди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Давидович Е.А. История денежного обращения средневековой Средней Азии (медные монеты Мавераннахра XV — первой четверти XVI в.). — М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1983; Корпус золотых и серебряных монет Шейбанидов. XVI век. — М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1992; К вопросу о курсе и обращении серебряных монет в государстве Шейбанидов. (XVI в.) // Труды САГУ. Новая серия. Вып. IX. Ташкент. 1950.
2. Давидович Е.А. Золото и Средний Восток. Товарно-денежные отношения при феодализме. М., 1980.
3. Давидович Е.А. Денежная реформа Шайбани-хана // Труды АН Таджикистан ССР. 1954. №2. XII.
4. Женкинсон А. Россиядаги Москвадан Бахтриядаги Бухоро шахригача 1558 йилги саёҳат. / Рус тилидан таржима, кириш, изоҳларлар муаллифлари Б.Аминов ва А.Замонов. 2017.
5. Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ / Форс тилидан Н.Норқулов таржимаси. — Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
6. История Узбекистана (XVI – первая половина XIX вв.). — Т.: Фан, 2012.
7. Раҳматуллаева О., Сайдуллаев А., Саломов Ж. Ёрдамчи тарих фанлари.
8. Холиков З. Жаҳонгирова Б. Сўнгги ўрта асрлар тангалари // Мозийдан садо, -№ 3 [39]. 2008.
9. Худяков Г.А. Новые данные о монетном чекане Караханидов и Шейбанидов // Нумизматика Центральной Азии. VII. Сборник статей. Под редакцией академика АН Республики Узбекистан Э.В.Ртвеладзе. — Т., 2004.
10. Гиёсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар / Форс тилидан таржима, мукаддима муаллифи Ж.Ҳазратқулов, И.Бекжонов. — Т.: Ўзбекистон, 2013.



**Наргиз ҚУРБОНОВА,**

*Андижон машинасозлик институти доценти тарих фанлари номзоди*

*E-mail [nargizkurbonova@mail.ru](mailto:nargizkurbonova@mail.ru)*

### ANDIJAN INSURRECTION 1898: HISTORY AND ANALYSIS

Annotation

The article lacks the ability to promote national political parties and any political slogans in the Ferghana region in the late nineteenth century. no violence has been committed. The rebellion was prepared only in one region, without coordination with other regions, and was not sufficiently prepared, especially in a warlike sense.

**Keywords:** colonialist, rapist, wrath, Andizhan, county, peasant, indigenous people, deportation, national intellectuals, system.

### АНДИЖАНСКИЙ ВОССТАНИЕ 1898 ГОД: ИСТОРИЯ И АНАЛИЗ

Аннотация

В отсутствует возможность продвижения национальных политических партий и любых политических лозунгов в Ферганской области в конце XIX века. никакого насилия не было совершено. Восстание было подготовлено только в одном регионе, без координации с другими регионами, и не было достаточно подготовлено, особенно в воинственном смысле.

**Ключевые слова:** колонизатор, насильник, гнев, Андижан, уезд, крестьянин, коренные народы, депортация, национальная интеллигенция, система.

### 1898 ЙИЛГИ АНДИЖОН ҚЎЗҒОЛONI: ТАРИХ ВА ТАҲЛИЛ

Аннотация

XIX асрнинг охирида Фарғона вилоятида миллий сиёсий партияларни ва бирорта сиёсий шиорни тарғиб қилиш имконияти бўлмагани бу даврда аҳолининг, айниқса, деҳқонларнинг қўзғолонига зиёлилар раҳбарлик қилишга тайёр эмаслиги, қўзғолон мустамлакачиликка қарши қаратилган бўлиб, миллатчилик руҳидан холи бўлган қўзғолон даврида Андижон шаҳрида рус фуқаролигига қарши ҳеч қандай зўравонлик қилинган эмас. Қўзғолон фақат бир минтақада, бошқа минтақалар билан келишилмаган ҳолда тайёрланган ва етарли даражада, айниқса, жанговор маънода тайёр бўлмасдан бошланган.

**Калит сўзлар :** мустамлакачи, қўзғолон, ғазаб, Андижон, уезд, деҳқон, туб аҳоли, сургун, миллий зиёлилар, тузум.

**Кириш.** Ўзбекистон тарихида алоҳида ўрин тутган 1898 йиллиги қўзғолон мазкур минтақада энг юқори чўккига чиқди ва Андижон номи билан муҳрланиб қолди. Ўлкада XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг биринчи чорагида содир бўлган ғалаёнлар, қўзғолонларига бағишланган адабиётлар, тадқиқотлар, анжуманларда айни 1898 йилги Андижон қўзғолони жиддий мунозаралар бўлганлиги маълум. Ўзбекистон давлат мустақиллигини эълон қилганидан кейингина, айниқса, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг фаолиятини такомиллаштириш хақида[1]” қарорни амалга ошириш жараёнида тарихчи олимлар бу муҳим воқеани чинакам илмий ёндашувлар асосида ҳамда синфий мафкурадан холи тарзда ёрита бошлади.

**Асосий қисм.** 1898 йилги қўзғолоннинг номланиши Андижон шаҳри билан боғлиқлиги умуман тўғри, чунки қўзғолончиларнинг жанговар ҳаракатлари айни шу шаҳарда содир бўлган, лекин мазкур қўзғолонда Фарғона вилоятининг барча уездларидан деҳқонлар, рухонийлар вакиллари қатнашганига алоҳида урғу беришга ҳам асос бор.

Туркистон гарчи Рус ва умуман насроний аҳоли келтирилсада, асосан мусулмон аҳоли яшаётган минтақа бўлган.

XIX асрнинг охирида бу ерда миллий ва сиёсий партияларни ва бирорта сиёсий шиорни тарғиб қилиш имконияти бўлмагани ҳамда мазлум аҳолини ягона умумий дин бирлаштириб ҳамда мафкурасини белгилаб киргани қўзғолонга даъват этувчи шиор – “ғазовот” бўлганини изоҳлайди.

1898 йилги қўзғолон миллатчилик кайфияти, диний жаҳолат билан йўғирилган деган даъволарга далил сифатида қўзғолонга “жохил” Дукчи Эшон бошчилик қилгани таъкидланиши муносабати билан айтиш мумкинки, у вақтда аҳолининг айниқса, деҳқонларнинг қўзғолонига зиёлилар раҳбарлик қилишга тайёр эмас эди.

Қўзғолон мустамлакачиликка қарши қаратилган бўлиб, миллатчилик руҳидан холи бўлган ва шунинг учун 1898 йил 18 майда Андижон шаҳрида рус фуқароларига қарши ҳеч қандай зўравонлик қилинган эмас.

Қўзғолон фақат бир минтақада, бошқа минтақалар билан келишилмаган ҳолда тайёрланган ва етарли даражада, айниқса, жанговор маънода

тайёр бўлмасдан бошланган. Бу албатта, Дукчи Эшон (тўлиқ исми – Муҳаммад Али Эшон Матсобир ўғли) ва унинг яқин маслакдошлари йўл қўйган энг катта хатодир.

Андижон кўзғолонининг тарихий аҳамияти улкан, чунки у деҳқонлар бутун халқ истилочиларга қарши қуролли кураш олиб бориши мумкинлигини намоён этиб, туб аҳолининг миллий руҳини кўтаришга хизмат қилди. Айни вақтда, деҳқонлар бундан буён мустамлакачиларнинг ер – сув, солиқ ва бошқа тўловлар билан боғлиқ кўраётган нотўғри чораларига қарши янада фаолроқ курашиш зарурлигини англашди.

Россия империяси ва унинг Туркистондаги мустамлакачилик идоралари расмий ҳужжатларда ҳамда мафкуравий соҳада Андижон кўзғолонининг миқёсини ва аҳамиятини камайтириш мақсадида унинг шунчаки бир кунлик исён, тартибсизлик сифатида, иштирокчиларини эса диний хурофотга боғган, уламоларнинг бузғунчи таъсирига тушиб қолган авом одамлар деб таърифлашга эътибор қаратишган. Аслида бу йирик кўзғолон бўлган ва Андижонда кетмонлар, паншахалар, калтаклар билан “қуролланган” 2 минга яқин деҳқонлар (фақат айримларигана ов милтиқларига, қиличларга, револьверларга эга бўлган) мунтазам армия қўшинидан бир кунда, 18 майда мағлуб бўлишсада, мустамлакачиларга қарши қуролланган деҳқонларнинг, чорвадорларнинг ғалаёнлари Фарғона вилоятининг уездларида ва Самарқанд вилоятига қарашли Хўжанд уездида август – сентябрь ойларида ҳам давом этган [2].

Фарғона вилоятининг янги тайёрланган ҳарбий губернатори генерал майор Чайковский 1898 йил июн ойида Россия императорига юборган ҳисоботида “...ҳозирги вақтда ўлкада соқинлик ҳукм сураётгани ва алоҳида ноҳуш кайфият йўқлиги ҳақида гувоҳлик беришимдан бахтиёрман. Вилоятнинг турли жойларида бўлиб, ишонч ҳосил қилдимки, Эшоннинг қабих ниятлари аҳоли орасида чуқур илдиз отишга улгурмагани, тубан ишнинг жоҳил иштирокчилари кўп бўлмагани, маълум даражада, 1898 йил 18 май тартибсизликларидан кейн иккинчи кундаёқ вилоятда тинчлик ўрнатилгани билан тасдиқланмоқда»[3] -деб ёзган эди. Айни чоғда генерал Чайковский вилоятдаги вазиятни ортиқча хаспўшлаганини билгани холда туб аҳолининг нафақат фуқаролик ҳаёти, балки руҳий дунёси ҳам назорат остига олинишини зарурлиги ҳақида ўз мулоҳазасини изҳор қилади [4].

1898 йилги кўзғолон бутун Фарғона вилоятини қамраб олиши, ҳатто қўшни Самарқанд Еттисув вилоятларининг бир қанча волостларига тарқалишини на Дукчи Эшон ва унинг яқин сафдошлари, на ҳокимият раҳбарлари тасаввур қилишмаган. Аслида туб аҳолида, биринчи навбатда, деҳқонлар ва кўчманчи чорвадорларда мустамлакачилик тизимида, унинг сиёсатида қарши ғазаб, норозилик шунчалик кучли эдики, Андижон, Марғилон, Ўш уездларида ва Андижон шаҳрида 18 май ундан кейинги кунлардаги воқеаларнинг акс садоси кенг мқёсли бўлиши табиий эди. Дастлаб

Марғилон уездининг Мингтепа волостида Муҳаммад (Мадали) Али Эшон бошлиқ 600 деҳқон Андижон гарнизонини забт этиб, замонавий қуролларга эга бўлишни мўлжаллаб, 1898 йил 17 майда юришни бошлади. Йўл бўйидаги 8 та қишлоқдан юзлаб деҳқонлар уларга қўшилади ва кўзғончилар сони 2 минг кишига етади. 18 майда гарнизонга ҳужум уюштириш натижасида 22 аскар ўлдирилади, 18 аскар эса ярадор этилади [5]. Лекин қалъани эгаллаб бўлмалиги олинган аниқ эди, чунки ҳарбий милтиқларга кетмонлар ва ўроқлар билан қарши чиқиш ақл бовар қилмайдиган тадбир эди.

Шундан кейин «бир томондан, вилоятди мустамлакачилар кўп сонли қўшинларга, барча уездлардаги қуролланган казакларга ҳамда буюк давлатчилик кайфиятидаги рус аҳолисига таянган холда Андижон кўзғолони қатнашчилари пайига тушиши, уларни қўлга олиш ва жазолаш баробарида уни бостириш билан шуғулланди. Андижон кўзғолони бостирилгач, тез кунда Андижон ва Ўш уездлари чегарасида Фозилбек бошлиқ қарийб 100 кўзғолончи», Яккатути волостида эса 30 га яқин деҳқон беаёв қирғинга учради [6]. Андижон уездининг Асака волостида қарашли Қизилоёқ, Лабгардон, Катта қадам қишлоқларида Исмаҳўжа Ҳасанхўжа раҳбарлигида кўзғолончиларнинг йирик отрядни тузилди, лекин айғоқчилар орқали хабар топган уезди бошлиғи казаклар сотнясини юбориб, деҳқонларни қўлга олди [7]. Шу уезднинг Сусамир волостида 1898 йил июнь ойида Шодибек бошчилигида жуда кўп чорвадор ва деҳқонлар исён кўтарди. Уни бостириш учун янги Марғилондан ва Еттисув вилоятининг маъмурий маркази – Верний шаҳридан отлик қўшинлар жўнатилади [8]. Бир қатор тўқнашувлардан сўнг ўша ойнинг ўзида Шодибек бошчилигида 23 кўзғолончи қўлга олинди. Агар М.Духовскийнинг Еттисув вилояти ҳарбий губернаторига 1898 йил 6 июнда юборган телеграммасидаги Сусамирда кўзғолончилар сони 100 кишини ташкил этиши ҳақидаги хабари рост бўлса, демак, улардан 70 нафардан ортиғи қурбон бўлган.

Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори Чайковскийнинг Николай II йўллаган ҳисоботида водийдаги воқеалар хаспўшланганига қарамай, Туркистон генерал-губернатори М.Духовский Россия ҳарбий вазири А.Куропаткинга юборган маърузасида ҳақиқий аҳволни яширмасдан, хусусан, шундай ёзган эди: «Гарчанд бу тартибсизлик Фарғонада содир этилган бўлса-да» лекин уни фақат бир ҳудудга молиқ воқеа ёки қандайдир бир синфнинг иши деб ҳисоблаш мумкин эмас. Ғазовотга мойилликни Фарғона ва бошқа ҳудудларнинг деярли барча аҳолиси намойиш қилди. Умуман, ҳамма далиллар, гувоҳликлар Фарғонада бўлиб ўтган ғалаёнлар илгари тахмин қилинганда кўра анча катта минтақани қамраб олган ҳақида ўйлашга даъват этмоқда»[9].

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкин. Фарғона водийси, Самарқанд, Еттисув вилоятларининг барча бошқарув, ҳарбий муассаса-

лари Андижон кўзғолонида қатнашганларни кидириб, жазога тортишга биринчи даражали аҳамият беришди.

Фарғона водийсида кўзғолон ва ғалаёнлар юз беришига йўл қўйганликда айбланиб, Фарғона харбий губернатори Повало – Швейковский, Туркистон генерал-губернатори Вревский ва бир катор бошқа маъмурий, харбий раҳбарлар лавозимидан олинди. Туб аҳолига нисбатан эса ўта шафқатсизлик қилиниб, биринчи навбатда, Андижон кўзғолонинг ташаббускорлари ва фаол иштирокчилари макони бўлган Тожиқ, Мингтепа ва Қашғар кишлоклари буткул йўқ қилиниб, 1898 йилда уларнинг ўрнида Русское селони барпо этиш ва бу селода 260 та оила 2109 десятина ерга эга бўлиш белгиланганди [10]. Ўша йилда десятиналик майдонда Успенское селоси барпо этилиши, 1899 йилда эса Андижон уездида 449 нафар руслар учун 2171 десятина ерга эга Благовешенское селосини яратиш мўлжалланган эди [11].

Шуни алоҳида қайди этиш керакки, Андижон кўзғолонига бошчилик қилганларнинг ўлимга, кўп сонли фаол кўзғолончиларни са Сибир сурғунига хукм қилиниши, бир қанча кишлокларнинг аҳолиси адир ва чўлларга мажбуран кўчирилиши билан Фарғона вилоятининг бутун туб аҳолиси ўзига хос «товон» тўлаши ҳам қатъиян белгиланди. 1902 йил 25 июлда Россия империясининг харбий вазирлиги подшо Николай II га нома йўллаб, унда император 1898 йил 20 сентябрда “Туркистон генерал-губернаторига келгуси бир ёки икки йилда Андижон тартибсизликларида айбдор бўлган Фарғона вилояти аҳолисидан газнага ва хусусий шахсларга

тўланадиган 300 минг рубль миқдоридagi қўшимча маҳаллий йиғим ҳақида батафсил мулоҳазаларини тақдим қилишини буюргани ёдга олинган эди [12]”. Агар 300 минг рубль зикир этилган харажатлар учун етарли бўлмаса, 1890 йилдан кейинги ҳар йилда 150 минг рублдан оширмаган ҳолда маҳаллий харажатлар учун қўшимча йиғим ўтказиш ҳуқуқи Туркистон генерал-губернаторига берилганини эслатиб, ҳақиқий харажатлар 446 минг 233 рублга тенг бўлишини таъкидлаб, шу пулни вилоятнинг туб аҳолисидан ундиришга рухсат сўралган. Номанинг нусхасида харбий вазир А.Куропаткин “Император 1902 йил 2 августда кўрсатилган миқдордаги қўшимча йиғимни аҳолидан ундиришга розиликни берди”, -деб ёзиб қўйган [13] Андижон кўзғолонидан кейин нафақат Фарғона вилоятида, балки бутун Туркистон ва чўл ўлкаларида мустамлақачилик бошқарув тузуми янада мустаҳкамланди, маҳфий полиция тармоғи тузилди ҳамда метрополиядан рус аҳолисини мазкур минтақаларга кўчириш сиёсати кучайтирилди.

**Хулоса.** Андижон кўзғолони ўзбек халқининг фуқоралик онгини, мавқеини шакиллантиришда муҳим булди. Мусулмон уламолар, диний урф-одатлар ҳал қилувчи рол ўйнаган даврлар аста-секин ортда қолиб, бу борада етакчилик миллат зиёлиларига ўтаётгани ХХ аср бошларида тобора кўпроқ сезилиб борди. Аҳмад Дониш, Бехбудий, Фурқат, Мунавварқори, Фитрат ва кўпгина бошқа зиёлилар илғор ғояларни, дунёвий билимларни, маърифатни тарғиб этиб, туб аҳолининг онгини, дунё қарашини ривожлантиришда фидойилик ва жасурлик кўрсатди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Халқ сўзи. 1998, 28 июль
2. ЎзР МДА. И–18–фонд, 1–рўйхат, 760–иш, 1–варақ.
3. ЎзР МДА. И – 19 – фонд, 2 – рўйхат, 6326 – иш, 1 – варақ
4. ЎзР МДА. И – 19 – фонд, 2 – рўйхат, 6326 – иш, 2 – варақ.
5. Касьшбеков К.Ф. Из истории народных восстаний в Фергане в конце XIX-начале XX века. – Ташкент: Фан, 1978.-С.56.
6. Касьшбеков К.Ф. Из истории народных восстаний в Фергане в конце XIX-начале XX века. – Ташкент: Фан, 1978.-С.56
7. Касьшбеков К.Ф. Кўрсатилган асар. – С.58.
8. ЎзР МДА. И – 723 – фонд, 1 – рўйхат, 15 – иш, 2 – варақ
9. Касьшбеков К.Ф. Из истории народных восстаний в Фергане в конце XIX-начале XX века. – Ташкент: Фан, 1978.-С.59.
10. Статистический обзор Ферганской области за 1914 г. – Скобелев, 1917. –С.13
11. Ўша жойда
12. ЎзР МДА. И – 1 – фонд, 32 – рўйхат, 392 – иш, 418 – варақ
13. ЎзР МДА. И – 1 – фонд, 32 – рўйхат, 392 – иш, 418 –(орқа) варақ



УЎК: 94(460.285):001(09)(5–015)(043.3)

**Оттабек МАХМУДОВ,**

*Фарғона давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси мудири*

*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*E-mail: [bekmakhtudov@mail.ru](mailto:bekmakhtudov@mail.ru)*

## STUDYING THE SCIENTIFIC HERITAGE OF AVICENNA IN TRANSLATION CENTERS OF MIEVEAL EUROPE

Annotation

Revealing the relevance and necessity for modern civilization of the scientific heritage of the thinkers of the medieval East, even deeper study and dissemination of this priceless scientific heritage, is recognized as the main problems of world Oriental studies. The purpose of the study is to reveal the place of translation centers of the XII–XIII centuries in the study of Avicenna's works in Europe. The article provides new information about the translations into Latin of about 10 works of the scientist, and their research. It analyzes and classifies information that is collected from Western sources and scientific literature.

**Keywords:** Avicenna, philosophy, medicine, works, translation, translators, translation centers, Latin, study and application.

## ИЗУЧЕНИЕ НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ ИБН СИНЫ В ЦЕНТРАХ ПЕРЕВОДА СРЕДНЕВЕКОВОЙ ЕВРОПЫ

Аннотация

Раскрытие актуальности и необходимости для современной цивилизации научного наследия мыслителей средневекового Востока, еще более глубокое изучение и распространение этого бесценного научного наследия, признается в качестве основных проблем мирового востоковедения. Цель исследования заключается в раскрытии места центров перевода XII–XIII вв. в изучении произведений Ибн Сины в Европе. В статье даны новые сведения о переводах на латинский язык около 10 трудов учёного, и их исследованиях. Здесь анализируется и классифицируется информация, которая собрана из западных источников и научной литературы.

**Ключевые слова:** Ибн Сина, философия, медицина, труды, перевод, переводчики, центры перевода, латынь, изучение и применение.

## ЎРТА АСР ЕВРОПА ТАРЖИМА МАРКАЗЛАРИДА ИБН СИНО ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Аннотация

Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари илмий меросининг замонавий цивилизация учун нақадар долзарб ва зарур эканлигини очиб бериш, ушбу бебаҳо илмий меросни янада теран тадқиқ қилиш ва оммалаштириш жаҳон шарқшунослигининг энг асосий масалалари сифатида эътироф этилмоқда. Тадқиқотнинг мақсади Европада Ибн Сино асарларини ўрганишда ХІХІІІ аср таржима марказлари ўрнини очиб беришдан иборат. Мақолада алломанинг 10 га яқин асарларини латин тилига таржима қилиниши ҳамда ўрганилиши хусусидаги янги маълумотлар баён этилган. Бунда, Ғарб манбалари ва илмий адабиётларида келтирилган тарқок маълумотлар жамланиб, таҳлил этилган ва таснифланган.

**Калит сўзлар:** Ибн Сино, фалсафа, тиббиёт, асарлар, таржима, таржимонлар, таржима марказлари, латин тили, тадқиқ ва татбиқ.

**Кириш.** Юртимизда маънавий ва илмий тараққиётимиз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган қадимий қўлёзмаларни илмий тадқиқ этиш, уларни юртимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида тарғиб қилиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ІХ-ІІ асрларда яшаб ижод қилган буюк мутафаккирлар илмий мероси салмоқли тадқиқотларнинг объектига айланди. Бироқ, шу билан бирга, ҳозирга қадар алломалар асарларини ўрта аср Европа таржима марказларида латин тилига ўгирилишига оид масалалар махсус тадқиқ этилмаганлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Жумладан, бу борада кўпинча таржиманинг яратилган асрини келтириш билангина чекланилиши айни соҳадаги илмий-тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Бугунги кунга қадар, Ибн Синонинг (980-1037) ҳаёти ва меросини ўрганиш борасида кўплаб изланишлар олиб борилиб, қатор илмий ишлар эълон қилинган ҳамда бу ишларнинг аксариятини фундаментал тадқиқот даражасида эканлигига қарамасдан, аллома асарларининг ўрта асрларда Европада таржима этилиши ва ўрганилиши тўғрисидаги маълумотлар



ўзининг умумийлик даражасини сақлаб қолмоқда! Жумладан, бу турдаги ишларда гап аллома асарини XII-XIII асрларда Европада таржима этилиши хусусида борганда, кўпинча таржима асрини келтириш билангина чекланилади. Асар таржимони кимлиги, таржимачилик иши қандай услубда, қачон, қаерда амалга оширилгани, мазкур таржиманинг минтақа илмлари ривождаги аҳамияти қай даражада бўлгани тўғрисидаги маълумотлар, афсуски баён қилинмайди. Бунга, мазкур соҳага оид илмий маълумотларни ўзида жамлаган, бир тизим ва тартибга солган, мухтасар айтганда, ишора қилиш мумкин бўлган махсус илмий адабиёт яратилмагани сабаб бўлмоқда.

«Ўрта аср Европа таржима марказларида Шарқ олимлари илмий меросини ўрганилиши» мавзусидаги докторлик тадқиқотимиз натижаларига таяниб айтиш лозимки, XII-XIII асрларда Испаниянинг Толедо, Сарагосса, Сеговия, Наварра, Севилья ва Барселона каби шаҳарлари Ибн Сино асарларининг Европадаги дастлабки тадқиқ марказлари бўлган.

**Асосий қисм.** Фалсафа ва тиббиётга оид мукамал асарлар муаллифи сифатида Европада катта ҳурмат ва обрў қозонган олим, минтақа фан оламида Аvicepna номи билан машҳур бўлгани кўпчиликка яхши маълум. Аллома астрономия, математика, минералогия, мусиқа каби фан соҳалари тараққиётига катта ҳисса қўшган бўлиб, мазкур фанлардаги айрим концепция, таълимот ва кашфиётларнинг яратувчиси ҳам ҳисобланади.

Ибн Синонинг батафсил таржимаи ҳоли унинг яқин шогирди ал-Воҳид ал-Жузжоний томонидан ёзилган. Ал-Жузжоний асари «Та'рих аш-шайх ар-раис хужжат ал-ҳаққ Абу 'Али ал-Хусайн ибн 'Абдаллоҳ ибн Сино» («Шайх ар-раис тарихи, Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино [тўғрисида] чин далил») деб номланган бўлиб, ўзида машҳур комусий олимнинг ҳаёти ва ижодига оид қимматли маълумотларни жамлаган. Маълумот ўрнида айтиш керакки, бу асар қўлёзмаси ҳозирда Вена кутубхонасида (B66/8) сақланади [1], унинг инглизча таржимаси 1974 йилда Нью Йоркда нашр этилган [2].

Олим маълум муддат Сомонийлар давлатининг сўнгги намояндalarидан бири Нуҳ ибн Мансур (976-997) саройида фаолият юритади, кейинчалик Бухорода бошланган сиёсий нотинчлик сабаб 1004 йилда Урганч шаҳрига кўчиб келади [3]. Хоразм давлатининг пойтахти ҳисобланган бу шаҳар, айни даврда минтақадаги тараққий этган маданий, илмий марказлардан бири ҳисобланарди. Ибн Сино то 1012 йилга қадар, ўзида Абу Наср ибн Ирок (ваф. 1034), Абу Саҳл Масихий (970-1011), Абу Райҳон Беруний (973-1048) каби қирққа яқин энг етук мутафаккирларни жамлаган Хоразм шоҳи саройидаги муассасада ижод қилган. Шоҳ саройида ташкил этилган мазкур ўзига хос илмий маскан ҳозирги даврда Хоразм Маъмур академияси номи билан атала бошланди. Аллома ўзининг кейинги ҳаёти давомида ўз кўнимини Обивард, Нисо, Нишопур, Журжон, Мозандарон ва Рай каби шаҳарларга

кўчиришга мажбур бўлган. Унинг ўз яшаш жойини доимий равишда ўзгартириб туришига, сиёсий мувозанатларнинг тез ўзгариши ҳамда Ғазна ҳукмдори Султон Маҳмуднинг (998-1030) азалий таъқиби сабаб бўлган. Олим умрининг охириги йилларини Ҳамадон шаҳрида ўтказди. Илмий адабиётларда қайд этилишича, Ибн Сино маълум муддат Ҳамадон ҳукмдори Шамс ад-Давланинг вазири сифатида фаолият олиб борган [4]. Таъкидлаш жоизки, олим бу ерда ўз ижодининг энг сермахсул йилларини ўтказди.

Илмий меросини 400 дан ортиқ асар ташкил қилувчи Ибн Синонинг ҳозирда 240 та асари Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг турли кутубхоналарида сақланмоқда. Улар орасида катта ҳажмли қўлёзмалар билан бир қаторда, кичик ҳажмли, 20-25 саҳифали рисоалар ҳам мавжуд [5].

Куйида, Ибн Сино асарларининг Ўрта аср Европа таржима марказларида лотин тилига ўгирилиши тўғрисидаги маълумотларни тартиб билан баён этамиз.

«Китоб аш-Шифо'» («Шифо китоби») – алломанинг лотин тилига таржима қилинган дастлабки асари. 18 қисмдан иборат асар турли фан соҳалари, жумладан, фалсафа, мантиқ, физика, математика, астрономия, метеорология, минералогия, ботаника, зоология, психология, мусиқа ва бошқа соҳаларга тааллуқли маълумотларни ўзида жамлаган комус ҳисобланади. Асар олимни Ҳамадон ва Исфаҳон шаҳарларида истиқомат қилган чоғида, аниқроғи, 1020-1032 йиллар оралиғида ёзилган. Асарнинг тўлиқ ҳолатдаги таржимаси Толедо таржимонларидан айнан кимга тегишли эканлиги аниқ маълум эмас. Севильялик Хуан фаолиятини махсус ўрганган Мореев Робинсоннинг кўрсатишича [6], «Китоб аш-Шифо'»нинг лотин тилидаги таржимаси айнан Севильялик Хуан тарафидан яратилган. Бироқ, европалик олим таржима қўлёзмасининг XIV асрда кўчирилган нусхасида «Avendeuth» ва «Avendeuch Israelite» тарзидаги муаллифлик имзолари мавжудлигини ҳам билдирган. Бу эса таржима Ибн Довуд (Avendeuth) ва Испаниялик Хуан (Avendeuch Israelite)га тегишли эканлигини англатади. Аммо, бу икки таржимонни илмий лотин тилини билмаслиги ҳисобга олинса, юқоридаги фикр ўз исботини йўқотади. Бизнингча, асар таржимаси М.Робинсон қайд этганидек Севильялик Хуанга тегишли. Қўлёзма нусхасидаги «Avendeuth» ва «Avendeuch Israelite» каби имзолар эса, таржимадан нусха олиш жараёнида йўл қўйилган чалкашлик натижаси бўлиши мумкин. Нусха кўчирувчилар томонидан бундай чалкашликларга бир неча бор йўл қўйилганлиги тўғрисида олдинги бобда тўхталган эдик. Айтиш керакки, «Китоб аш-Шифо'» асари Европада «Sufficientia» («Фаровонлик») номи билан машҳур бўлган. Унинг қўлёзмалари Лейден (4. 84), Лондон (711), Берлин (5044), Алигарх (110/30), Дамашқ (80/16) ва яна қатор давлатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда. Лейден кутубхонасидаги асар қўлёзмаси 664 варақдан иборат бўлиб, 238 варағи математикага бағишланган. Ушбу қўлёзма

XV асрда кўчирилган. Асар сўнгги йилларда италиялик тарихчи олим А. Бертолаччи [7 - 12] томонидан махсус тадқиқ этилди.

Юкорида айтиб ўтилганидек, Ибн Синонинг «Китоб аш-Шифо'» асари энциклопедик хусусиятга эгадир. Шундан келиб чиқиб, таржимонлар бу асарни бўлимларга ажратиш ҳам таржима этишган [13]. Улар куйидагилардан иборат:

«Рух ҳақида китоб» («Liber de Anima») – «Китоб аш-Шифо'»нинг психологияга бағишланган қисми шу ном билан латин тилига ўгирилган. Таржима муаллифлари Доминго Гундисальви ва Ибн Довуд. Таржима қўлёзмасига «Dominico Gundisalvo» ва «Magister Io. Havendana [Avendeth]» деб имзо қўйилган бўлиб, у Толедо архиепископи Хуанга бағишланади, мазкур маълумот таржимани 1152-1166 йиллар оралиғида бажарилганини аниқлатади. Чунки, Хуан исмли шахс айна шу йилларда архиепископ лавозимида ишлаган. Иш ҳамкорлик услубида амалга оширилган бўлиб, бу ҳақидаги маълумот таржиманинг кириш қисмида сақланиб қолган. Жумладан, таржима сўз бошида Ибн Довуд архиепископ Хуанга шундай сўзларни ёзади «Сизнинг қўлингизда араб тилидан таржима қилинган навбатдаги китоб бўлиб, уни аввал ўз она тилимга сўзма-сўз ўгирдим, архидиакон Доминго менинг сўзларимни латинчага таржима қилди» [14]. Бундан кўринадики, Ибн Довуд асарни дастлаб яҳудий тилига таржима қилади. Доминго Гундисальви бу таржимани қайта ишлаб классик латин тилига ўгирган. Улар тарафидан яратилган таржима Европа фан оламида «Opus egregium de Anima» («Рух ҳақида ажойиб асар»), «Liber sextus naturalium» ёки «Liber sextus de animalibus» («Физиканинг олтинчи китоби») номлари билан ҳам машхур [15]. Д. Гундисальви таржимаси 1968 йилда «Avicenna Latinus» («Ибн Синонинг латин тилидаги илмий мероси») тўпламида [16] чоп этилган. Ибн Синонинг ушбу асарини замонавий тадқиқотчилардан Нодир ал-Бизрий [17] Аристотелнинг шу номдаги китоби билан таққослаб, махсус ўрганди.

Ўз вақтида бу таржима билан Толедо черковининг фалсафа ўқитувчи Доминик Гундисалин яқиндан танишиб, Ибн Сино таълимоти таъсирида «De Anima» («Рух тўғрисида») ва «De immortalitate animae» («Ўлмас рух ҳақида») номли рисолалар ёзиб қолдиради [18].

«Метафизика» («Metaphysica») – «Китоб аш-Шифо'»нинг метафизикага оид бўлими. Бу асарда машхур юнон олими Арастунинг соҳадаги қарашлари шарҳланиб, уларга тузатишлар киритиш асносида Ибн Сино давридаги сўнгги фан ютуқлари билан бойитилади. «Китоб аш-Шифо'»нинг мазкур қисмини Доминго Гундисальви 1180 йилда латин тилига ўгирган. Эътиборга лойиқ жиҳати, Доминго ишни бир ўзи, ҳамкорларсиз амалга оширган. Бу ҳолат, уни айна даврга келиб араб тилини мукамал даражада ўрганганлигидан далолат беради. Чунки, дастлабки вақтларда, таржимоннинг араб тилини тўла билмаслиги, уни бошқа ҳамкасблари билан биргаликда фаолият юритишига сабаб бўлган. «Метафизика»нинг арабча матни инглизча

таржимаси билан сўнгги марта 2005 йилда АҚШнинг Прово шаҳридаги Бригам Янг университетида нашр этилган [19]. Асарнинг физикага оид қисми эса худди шу ерда 2009 йилда чоп қилинди [20].

«Минералогия» («De mineralibus») – «Китоб аш-Шифо'»нинг мазкур соҳага тааллуқли қисми. Уни «Avicennae Mineralia» («Ибн Сино минералогияси») сарлавҳаси билан Толедо мактабининг аъзоси Саршеллик Альфред латин тилига ўгирган. Таржима йили ноаниқ.

«Ҳайвонлар тўғрисида» («De animalium») – «Китоб аш-Шифо'»нинг ҳайвонот оламига бағишланган кичик бўлими. Уни 1232 йилда Майкл Скот араб тилидан латинчага таржима этади. Муаллиф ўз таржимасига «De animalium» («Ҳайвонлар тўғрисида») деб ном берган. Маълумотларга кўра, бу таржима шахсан император Фридрих II Гогенштауфен (1215-1250) кўрсатмаси билан амалга оширилган. Бундан ташқари, император Майкл Скотга Ибн Синонинг мазкур асари асосида махсус рисола ёзишни ҳам топширган. Майкл Скот ўз асарини 1248 йилда ёзиб тамомлаган. Олти қисмдан иборат асар «De arte venandi cum avibus» («Қушлар билан ов қилиш санъати тўғрисида») деб номланган.

«De cello et mundo» («Само ва олам китоби») – Ибн Синонинг астрономияга оид асарларидан бири. Асарнинг арабча матни сақланмаганлиги боис, фанда мазкур ном билан юритилади. Рисола Арастунинг шу номдаги асари («Пері оўравоў» [Пэри урану] яъни «Само ҳақида китоб») таъсирида ёзилган бўлиши мумкин. Ибн Сино рисоласини Доминго Гундисальви бир ўзи латинчага ўгирган. Бу унинг ҳамкорларсиз яратган иккинчи иши ҳисобланади. Таржима йили ноаниқ.

«Ал-Қонун фи-т-тибб» («Тибб қонунлари») – алломанинг энг машхур асари. Ўрта аср тиббиёт фанининг қомуси ва асосий манбаси ҳисобланган асар беш китобдан иборат бўлиб, 1012-1020 йиллар оралиғида Ибн Синонинг Журжон, Рай ва Ҳамадон шаҳарларида яшаган вақтида ёзилган. Асар таржимаси Кремоналик Жерард томонидан 1180 йилда яратилади. Таржимон ўз ишига «Liber Canonis», яъни «Қонулар китоби» деб сарлавҳа қўйган. Жерард қаламига мансуб «Ал-Қонун фи-т-тибб»нинг таржимасини китоб босиш ускуна кашф этилгач 20–30 йил ичида 16 мартаба чоп этилгани ва то XVIII асрга қадар Европа университетларида тиббиётдан асосий дарслик сифатида фойдаланилгани, асарни соҳадаги ўта муҳим ҳамда энг асосий манба бўлганлигини яққол тасдиқлайди. Жерард қаламига мансуб таржима 2005 йилда Хильдесхаймда (Германия) [21] ва 2014 йилда Чикагода [22] чоп этилди.

«Шарҳ китоб ал-қиёс» («Аналитикага шарҳлар») – Арасту қаламига мансуб «Ἀναλυτικά» [Ἀναλυτικά] асарининг иккинчи китоби «Ἀναλυτικά ὑστερα» [Ἀναλυτικά ἱστῆρα] га Ибн Сино томонидан ёзилган шарҳ. Айна шарҳ «Analytica posteriora» («Иккинчи Аналитика») сарлавҳаси остида Доминго Гундисальви ва Испаниялик Хуан томонидан латин

тилига ўғирилган. Таржима 1176–1190 йиллар оралиғида амалга оширилган.

**Хулоса.** Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, Ибн Синонинг турли соҳаларга тааллуқли асарлари Толедо мактабида катта қизиқиш билан таржима қилинган ва ўрганилган. Олим таълимотлари минтақа олимларининг дунёқараши ва ижодига ўзининг катта таъсири

ўтказди [23; 24; 25]. Ўзининг тиббиётда қолдирган мероси сабаб Европада катта обрў қозонган Ибн Сино минтақадаги турли фалсафий таълимотларнинг шаклланишида, қадимги юнон олимлари қаторида катта ўринга эга бўлди. Сўнгги йилларда алломани «учинчи муаллиф» деб эътироф этилиши бу борадаги фикрларни мантиқан тасдиқлайди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Матвиевская Г.П., Розенфельд Б.А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды. В 3-х т.– Москва: Наука, 1983. – Т. 2. – С. 236.
2. Jūzjānī. *Sirat al-shaykh al-ra'is (The Life of Ibn Sina)* / Ed. and trans. W. Gohlman. – New York: New York State University Press, 1974. – 163 p.
3. Кадилов А.А., Саипов У.Т. Великие ученые-медики средневековья. – Ташкент: Медицина, 1988. – 44 с.
4. Матвиевская Г.П., Розенфельд Б.А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды. – С. 227.
5. Afnan S.M. *Avicenna. His life and works.* – New York: The Other Press, 2014. – 260 p.
6. Robinson M. The History and Myths surrounding Johannes Hispalensis // *Bulletin of Hispanic Studies* October. 2003. – Vol. 80. (4). – P. 443–470.
7. Bertolacci A.A. Community of Translators: The Latin Medieval Versions of Avicenna's Book of the Cure // *Communities of Learning: Networks and the Shaping of Intellectual Identity in Europe 1100–1500.* / Ed. C. J. Mews, J. N. Crossley. – Turnhout, 2011. – P. 37–54.
8. Bertolacci A. Necessary as Primary Concept in Avicenna's Metaphysics // *Conoscenza e contingenza nella tradizione aristotelica medievale.* / Ed. G. Fioravanti, S. Perfetti. – Pisa, 2008. – P. 31–50.
9. Bertolacci A. Il pensiero filosofico di Avicenna // *Storia della filosofia nell'Islam medievale.* / Ed. C. D'Ancona. – Torino, 2005. – P. 522–626.
10. Bertolacci A. The Doctrine of Material and Formal Causality in the "Ilahiyat" of Avicenna's "Kitab al-Šifa" // *Quaestio.* 2002. – Vol. 2. – P. 125–154.
11. Bertolacci A. The Ontologization of Logic. Metaphysical Themes in Avicenna's Reworking of the Organon // *Methods and Methodologies. Aristotelian logic East and West 500–1500.* / Ed. M. Cameron, J. Marenbon. – Leiden – Boston, 2011. – P. 27–51.
12. Bertolacci A. The Reception of Book B of Aristotle's Metaphysics in the Ilahiyat of Avicenna's // *Interpreting Avicenna, Science and Philosophy in Medieval Islam.* / Ed. J. McGinnis. – Paris, 2004. – P. 157–173.
13. Burnett C. The Coherence of the Arabic-Latin Translation Program in Toledo in the Twelfth Century // *Science in Context.* 2001. – Vol. 14. – P. 264–266.
14. Burnett C. Translating from Arabic into Latin in the Middle Ages // *Ein internationales Handbuch zur Übersetzungsforschung.* – Berlin: de Gruyter, 2007. – S. 1231–1238.
15. Hasse D.N. Avicenna's De Anima in the Latin West. The Formation of a Peripatetic Philosophy of the Soul 1160–1300 – London: The Warburg Institute, 2000. – 321 p.
16. Avicenna. *Avicenna Latinus: Liber de anima seu sextus de naturalibus V–VI.* / Ed. S. van Riet. – Leiden: Brill, 1968. – 214 p.
17. El-Bizri N. Avicenna's De Anima between Aristotle and Husserl // *The Passions of the Soul in the Metamorphosis of Becoming.* / Ed. A. Tymieniecka. – Dordrecht: Kluwer Academic Publishers, 2003. – P. 67–89
18. Шишков А.М. Средневековая интеллектуальная культура. – Москва: Издатель С.А. Савин, 2003. – С. 233.
19. Avicenna. *The Metaphysics of the Healing.* / A parallel English – Arabic text trans. introduced and annotated by M. E. Marmura. – Provo: Brigham Young University Press, 2005. – 135 p.
20. Avicenna. *The Physics of Healing.* / A parallel English – Arabic text translated, introduced, and annotated by J. McGinnis. – Provo: Brigham Young University Press, 2009. – 107 p.
21. Avicenna. *Canon medicinae.* / Trans. Gerard of Cremona. – Hildesheim: Olms Verlag, 2003. – 385 p.
22. Avicenna. *Canon of Medicine. Complete five Volume Set.* / Ed. S. H. Nasr. – Chicago: Kazi Publications, 2014. – 472 p.
23. Couston J. M. Avicenna et son influence sur la pensée de Jean Duns Scot // *Avicenna and his heritage.* / Eds. J. Janssens, D. De Smet. – Leuven: Leuven University Press, 2002. – P. 225–252.
24. Siraisi N.G. *Avicenna in Renaissance Italy. The Canon and medical teaching in Italian universities after 1500.* – Princeton: Princeton University Press, 2014. – 428 p.
25. Steel C. Avicenna and Thomas Aquinas on evil // *Avicenna and his heritage.* / Eds. J. Janssens, D. De Smet. – Leuven: Leuven University Press, 2002. – P. 171–196.



УЎК: №: 63.3. М63.

**Гулом МИРЗАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти ўқитувчиси,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
E-mail: [gulom1403@mail.ru](mailto:gulom1403@mail.ru)

### ЎЗБЕКISTONNING MARKAZIY OSIE MAMLAKATLARI BILAN MADANIY HAMKORLIGINING BUGUNGI HOLATIGA DOIR

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё мамлакатлари билан маданий ҳамкорлигининг тарихий ривожланишдаги бугунги ҳолати ёритилган. Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан маданий ҳамкорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил этилган. Минтақавий маданий ҳамкорликни тартибга солиш ҳуқуқий асослари ва маданий ҳамкорликни ифодаловчи тадбирлар фаолияти ўрганилган. Минтақа давлатлари, яъни Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонни умумий тарих, маънавий кадриятлар бирлаштириши мисоллар билан кўрсатиб берилган. **Калит сўзлар:** Ўзбекистон Республикаси, Марказий Осиё, маданий ҳамкорлик, ташқи сиёсат, Ҳаракатлар стратегияси, аҳил қўшничилик муҳити, “фаравонлик камари”, “халқ дипломатияси”, умумий тарих, қардошлиқ ришталари, буюк сиймолар, маданият кунлари, дўстлик фестиваллари, маданият марказлари, умуминсоний кадриятлар.

### СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ КУЛЬТУРНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА УЗБЕКИСТАНА СО СТРАНАМИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Аннотация

В данной статье рассматривается историческое развитие современного состояния культурного сотрудничества Республики Узбекистан со странами Центральной Азии. Проанализированы факторы, влияющие на культурное сотрудничество Узбекистана со странами региона. Изучены правовые основы регулирования регионального культурного сотрудничества и деятельности организаций, представляющих культурное сотрудничество. Приведены примеры объединения стран региона, а именно Узбекистана, Казахстана, Кыргызстана, Таджикистана и Туркменистана с общей историей и духовными ценностями. **Ключевые слова:** Республика Узбекистан, Центральная Азия, культурное сотрудничество, внешняя политика, стратегия действий, атмосфера всеобъемлющей армии, "пояс фараванлы", "Народная дипломатия", общая история, узы братства, великие деятели, Дни культуры, фестивали Дружбы, культурные центры, общечеловеческие ценности.

### THE CURRENT STATE OF UZBEKISTAN'S CULTURAL COOPERATION WITH CENTRAL ASIAN COUNTRIES

Annotation

This article examines the historical development of the current state of cultural cooperation between the Republic of Uzbekistan and the countries of Central Asia. The factors influencing cultural cooperation between Uzbekistan and the countries of the region are analyzed. The legal framework for regulating regional cultural cooperation and the activities of organizations representing cultural cooperation has been studied. Examples of combining the countries of the region, namely Uzbekistan, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Tajikistan and Turkmenistan with a common history and spiritual values are given.

**Keywords:** Republic of Uzbekistan, Central Asia, cultural cooperation, foreign policy, strategy of actions, atmosphere of a comprehensive army, "faravanli belt", "people's diplomacy", common history, bonds of brotherhood, great figures, Days of culture, Friendship festivals, cultural centers, universal values.

**Кириш.** Марказий Осиё минтақадаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашда давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида Ўзбекистон

ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг қўламли ишларни, миллий манфаатларга жавоб берадиган, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат йўлини давом эттиради. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва кўп қиррали шерикликни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди ва бу борадаги устувор жиҳатларнинг бирин-

чиси сифатида “Марказий Осиё минтақаси-даги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни мазмун ва сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишимиз зарур”лиги белгилаб олинди [11]. Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё мамлакатлари билан маданий ҳамкорлиги маданият кунлари, дўстлик фестиваллари, “Шарқ тароналари” мусикий фестиваллари доирасида тадқиқ этилди.

**Асосий қисм.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши мамлакатнинг энг янги тарихини ички ва ташқи сиёсатини батафсил ўрганиш муҳимлигидан далолат беради. Қарорда акс этишича, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини умумжаҳон ва минтақавий жараёнлар билан узвий боғлиқлигини тизимли равишда тарихийлик ва ҳолислик тамойилларига асосланган ҳолда ўрганишни тақозо этади.

Харакатлар стратегиясида Ўзбекистоннинг аҳил қўшничилик муҳитини, яъни “фаровонлик камари”ини шакллантиришнинг муҳим омилларидан яна бири, қўшнилари билан маданий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, одамларнинг ўзаро бориш-келишларини осонлаштириш ҳисобланади [3]. Ана шу тамойилни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида нафақат қўшни давлатларга, балки уларнинг чегарадош вилоятлари жамоатчилиги иштирокида “халқ дипломатияси” кўринишидаги маданий сафарлар ташкил этилди [6]. Боиси, Ўзбекистон ўзининг жуғрофий-сиёсий ўрнига кўра Марказий Осиё минтақасида қўшни давлатлар билан мустақам ҳамкорлик ўрнатишни тақозо этадиган бир қатор чамбарчас жиҳатларга эга. Чунки, минтақа давлатлари, яъни Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонни умумий тарих, узвий маънавий қадриятлар боғлаб туради. Минтақа халқлари азалдан қариндошлик ришталари, азалий қўшничилик ва ўзаро ҳурмат анъаналари ушбу давлатлар ўртасидаги муносабатларда мустақам асос бўлиб хизмат қиляпти.

Масалан, ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан ёнма-ён яшаган, қавму қариндош бўлган. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги алоқаларга кенг йўл очилгани ҳамкорлигимизни янада мустақамламоқда. Ўзбекистондан Қозоғистонга, Қозоғистондан Ўзбекистонга турли даражадаги делегациялар ташрифи амалга оширилди. 2017 йил Тошкент вилояти делегацияси Қозоғистонда, Қозоғистоннинг Қизилўрда, Шарқий Қозоғистон ва Жанубий Қозоғистон вилоятлари делегациялари Ўзбекистонда бўлди. Бундай ташрифлар нафақат чегара ҳудудларида яшаётган аҳолини, балки бутун минтақа вакиллари ҳаётида янги босқични бошлаб берди. Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва аҳил

қўшничиликни мустақамлаш тўғрисида қўшма декларацияда белгилаб қўйилганидек, томонлар бундан буён ҳам икки давлат ҳудудида истиқомат қилаётган ўзбек ва қозоқ этник бирликлари (халқлари, диаспоралари) учун она тили, миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш масалаларида қулай шароитлар яратиб беришни ўз зиммасига олдилар [6].

Стратегик шерик икки давлатнинг муносабатларида маданий-гуманитар алоқалар ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қиладиган қозоқ миллига мансуб юз минглаб аҳоли халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларнинг давомийлигида муҳим ўрин тутди. Уларнинг ўз қадрият ҳамда анъаналари ва ўзига хослигини ривожлантириш мақсадида қозоқ маданият марказлари, театрлари, фольклор ҳамда эстрада гуруҳлари фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида ушбу миллат ёзувчи ва публицистларининг 50 дан зиёд китоблари чоп этилди. Шу ўринда мамлакатимизда қозоқ тилида республика аҳамиятига молик бўлган “Нурлы жол” газетаси нашр қилиб келинишини ҳам алоҳида тақидлаш жоиз.

Ўзбекистоннинг 386 та мактабида қозоқ тили ўқитилади, улардан 164 тасида таълим қозоқ тилида олиб борилади. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон давлат университети ҳамда Ўзбекистоннинг бошқа қатор олий ўқув юртларида қозоқ тили ва адабиёти кафедралари ташкил этилган, таълим ана шу тилда олиб борилади.

Қозоғистон халқлари ассамблеяси делегациясининг Ўзбекистонга 2017 йил февраль ойидаги илк ташрифи икки томонлама маданий-гуманитар алоқалар чуқурлашиб бораётганининг яққол тасдиғи бўлди. Ташриф чоғида Республика байналмилал маданият маркази, ўзбек илмий-академик доиралари ҳамда Тошкентда истиқомат қилувчи қозоқ миллига мансуб аҳоли билан учрашувлар бўлиб ўтганлиги маданий ҳамкорликнинг бугунги ҳолатининг истиқболли эканлигидан далолат беради [5].

2017 йил 4-5 февраль кунлари Бухоро ва Хоразм вилоятлари вакиллари Туркменистоннинг Лебап ҳамда Тошхөвүз вилоятларига ташрифлари ҳам тегишли ҳудудлар маъмуриятлари раҳбарлари, ишбилармон ва жамоатчилик доираларининг вакиллари иштирокидаги музокараларга бой бўлди. Ташриф қатнашчиларининг таъкидлашича, қардош мамлакат ҳамда халқлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган бундай муносабатларнинг юқори даражаси акс этиши ўзаро ҳамкорликда истиқболли режаларни белгилаб олиш имконини берди.

Шунингдек, минтақаларо даражадаги тўғридан-тўғри ҳамда яқин шериклик алоқаларини, энг аввало, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларни ривожлантириш муҳим эканлиги қайд этилди ва натижада 2017 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси билан

Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва аҳил кўшничиликни мустаҳкамлаш тўғрисида кўшма декларация имзоланди. Унда белгилаб кўйилганидек, томонлар бундан буён ҳам икки давлат ҳудудида истиқомат қилаётган ўзбек ва туркман этник бирликлари (халқлари, диаспоралари) учун она тили, миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш масалаларида кулай шароитлар яратиб беришни ўз зиммасига олдилар [6]. Шуни таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда Ўзбекистоннинг турли вилоятларида қарийб 200 минг нафарга яқин туркман миллатига мансуб юртдошларимиз истиқомат қилади [4, 70]. Бу миллат фарзандлари туркман тили ўқитиладиган 47 та мактабда таҳсил олишяпти. Бундай ташрифлар бошқа кўшни мамлакатлар билан ҳам амалга оширилди.

Ўзбеклар билан тожиклар ўртасида узок даврлар мобайнида узлуксиз давом этиб келаётган алоқалар ҳозирги пайтга келиб ўзаро яқинлик, қолаверса қон-қариндошлик, дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари нафақат тарих саҳифаларида, балки бугунги ҳаётда ҳам ўрин топишига сабаб бўлаётганлиги ҳар икки давлат раҳбарларининг саъи-ҳаракатлари билан мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “ўзбек ва тожик халқларини кўп асрлик умумий тарих, маданий-маънавий муштараклик бирлаштириб туради. Бизнинг урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимиз, дину диёнатимиз, кундалик ҳаёт тарзимиз шу қадар яқин ва уйғунки, уларни бир-бирдан ажратиш деярли мумкин эмас” [1]. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари ҳамкорлигида маданий-гуманитар соҳа алоҳида аҳамият касб этади. Икки халқ минг йиллар давомида биргаликда ёнма-ён яшаб келганлиги маданий соҳа ривожиди муҳим аҳамият касб этади.

1998 йилнинг 29 июн – 5 июл кунлари Ўзбекистонда бўлиб ўтган Тожикистон маданияти кунларида нуфузли олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар, сиёсатчилар ва жамоатчилик вакилларида иборат Тожикистон делегацияси тўртта маршрут бўйича Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида бўлишди [14, 90]. Бу кунларда тожик санъат ва ижод аҳлининг асарлари намойиши барчага манзур бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўرғазмалар залида тожикистонлик рассомларнинг асарлари кўрғазмаси, “Туркистон” саройида Тожикистон китоб ва фотосуратлари кўрғазмаси, Киночилар уйида бир неча тожик фильмларининг намойиши томошабинларда катта таассурот қолдирди. Бироқ кейинги йилларда икки давлат ўртасида сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги сустрас ҳамкорлик маданий соҳада ҳам ўз аксини топди.

2016 йилда Шавкат Мирзиёевнинг ҳукумат тепасига келиши минтқа давлатлари билан Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ҳамкорлигида янги даврни бошлаб берди. 2017 йилда Тожикистонда Ўзбекистон Республикаси маданияти кунлари ва

Ўзбекистон Республикасида Тожикистон Республикаси маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилганлиги маданий ҳамкорликнинг узвий давоми бўлиб бугунги ҳолатининг ёрқин намунасидир [8].

Албатта давлатлар ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати минтақанинг барча давлатлари билан изчил ривожланганлигига доир кўплаб мисолар келтириш мумкин. 2017 йил Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоннинг фармони билан мамлакат пойтахтидаги “Ёшлиқнинг 50 йиллиги” истироҳат боғи номини “Низомиддин Алишер Навоий” деб қайта номлади. Ўз навбатида, Самарқан шаҳрида икки халқнинг буюк вакиллари – Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийга ёдгорлик ўрнатилди. Бундан ташқари, Тошкент метрополитенининг қурилаётган станцияларидан бирига атоқли тожик шоири, Тожикистон Қаҳрамони Мирзо Турсунзода номи берилди [8].

Тожикистон Медиа-альянси бош қотиби, “Имруз News” газетаси бош директори Муниб Оламов фикрича, “замонавий босқичда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ички ва ташқи сиёсатда фаоллик кўрсатмоқда. Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатларида ниҳоятда муҳим ижобий ўзгаришлар юз берди. Кўплаб жиддий муаммолар, шу жумладан, давлат чегаралари, фуқароларнинг ўзаро сафарлари ва бошқа муҳим масалалар муросага эришилди, Бу ўз навбатида, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга шароит яратиб, йигирма йилдан ортиқ давр мобайнида қўлдан чиқарилган имкониятларни қайтаришга хизмат қилади. ...” [9]. Кўриниб турибдики, ушбу таҳлилий таъриф Ўзбекистоннинг юқори даражада ривожлантираётган маданий ҳамкорлиги Тожикистон томонини ҳам қизиқтираётганлигидан далолат беради.

2020 йил 17 февраль куни Қирғизистоннинг “Ала-Тоо айымдары” (“Олатов хонимлари”) экологик ҳаракати” жамоатчилиги бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни “2019 йил одами”, деб эълон қилинди. Мазкур бирлашма раиси Жипаргул Баргибаева давлат раҳбари номига йўллаган мактубида бундай қарорга келиш сабаблари ҳақида ёзар экан, “45 кун ичида Манас қишлоғини обод гўшага айлантириб, оддий халқ қалбидан чуқур ўрин эгаллаб, замонавий раҳбарлигингизни намоеён этганингиз учун”, деб таъкидлаган. Шу билан бирга, қирғизистонлик жамоат арбоби ўз хатида мамлакатимиз Президентининг “Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги давлат чегараси масаласини икки биродар халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этишда йирик халқаро даражадаги сиёсатчи сифатида мустаҳкам кўприк бўлгани, шунингдек, замонамизнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматов номини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига унинг номи берилганлигига ҳам алоҳида эътибор қаратган. 2020 йил 18 февралда Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган тадбирда “Ала-Тоо айымдары” ташкилоти раҳбарияти бундай фахрий эътирофга Президент

Шавкат Мирзиёев номзодини танлашда Ўзбекистон – Қирғизистон муносабатларининг сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтарилиши, Ўзбекистон Президенти томонидан минтақа мамлакатлари ўртасидаги тинчлик, яхши кўшничилик, амалий ва қардошлик алоқалари, Марказий Осиёда дўстлик ва ўзаро мустаҳкам ишонч муҳитини яратиш бўйича олиб борилаётган очиқ сиёсати муҳим мезон бўлиб хизмат қилганини таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари таъкидлаганидек, Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизликни таъминловчи асосий давлатдир. Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси ва донолиги туфайли бугунги кунда Тошкент кўп векторли ташқи сиёсатни самарали амалга ошириб, ўз суверенитетини сақлаган ҳолда дунёнинг йирик марказлари билан мувозанатлашган мулоқот олиб бормоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёда изчил интеграция жараёнларини амалга оширишда локоматив вазифасини бажармоқда ҳамда минтақадаги етакчи давлат сифатида ташқи кучларнинг аралашувисиз барча кўшни давлатлари бирлаштиришга қодирлигига эътибор қаратилади [12].

Глобаллашув жараёнида минтақа давлатлари ўртасида маданий ҳамкорликни мустаҳкамлашда мамлакатимизда ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг роли бекиё бўлмоқда ва бунда Марказий Осиё давлатлари санъаткорлари ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Самарқандда 1997 йилдан буён ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали тили, дини, урф-одатлари турлича бўлган миллат ва элатларни мусиқа орқали бирлаштиришга, Шарқ мамлакатлари халқлари миллий мусиқа ва кўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилишга, анъаналарни асраш ва ривожлантиришга, ёш авлод қалбида санъатга меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтиришга хизмат қилмоқда.

1999 йил 26 - 31 август кунлари Самарқандда ўтган “Шарқ тароналари” иккинчи - Халқаро мусиқа фестивалида Тожикистондан хонанда Ҳасани Камол олти кишилик гуруҳ билан қатнашди [14, 90].

Масалан, 2019 йил 31 августда бўлиб ўтган “Шарқ тароналари” XII халқаро мусиқа фестивалининг навбатдаги ғолиблари ҳам аниқланди. Унга кўра, дунёнинг ғолиб давлатлари каторида “Бадахшон” жамоаси (Тожикистон) “Айархан” жамоаси (Россия) учинчи даражали диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланди.

Иккинчи ўринга Туркменистоннинг “Арчабил” ва Мўғулистоннинг “Хатан” жамоалари сазовор бўлди. Биринчи ўрин эса Қирғизистоннинг “Қомузчилар” дуэти ҳамда Озарбайжондан келган Парвиз Гасимовга насиб этди [10].

Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари маданий ҳамкорлиги ҳам ушбу соҳага доир тегишли ҳужжатлар асосида мустақилликнинг илк йилларидан бошланиб, маданият кунлари, дўстлик фестиваллари каби маданий тадбирлар сифатида ўтказиб келинганлигининг гувоҳи бўламиз. 1994

йил 16 январдаги “Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасида маданият, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, туризм ва спорт соҳасида ҳамкорлик” тўғрисида Битим имзоланган [15, 26]. Ушбу ҳужжат асосида Ўзбекистонда Қирғизистон маданият кунлари ўтказилганлиги икки мамлакат маданий соҳаларининг яхши йўлга қўйилганлигидан далolat беради [16, 38-41].

Икки мамлакат ҳамкорлигига оид материаллар таҳлили шуни кўрсатадики, 2000-2015 йилларда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик сустривожланган ва бунинг сабабини мазкур давлатларнинг ўз тараққиёт йўлларидаги иқтисодий-ижтимоий масалалар билан чекланиб қолганлиги ҳамда Қирғизистонда тез-тез ҳукумат алмашинуви билан изоҳлаш мумкин.

Маданий-гуманитар алоқалар таркибига кирувчи маданият, таълим, фан, санъат ва туризм соҳасида икки томонлама алоқаларни чуқурлаштириш давлат раҳбарларининг олий даражадаги мақсадлари қилиб белгилаб олинди ва ушбу вазифадан келиб чиқиб, бугунги кундаги ушбу соҳадаги алоқалар изчил ривожлантирилиб борилмоқда ва тегишли ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Масалан, 2016 йил май ойида Боткент вилояти делегациясининг Фарғона вилоятига, 10 август куни эса Ўш шаҳар ҳокимлигининг Андижон вилоятига амалга оширган ташрифлари ҳамда ишбилармон доираларнинг бизнес форуми ўтказилиши халқларимиз ўзаро ишончининг ошишида муҳим аҳамият касб этувчи омиллардан саналмиш чегараолди минтақаларда мунтазам алоқаларни йўлга қўйишга жиддий ёндашаётганининг яна бир тасдиғи бўлди.

2016 йил октябрь ойида Қирғизистоннинг Ўш, Боткен, Жалолобод вилоят раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари билан иборат 130 нафар меҳмон Ўзбекистонга, Андижон вилоятига ташриф буюган пайтда Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қирғизистон Республикасининг чегараолди вилоятлари ўртасида ўртасида иқтисодий, маънавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш тўғрисида ўзаро икки мамлакат алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисида англашув меморандуми имзоланди [7].

2016 йил 26 октябрь куни Ўзбекистон – Қирғизистон “Дўстлик” чегара-божхона постида Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларининг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари билан иборат 140 кишилик делегация тантанали равишда қирғизистонлик қардошлар томонидан қизғин кутиб олинди. Ушбу дўстлик учрашуви ўзаро борди-келди муносабатларида ўзига хос мазмун касб этди. Ўш шаҳрининг марказида ўнлаб юрта (чодир)лар тикилган бўлиб, Қирғизистон халқлар Ассамблеяси вакиллари – ўзбек, рус, уйғур, турк, немис маданий марказлари ўз урф-одатларига кўра, дастурхон ёзиб меҳмонларни қарши олдилар.

Ўзбек-қирғиз халқлари маданий алоқаларининг кулминацияли нуқтаси сифатида Қирғиз халқи эпоси – “Манас”нинг эл севган сатрларини бахшилар томонидан қуйлангани ва турли миллат

вакиллари, яъни, болажонларнинг тинчлик, дўстликни мадҳ этувчи қўшиқни завқ билан ижроси иштирокчилар томонидан юқори баҳоланди.

Ушбу сафар чоғида маданий-гуманитар алоқаларга доир яна бир муҳим ҳужжат - “Анджон давлат университети ва Ўш давлат университети ҳамкорлиги тўғрисида” Шартномасини имзоланиши бўлиб, ушбу ҳужжат олий ўқув юртлари ўртасида илмий тадқиқот, малака ошириш, келгусида талабалар алмашиш борасида ҳамкорлик қилиш имконини беради [13].

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни янги даврда янги босқичларга кўтариш эса минтақада жўғрофий-сиёсий мувозанати ва барқарорликни таъминлаш, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга хизмат қилади.

**Хулоса.** Ўзбек, козоқ, қирғиз, тожик ва туркман халқлари ҳамкорлиги, қардошлиги ва дўстлиги, тарихий илдиэлари анча қадимийдир. Ушбу халқларнинг яшаш шароити, урф-одатлари, турмуш тарзи бир-бирига ниҳоятда яқинлиги минтақа халқларининг тарихий ҳамкорлиги ва алоқаларининг қадим-қадимдан мерос бўлиб келиши, бугунги қардошлик ва дўстлик муносабатларининг ривожланиши ва мустақамланишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқаларни ахил-иноқ, дўстона руҳда, ўзаро манфаатли тарзда ривожлантиришга катта эътибор қаратиши минтақавий интеграциянинг янгича мазмун касб этишига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан маданий ҳамкорлигининг бугунги ҳолатини янада мустақамлаш, минтақавий ҳамдўстликни тараққий эттиришга доир қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

– Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан маданий ҳамкорлиги юзасидан икки

томонлама ва кўп томонлама бир қатор ҳуқуқий норматив ҳужжатлар имзоланган бўлиб, уларнинг мунтазам ижросини таъминлаш юзасидан мониторингини олиб бориш ва мунтазамлик касб этиш;

– Марказий Осиё мамлакатларининг янги даврдаги алоқаларини янада мустақамлаш, кенгайтириш ва чуқурлаштиришга, миллий-этник, дўстлик ва биродарлик жараёнларига раҳна соладиган ички ва ташқи омиллар билан мунтазам шуғулланувчи ва ечимини топувчи таҳлилий-ахборот гуруҳини шакллантириш;

– минтақа мамлакатлари маданий ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи транс-чегаравий дарё ва анклав ҳудудлар масаласида ҳам-жиҳатликни сақлаб турувчи чегарадош ҳудудларда маданий марказларни ташкил этиш;

Мухтасар қилиб айтганда, Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларни изчил ривожлантириш, минтақада маданий алмашинувларни кўпайтириш, одамларнинг бориш-келишларини кўпайтириш, савдо ва туризм алоқаларини ривожлантириш мақсадида Давлат чегарасини кесиб ўтишда қулай шароитлар яратиш Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан маданий ҳамкорлигининг бугунги ҳолатини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг кўшни мамлакатлар билан муносабати дўстона, яқин қўшничилик, ўзаро манфаатларни тан олиш ҳамда ҳар қандай масалани ҳал қилиш учун мулоқотга тайёрлик принципига асосланади. Бундай ёндашув эса, юртимиз атрофида “фаровонлик камари”ни шакллантириш орқали минтақада барқарорликни янада мустақамлаш, халқларимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ҳамда мамлакатларнинг барқарор суръатларда ривожланишига хизмат қилади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Асарлар, 2 – жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 333.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси. 2012 йил 10 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. № 9/1. 2012. – Б. 12.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони. – Т.: Адолат, 2017. –112 б.
4. Мирзаев Ғ.Р. Азалий қардошлик ришталари тараққий йўлида (ўзбек ва туркман халқлари ҳамкорлиги). – Т.: “Наврўз”, 2016, - Б. 70. 124 б.
5. Халқ сўзи 2017 йил 21 март.
6. Халқ сўзи. 2017 йил 27 апрель.
7. Халқ сўзи, 2017 йил 5 сентябрь.
8. Халқ сўзи. 2018 йил 10 март.
9. Халқ сўзи. 2018 йил 20 июль.
10. Халқ сўзи. 2019 йил 31 август.
11. Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.
12. Янги Ўзбекистон. – 2020 йил 19-феврал. №18 (18).
13. Ўзбекистон овози. 2016 йил 29 октябрь.
14. ЎзР МДА М – 7 – фонд, 1 - рўйхат, 724 – иш, 90 - варак.
15. ЎзР МДА, М-7 – фонд, 1 – рўйхат, 331 – иш, 26 – варак.
16. ЎзР МДА, М-7 – фонд, 1 – рўйхат, 331 – иш, 38-41 – варак.





УДК 02 (09) (092)

*Хабибжон ОЛИМЖОНОВ,*  
*Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти*  
*E-mail: olimjonov\_1860@mail.ru*

#### DESCRIPTION OF PRIVATE DOCUMENTS FUNDS OF THE BIBLIOGRAPHERS IN THE NATIONAL ARCHIVES OF UZBEKISTAN (E.K.BETGER PRIVATE FUND EXAMPLE)

Abstract

The archives and libraries contain historical books and archive documents from the earliest times of Uzbekistan's history to the present day, reflecting the material and spiritual life of the people of Uzbekistan. These sources also include archival documents on the life, work, and research of renowned bibliographers. One such person is Yevgeny Karlovich Betger (1887–1956), the first Central Asian librarian and bibliographer at the Turkestan People's Commissariat for Public Education. The fund contains a total of 567 storage units and contains valuable documents on the socio-political, economic and cultural spheres of Uzbekistan's history from 1862 to 1956. Betger's books, research, research papers, textbooks, and documentation of his activities are particularly important.

**Key words:** document, archives, archive fund, library catalogs, universal decimal classification.

#### ОПИСАНИЕ ДОКУМЕНТОВ ЧАСТНОГО ФОНДА ДЛЯ БИБЛИОГРАФИЙ В НАЦИОНАЛЬНОМ АРХИВЕ УЗБЕКИСТАНА. (ПРИМЕР Е.К.БЕТГЕР ФОНДА)

Аннотация

Архивы и библиотеки содержат исторические книги и архивные документы с древнейших времен истории Узбекистана до наших дней, отражающие материальную и духовную жизнь народа Узбекистана. Эти источники также включают архивные документы о жизни, работе и исследованиях известных библиографов. Одним из таких людей является Евгений Карлович Бетгер (1887–1956), первый среднеазиатский библиотекар и библиограф Туркестанского народного комиссариата народного образования. Фонд насчитывает 567 единиц хранения и собирает ценные документы о социально-политической, экономической и культурной сферах истории Узбекистана с 1862 по 1956 год. Книги Е.К.Бетгера, исследования, исследовательские работы, учебники и документация его деятельности особенно важны.

**Ключевые слова:** документ, архив, архивный фонд, библиотечные каталоги, универсальная десятичная классификация.

#### ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИДА САҚЛАНАЁТГАН БИБЛИОГРАФ Е.К.БЕТГЕРНИНГ ШАХСИЙ ФОНДИ ҲУЖАТЛАРИ ТАВСИФИ

Аннотация

Архив ва кутубхоналарда Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврдан ҳозирги кунгача бўлган ҳужжатлар ва тарихий китоблар жамланган бўлиб, унда халқимизнинг моддий ва маънавий ҳаёти акс этган. Ушбу манбаларда машҳур кутубхонашунос библиографлар ҳаёти, меҳнат фаолияти ва илмий-изланишларига доир архив ҳужжатлари ҳам мавжуд. Ана шундай шахслардан бири Туркистон маориф халқ комиссариати қошидаги кутубхоначилик бўлимининг биринчи мудир, Ўрта Осиёлик йирик кутубхонашунос ва библиограф Евгений Карлович Бетгер (1887-1956) дир. Унинг илмий мероси Ўзбекистон Миллий архивида 2412-рақамли шахсий фонд ҳужжатлари сифатида сақланади. Ушбу фонд таркибида 567 саклов бирлигидан иборат йиғмажилд мавжуд бўлиб, Ўзбекистон тарихининг 1862-1956 йиллардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларига оид қимматли ҳужжатлар тўпланган. Айниқса Е.К.Бетгернинг китоблари, изланишлари, илмий рисоалари, ўқув қўлланмалари ва унинг фаолияти ҳақида ҳужжатлар алоҳида ўрин олган.

**Калит сўзлар:** ҳужжат, архив, архив фонди, кутубхона каталоги, универсал ўнлик классификацияси.

Ҳозирги даврда юртимизда илмий ва инновацион тараққиётининг янги даври бошланди. Илм-фанга янги рақамли технологиялар кириб келмоқда. Архивлар, кутубхоналар ва музейлар ҳам шулар жумласидандир. Ўзбекистонда илм-маърифат ва китобхонлик маданиятига бўлган катта қизиқиш ва эътибор халқимизнинг ўзаро яқинлаштирадиган бебаҳо қадриятдир. Мамлакатимизда 2020 йилни

“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилингани “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган улуғвор ғоямизга тўла мос келади.

Бугун ҳаётимизни китобларсиз, нодир қўлёзмаларсиз ва архив ҳужжатларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки ушбу манбалар Ўзбекистон тарихини ўрганишга, тарихий билимларнинг

бойишига ҳамда ўтмишимизга бўлган қизиқишнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг сўзи билан айганда, “Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд ноёб қўлёзма асарлар сақланмоқда. Бироқ, айтиш керакки, уларнинг аксарияти ҳамон ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Бу маънавий хазинани ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва оммалаштириш олдимизда турган муҳим ва шарафли вазифадир”[1].

Архив ва кутубхоналарда Ўзбекистон тарихининг энг қадимги давридан ҳозирги кунгача бўлган ҳужжатлар ва тарихий китоблар жамланган бўлиб, унда халқимизнинг моддий ва маънавий ҳаёти акс этган. Ушбу манбаларда машҳур кутубхонашунос библиографлар ҳаёти, меҳнат фаолияти ва илмий-изланишларига доир архив ҳужжатлари ва 150 йиллик тарихга эга бўлган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси асосчиларидан бири, йирик кутубхонашунос ҳамда библиограф Евгений Карлович Бетгер (1887–1956) фаолиятига доир ҳужжатлар мавжуд [2].

Биз, Е.К.Бетгерни Туркистонда кутубхона иши тарихига бебаҳо ҳисса қўшган библиограф ва Ўзбекистонда кутубхоналар фаолиятини йўлга қўйган олим сифатида ҳам биламиз. Унинг илмий мероси Ўзбекистон Миллий архивида 2412-рақамли шахсий фонд ҳужжатлари сифатида сақланади [3]. Ушбу фонд таркибида 567 саклов бирлигидан иборат йиғмажилд мавжуд бўлиб, Ўзбекистон тарихининг 1862–1956 йиллардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларига оид қимматли ҳужжатлар тўпланган. Айниқса Е.К.Бетгернинг китоблари, изланишлари, илмий рисолалари, ўқув қўлланмалари ва унинг фаолияти хақида ҳужжатлар алоҳида ўрин олган.

Ушбу ҳужжатларни тузилишига ва мазмунига қараб бир неча гуруҳга ажратиш мумкин:

- Е.К.Бетгернинг меҳнат фаолияти ва хизмат вазифаларига оид қоралама қўлёзма ҳужжатлар: турли вилоятлардан Туркистон оммавий кутубхонасига олиб келинган китобларга тузилган рўйхатлар, кутубхона китоблари учун ишлаб чиқилган каталоглар намуналари, универсал ўнлик классификацияси ва бошқа қоралама қўлёзма ҳужжатлар;

- маъмурий давлат бошқарув органлари ва суд жараёнларига оид ҳужжатлар; ўлкадаги қозиларнинг суд ишлари акс этган ҳужжатлар ва бошқалар...;

- ички ва ташқи сиёсат; Россия империясининг Европа (Англия) ва Осиё (Хитой) мамлакатлари билан олиб борган халқаро муносабатларига оид ҳужжатлар, Туркистон генерал-губернаторлигининг ташқи алоқаларига оид ҳужжатлар;

- ҳарбий ҳаракатлар ва экспедициялар; турли мамлакатларнинг ташқи ва ички сиёсатига оид ҳужжатлар;

- рус ва маҳаллий ўлкашунос, тарихчи ҳамда тадқиқотчиларнинг мақолалари тўпламларидан парчалар;

- Ўрта Осиё аҳолиси, тарихи, этнографик хусусиятларига оид материаллар;

- Ўрта Осиё мамлакатлари ҳудудига оид ўлкашунослик материаллари;

- Ўрта Осиё аҳолисининг диний ва ахлоқий қарашлари акс этган материаллар;

- илмий экспедициялар, географик ва археологик тавсифлар;

- қишлоқ хўжалиги, суғориш, иқлим ва муҳожирлик масалаларига оид материаллар; боғдорчилик, чорвачилик, пахтачилик, сувдан фойдаланиш ва суғориш иншоотлари, кўчириш масаласи, ер қимирлаши (зилзила) ҳужжатлари;

- саноат, савдо, қўл меҳнати ҳунармандчилигига оид материаллар;

- транспорт ва алоқа операторлик ҳужжатлари; темир йўл қурилиши, телеграф алоқаси;

- таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, адабиёт, санъат, рассомчилик, танқид ва библиографияга оид материалларлар;

- газета, журнал, харита ва рисолалар; И.Тимаев ва бошқа муаллифларнинг китоблари ва мақолалари тўплами;

- номаълум шахсларнинг турли хилдаги мактублари; йўналиш кўрсаткичлари, хатлар, мақолалар ва эслатмалар;

- шарқ ва туркий тиллар ҳамда европа тилларидаги китоблар, газеталардан кесиб олинган мақолалар коллекцияси; 1192 йилга тегишли, Муҳаммад Муссо ўғли Хожа-Исо-Дохведи-Самарқандийнинг “Бадрул-асрор-Васанаду Абрф” қўлёзма асари[4]; Афғонистон шоҳи Нодиршоҳнинг Ўрта Осиё давлат оммавий кутубхонасига совға қилган “Ислоҳ” газетасининг 2 варақдан иборат парчаси (унда Қуръони Карим оятларидан иловалар келтирилган)[5]; 1861 йилга оид Камоллидин Муҳаммад ўғли Абдул-Воҳид ўғли Абдулкамид ўғли Маъсуд-Сивосийнинг араб тилида ёзилган “Фатхул-Қодир” қўлёзма асари[6]; муаллифи номаълум “Фикхи-Акбар” қўлёзма китоби[7]; Алишер Навоийнинг ўзбек тилидаги шеърларидан иборат[8]. Батафсил иловадаги 1-жадвалда кўрсатилган.

Ҳужжатлар ичида Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфманнинг 1867 йилдан 1880 йилгача бўлган даврдаги ҳисоботи мавжуд. Ҳисоботда минтақанинг шаҳар аҳолиси тахминан 30 минг жонни ташкил қилиши, бу эса маҳаллий аҳолининг 11 фоизи дегани, генерал-губернаторликнинг жанубий қисмидаги янги маданий воҳалар, унда истиқомат қилувчи аҳолининг кўплиги, улар умумий аҳолининг 85 фоизини ташкил қилиши, шаҳар аҳолиси камида 20 фоизни ташкил қилиши айтилган [9]. Шунингдек Россия империясининг Туркистон ўлкасидаги генерал-губернатори М.Д.Скобелев қўмондонлиги-даги рус отрядлари 1832 йилдан 1876 йилгача Олой қирғизларининг йўлбошчиси ва ҳукмдори, Қурмонжон-Додҳо

(киргизча: Курманжан Датка: 1811-1907 йилларда яшаган (Олой кироличаси, маликаси деб ҳам аташади) ва унинг ўғилларига қарши ҳарбий ҳаракатларнинг тавсифи, М.Д.Скобелевнинг ғалабаси ва Курмонжоннинг подшолик ҳукумати хизматига топширилиши, киргизларнинг империя ҳукуматига қарши кўзғолони, исёнчиларни қатл этиш ҳамда малика ўғилларининг ўлими, шунингдек Хитой, Афғонистон ҳукумати ва киргизлар ўртасидаги муносабатлар акс этган журналлардан парчалар учрайди[10].

Шунингдек Туркистон вилояти География ва давлат мулки бошқармасининг собиқ ходими К.Тимаровнинг мақолалари, номаълум шахсларнинг К.Тимаровга ёзган хатлари ва газеталардан парчалар тўплами ҳам мавжуд. Афтидан, Е.К.Бетгер мазкур турдаги ҳужжатларни йиғиш орқали “Туркистон тўплами”ни тузишда фойдаланган [11].

30-йиллар ўрталарига келиб Е.К.Бетгер Тошкент Давлат кутубхонасининг энг қимматбаҳо бойлиги – “Туркистон тўплами”ни тузишга эришади. Ўрта Осиёга тегишли бўлган масалалар бўйича иш бошлаган ва Туркистонда кутубхона иши тарихига қизиққан ҳар бир инсон ушбу тўплам билан таниш.

Е.К.Бетгер давлат кутубхонасининг катта бойлиги – “Туркистон тўплами”га кўп меҳнат ва вақтини бағишлаган. У тўпламни кейинчалик топилган манбалар билан тўлдириб борган. 1952 йилда эса Е.К.Бетгер Москва кутубхонаси нодир нашрлар бўлимида “Туркистон тўплами”нинг яна 29 жилди борлигини аниқлаган. Тўпламнинг соҳаси, мазмуни ва манбаларда келтирилган муаллифларнинг шахси бўйича кўрсаткичлар тузган[12]. 1953 йилда муқобили бўлмаган 594 та жилддан иборат “Туркистон тўплами”нинг илми таърифлари ва тавсифлари билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон оммавий кутубхонасида жамлашга эришган.

Юқоридаги маълумотлар баён этилган Е.К.Бетгернинг шахсий фонд ҳужжатлари ўз даврида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий архивининг шахсий фондлар бўлимига топширилган. Аммо ҳужжатлар тарқоқ холда, яъни йиғилмаган ва тавсифланмаган эди[13]. Кейинчалик архив ходимлари томонидан ушбу ҳужжатлар тизимлаштирилиб, ягона фондга бирлаштирилган ва уларнинг рўйхатлари тузилган.

Бундан ташқари 2412-рақамли шахсий фонд таркибида барча ҳужжатлар битта сақлаш мосламаларига хронологик тартибда жойлаштирилган “хизмат фаолияти” бўлимида Ўзбекистон География жамиятининг материаллари, иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда фашистлардан озод бўлган жойларда кутубхоналар ишини ташкил этишга оид ҳужжатлар бор [14].

Шу билан бир қаторда Е.К.Бетгер ноёб китобларни ва маҳаллий тилларда ёзилган қўлёзмаларни қидириш ҳамда илмий қайта ишлашга, маҳаллий манбаларнинг турли тўпламларида батафсил библиографик кўрсаткичларни тузишга

алоҳида эътибор қаратган [15]. Шунингдек, библиографик фаолиятига, айниқса ўлкашунослик характеридаги библиографик кўрсаткичларни тузишга ҳам эришган.

Ўзбекистонда кутубхона иши тарихини тадқиқ этадиган бўлсак, Е.К.Бетгернинг номи алоҳида қайд этилади. Чунки унинг меҳнат фаолияти натижасида тўпланган билимлар ва архив ҳужжатлари ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, унинг кутубхона фаолиятига доир ҳисоботларни тузишда бир хилликка эришиш, кутубхона фонди ва кутубхона маълумот аппаратини ташкил этиш; каталог ҳамда картотекаларни тузиш, китоб фондини сақлаш, классификация қилиш ва ўнлик классификация асосида тавсифлаш борасида олиб борган меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Е.К.Бетгер 1918 йилда Л.К.Давидов билан биргаликда илк маротаба “Ўнлик библиографик классификация”ни нашр этади. У 1922 йилда эса бу ишни қайта такомиллаштириб нашр эттиради ва унга сўзбоши, услубий кўрсатма ҳамда фойдаланиш қоидаларини қўшади.

ЎзМАдаги Е.К.Бетгерга тегишли шахсий фонднинг 1-сонли йиғмажилдида айнан юқоридаги фикримизнинг исботи сифатида Е.Бетгер томонидан тузилган каталогларнинг қоралама вариантлари ҳам сақланиб қолган. Уларда Е.К.Бетгернинг ўзида мавжуд бўлган қўлёзмаларнинг рўйхатини тузган. Е.К.Бетгернинг фондида 1877 йилда генерал-губернатор фон Кауфман илтимосига кўра вилоятларнинг 25 та асосий кутубхоналаридан олиб келинган китобларга ёзилган шарҳлар мавжуд. Буларнинг ичида, А.К.Гейес ва Н.Ф.Петровскийнинг тарихий китоблари алоҳида аҳамиятга эга[16].

Туркистон оммавий кутубхонаси тарихига бағишланган аммо нашр этилмаган асарлар ичида, ўзбек библиографларнинг энг кекса авлоди[17] Е.К.Бетгернинг “Три четверти века культурной работы (1870–1945 гг.)” номли асари, диққатга сазовордир. Бу асар нафақат кутубхона иши тарихи, балки ўша вақтлардаги маданий ҳаёт ҳақида ҳам маълумот беради[18].

Академик М.Е.Массон Е.К.Бетгер хотирасига бағишланган мақоласида “Ушбу библиографнинг номи нафақат СССРда, балки чет элларда ҳам маълум, чунки у кўпинча билимларнинг турли соҳларида илмий изланишлар бўйича кўринмас ёрдамчи бўлиб, кўплаб мутахассислар уни муаммони ўрганишда муваффақият қозонганликлари учун қарздор...” дея қайд этган[19].

Е.К.Бетгер нафақат Туркистонда кутубхона иши тарихида, балки Ўзбекистон тарихининг маълум даврида ижод этган ва тинимсиз меҳнат қилган библиограф сифатида ҳам ўчмас из қолдирди.

Шундай қилиб Евгений Карловичнинг “Универсал ўнлик классификацияси” (УДК) рисоласи ва унга илова қилинган услубий ишланма узоқ йиллар давомида УДК ҳамда бошқа кутубхона техникасида Туркистон кутубхона фондлари ходимлари учун ягона қўлланма сифатида хизмат

килиб келган[20]. Шунинг учун ҳам 1953 йилда Е.К.Бетгер узоқ йиллик самарали меҳнатлари учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кутубхоначи” унвони билан тақдирланган.

Келгусида тарихчи, архившунос ва библиографлар олдида Е.К.Бетгернинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси учун ишлаб чиққан ҳамда ҳозирги кунда анча эскирган

кутубхона каталоглари ва “Универсал ўнлик классификацияси”нинг янги замонавий жадвалга ўтказиш борасида қилиниши керак бўлган инновацион ва долзарб масалалар ўз ечимини кутмоқда. Бу эса ҳозирги куннинг тарихчилари, архившунос ҳамда кутубхонашунос мутахассисларнинг зиммасидаги масалага айланиши керак.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти девони халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимидаги нутқи. “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий газета. 2020 йил 21 февраль.
2. Кормилицын А.И. История развития библиотечного дела в дореволюционном в Туркистане (1868–1917 гг.): Автореферат. Дис. Тошкент: ТашГУ, 1969. С. 12.
3. ЎзМА Фонд-Р-2412. 1-рўйхат, 1-йиғма жилд. 2 варақ.
4. ЎзМА Фонд-Р-2412. 1-рўйхат, 543-йиғма жилд.
5. ЎзМА Фонд-Р-2412. 1-рўйхат, 545-йиғма жилд.
6. ЎзМА Фонд-Р-2412. 1-рўйхат, 546-йиғма жилд.
7. ЎзМА Фонд-Р-2412. 1-рўйхат, 559-йиғма жилд.
8. ЎзМА Фонд-Р-2412. 1-рўйхат, 565-йиғма жилд.
9. ЎзМА Фонд-Р-2412. 1-рўйхат, 71-йиғма жилд. 33 варақ.
10. ЎзМА Фонд-Р-2412. 1-рўйхат, 29-йиғма жилд. 37 варақ.
11. ЎзМА Фонд-Р-2412 1-рўйхат, 2-йиғма жилд. 6 варақ.
12. ЎзМА Фонд-Р-2412 1-рўйхат, 1-йиғма жилд. 2 варақ.
13. ЎзМА Фонд-Р-2412. 1-рўйхат, 2-йиғма жилд. 3 варақ.
14. ЎзМА Фонд-Р-2412. 1-рўйхат, 21-йиғма жилд. 12 варақ.
15. ЎзМА Фонд-Р-2412. 1-рўйхат, 21-йиғма жилд. 15 варақ.
16. ЎзМА Фонд-Р-2412. 1-рўйхат, 21-йиғма жилд, 3 варақ.
17. Кормилицын А.И. История развития библиотечного дела в дореволюционном в Туркистане (1868–1917 гг.) Автореферат. Дис. Тошкент: ТашГУ, 1969. С. 12.
18. Бетгер Е.К. Три четверти века культурной работы (1870–1945 гг.). Ташкент, 1945. С 43.
19. Массон М.Е. Евгений Карлович Бетгер хотирасида, // САГУ Ўрта Осиё археологияси, IV, Тошкент, 1957. Б 43.
20. Кормилицын А.И. История развития библиотечного дела в дореволюционном в Туркистане (1868–1917 гг.): Автореферат. Дис. Ташкент: ТашГУ, 1969. С.25.



УДК: 93/99

*Шаҳодат ОХУНЖОНОВА,*  
*ЎзРФА Тарих институти таянч докторанти*  
*E-mail: [ohunjonova1191@mail.ru](mailto:ohunjonova1191@mail.ru)*

### ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРЛАРИДА МОКИ САВДОГАРЛИК ФАОЛИЯТИ (1990-1918 ЙИЛЛАР)

Аннотация

Ушбу мақолада рус тилидаги “челнок” ва ўзбек тилидаги “моки” тушунчалари, жамият ҳаётида савдогарлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг тутган ўрнига аҳамият қаратилган. Тижорат фаолияти бозорни моллар билан тўлдиришга, аҳоли талабини қондиришга хизмат қилганлиги кўрсатилган. Савдогарларнинг ижтимоий ҳолати, турлари, фаолияти, савдогарларнинг жинси ва ёш таркиби ҳақида маълумот берилган. Шунингдек тадқиқотда кейинги йиллардаги моки савдо фаолиятига киритилган ўзгариш ва янгиликлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** моки савдо, челнок, тижорат, бизнес, савдо, халқаро савдо, бозор, иқтисод, тадбиркорлик.

### MOBILE TRADING ACTIVITIES IN THE MARKETS OF UZBEKISTAN (1990-1918)

Annotation

This article describes the concepts of "Shuttle" in Russian and "Moki" in Uzbek, the role of persons engaged in Shuttle trade in society, as well as the importance of their commercial activities for raising the market with necessary goods and meeting the needs of the population. The article provides information about the social status, gender, age and category of shuttles, as well as about the countries in which they carried out their trade activities. In addition, the study shows a number of innovations and changes used in recent years in the implementation of the Shuttle business.

**Key words:** shuttle trade, shuttle, entrepreneurship, business, market, economy.

### ЧЕЛНОЧНАЯ ТОРГОВАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ НА РЫНКАХ УЗБЕКИСТАНА (1990-1918)

Аннотация

В данной статье раскрываются понятия «челнок» на русском языке и «моки» на узбекском языке, роль занимающихся челночной торговлей лиц в обществе, а также значение их коммерческой деятельности для насыщения рынка необходимыми товарами и удовлетворения потребностей населения. В статье даны сведения о социальном статусе, полу, возрасту и категории челноков, а также о странах, в которых они осуществляли свою торговую деятельность. Кроме того, в исследовании отображены ряд нововведений и изменений, используемые в последние годы при осуществлении челночным бизнесом.

**Ключевые слова:** челночная торговля, челнок, предпринимательство, бизнес, рынок, экономика.

**Кириш.** Тарихдан маълумки, ҳар қандай мамлакат фақат ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ҳисобига яшай олган эмас. Бу ўзгармас табиий қоида мамлакатлар ўртасида халқаро меҳнат тақсимотини вужудга келтиради. Мазкур тақсимот муайян мамлакатларнинг географик ўрни, табиий иқлим шароити, қазилма бойликлари, аҳолисининг турмуш тарзи, урф-одати ва анъаналари билан боғлиқ. Юртимиз қадимдан савдо йўлида жойлашганлиги сабабли, савдо яхши ривожланиб, йирик бозорлар шаклланган ва ҳозирда мавжуд бўлган Ўзбекистондаги мингдан ортиқ бозорларнинг илдизлари ва шаклланиши қадимги даврларга бориб тақалади. Бозорлар халқ ҳаётида муҳим рол ўйнаганлиги учун ҳатто жой номлари ҳам бозорлар номи билан аталадиган бўлган.

Ўзбекистонда савдогарлик фаолияти билан шуғулланувчи қатлам қадимдан мавжуд бўлиб келган бўлса-да, собиқ совет иттифоқи даврида савдо фаолияти билан шуғулланиш қатъий тақиққа учради. Қисқа вақт ичида бошқа кадрлар билан

бир қаторда асрлар давомида тўпланиб, такомиллашиб келган савдо - тижорат, бозор маданияти ҳам сиқиб чиқарилди. Бозор маданияти эса узоқ тарихий жараён маҳсули бўлиб, қисқа муддатда қайта тиклаб бўлмайди. Бозор муносабатлари учун шарт-шароит, муҳит ҳозирлаш, унинг асосий унсурларини қарор топтириш керак бўлади. Лекин, булар қанчалик мураккаб бўлмасин, масаланинг бир томони ҳолос. Энг қийини - кишиларда бозор маданиятини, тижорат руҳиятини, тадбиркорлик фазилатини тиклашдир [6]. Шўролар даврида кишилар онгида ижтимоий тенглик тушунчаси шаклланиб, мулкка эгаллик туйғусидан узоқлашган эди. Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги белгилаб қўйилди ва савдо учун давлат томонидан кенг йўл очиб берилди. Масалан 1991 йил 20 сентябридаёқ Тошкентда Ҳиндистон савдо кўرғазмаси очилиб, 65 та хинд фирма ва компаниялари ўз маҳсулотлари билан қатнашган [7].

1991 йил совет итифоқи парчаланганидан кейин савдогарлик ҳуқуқий асосларга эга бўлган ҳолда, эркин кўринишда тадбиркорликнинг бир турига айланди. Савдогарлик фаолиятининг ривожига иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар жамиятдаги ўзгаришларга туртки бўлди, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун маълум имкониятлар пайдо бўлди. Фаолиятнинг янги соҳаларини ўзлаштираётган гуруҳлар шакллана бошлади. Шундай гуруҳлардан бири – кенг истеъмол молларини олиб сотиш билан шуғулланган кишилардир. Рус тилида бу сўз “челнок” [3], ўзбек тилига таржимаси “моки” [8] деб аталади [5]. Чунки улар мол олиб келиш учун худди мокидек ўзлари топган йўл орқали тинимсиз бориб-келардилар. Шуниси қизиқки, ўзбек тилида сўзлашувчи аҳоли ўртасида “челнок” ва унинг ўзбекчадаги “моки” таржимаси нимагадир қўлланилмади. Балки бунга ўзбек халқининг азалдан савдо-сотиқ билан шуғулланиши ва бу кишиларни савдогар деб атаганликлари сабаб бўлгандир [1]. Моки феномени – ижтимоий ходиса, тадбиркорлик ташаббуси ва бу бозор шароитига мослашишдир [11].

Савдогарликнинг бир кўриниши моки савдо ҳисобланади. “Савдогар ким? – деган саволга баъзи манбалардан “савдогарлик ҳунардир” деб таъриф берилган. Аммо ҳунар эгаси ҳомашадан бирор бир маҳсулот ишлаб чиқариб сотади. Демак савдогарликнинг амаллари ҳунарамандларникига ўхшагани билан у ҳунар эмас. Бу ҳақда “Қобуснома”да шундай фикр берилади: “Эй фарзанд, ҳар ҳолда тижорат ва бозоргонлик ҳунар ҳисобида эмасдир, аммо уни санъат деса бўлур, бозоргонлик ақлсизлик асосига, фойда топмоқ тартиби ақл асосига қурулмиш...” – дейилган бўлиб, санъат даражасига кўтарилган.

Тижоратчи савдо сотиқ билан шуғулланишга киришгач, нафақат моли, ҳатто жонини ҳам гаровга қўйган. Ақл асосида иш юритиб, молни танлай ва сақлай билиши орқали фойда топган. Ўз юртига мол олиб келиш илинжида бошқа элларга бориб, тил ўрганган[4]. Бу хусусиятлар кўпроқ йирик савдогарлар тоифасига ҳос бўлиб, дунё бозорларидан, яъни жаҳоннинг турли шаҳарларидан моллар олиб келиб, дунё кезганлар. Улар жуда катта сармоялар билан фаолият кўрсатган [10].

XX асрнинг 90-йиллар ўрталарида барча МДХ мамлакатларида моки савдогарчилик истеъмол бозорларини тўлдиришда муҳим ўрин эгаллаган. Бироқ, моки савдогарларнинг жуда камчилик қисми яқка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширган. Уларнинг катта қисми чет элга асосан сайёҳ, сифатида қатнаб моки савдогарчилик билан шуғулланган. Шунингдек аҳолининг эҳтиёжини ўрганган ҳолда, улар томонидан талаб қилинадиган истеъмол товарларини сотиш билан шуғуллана бошлаганлар. Бу товарлари учун божхона йиғимлари тўлашда муайян имтиёزلардан фойдаланишган. Имтиёзлар одатда ҳақиқий сайёҳлар учун белгиланган бўлиб, чет элдан олиб

келинган ёки чет элга олиб чиқилаётган товарларни шахсий истеъмол учун мўлжалланиши назарда тутилиб, товарларнинг муайян қисмига нисбатан божхона йиғимлари белгиланмаган ёки имтиёзли миқдорда белгиланган эди. XX асрнинг 90 йиллар бошида Ўзбекистонда дастлабки аралаш бозорлар шакллана бошлади. Фақат маҳсулот эгаси бўлган деҳқонлар савдо қилинадиган озиқ-овқат ёнидаги бўш жойларда бирин-кетин соябонлар ўрнатилди. Кўп жойларда гиламчалар ва йиғма каравотлар устига серкатнов “тадбиркорлар” олиб келган нарсалар харидорлар эътиборига ёйиб қўйилди. Шундай қилиб “ёйма бозорлар”нинг пайдо бўлиши авж олди. Одатда, сотувчилар маҳсулотларни савдо қилишга мўлжалланмаган жойларда сотар эдилар. Кимдир ўз молларини уйдан чиқмасдан таниш-билишлар, қўни-қўшни, қариндош - уруғларига сотиб, савдо айланмасини катталаштирган. Оммавий маҳсулотлар танқислиги даврида савдогарлар, табиийки, сифати паст энг зарур молларни, асосан, Хитой, Қозғистон ва Россиядан олиб келишар эди. Улар аниқ бир молни сотиб олишни мўлжаллаб йўлга отланмас эди, сотиб олаётганида унинг тури ва сифатига катта эътибор берилмаган. Одатда, мол олиб келиш учун, айтиш мумкинки, кўр-кўрона, аниқ бир режасиз жўнаб кетганлар. Нархи маъқул келган ва олиб бориб қимматига сотиш мумкин бўлган ҳамма нарсани: аёллар тақинчоқлари, сигаретлар, парфюмерия буюмлари, устки трикотаж, теридан ишланган кийимлар, пайпоқ ва ички кийимлар кўпроқ сотиб олинар эди. Булар оз-оз миқдорда олиб келишган, чунки савдогарлар ўз бизнесига катта пул сарфлай олмас эдилар. Шунингдек олиб келинаётган молга нисбатан талаб даражасини олдиндан билиш ҳам қийин эди. Омад келиб, натижа яхши бўлгудек бўлса, олиб келинадиган товарлар учун сарфланадиган маблағни икки бараварига, ҳатто уч бараварига ҳам ошириш мумкин эди. Дастлаб кийим-кечак, электроника, кейинроқ озиқ-овқат ва бошқа кундалик ишлатиладиган маҳсулотлар билан савдо қилинган. Дастлаб танишлар орқали сотиганлар ва айланма маблағлар ошгани сайин, дўкон ва катта дўконлар, улгуржи бозорларда ўз жойларига эга бўла бошлаганлар [9].

Мижозларга хизмат кўрсатиш инфра-тузилмасини ривожлантириш ва товарларни жисмоний шахслар томонидан божхона расмий-лаштируви тартибини кучайтириш орқали ташқи савдо фаолиятининг йирик иштирокчилари товарларни харид қилиб, сарфланган харажатларни қамайтириш йўли билан қўлга киритилди. Хорижлик воситачилар билан алоқалар товар кредитини қўллаш орқали маҳсулот сотиб олиш ёки банклар орқали нақд пулсиз тўловлар билан каталогларни буюртма қилиш имконини берди. Бу катта миқдорда нақд валюта операциялари учун хос бўлган хавфларни қамайтиришга ёрдам берди. Шунга қўра, харид қилиш туризми самарасиз бўлган йўналишлар сони қисқарди. 1990 йилларнинг бошларида ташқи савдо операцияларининг 30-50%

фоизга тушиб кетиши туфайли, харидорларнинг арзон Хитой молига йўналтирилди [1].

Кўпинча савдогарлар мол олиб келиш учун бегона мамлакатларга, у ернинг бирорта улгуржи бозорини билмай туриб жўнаб кетардилар. Улар йўлда ўзларига ўхшаган савдогарлар билан танишиб олар ёки зарур молни маҳаллий аҳолининг йўл кўрсатиши билан топиб олар, кимдир ўша бозорни ўзи излаб топишга ҳаракат қилган.

Бугунги кунда чет элга борадиган тижоратчилар учун бозор излаб юриш ташвишлари йўқ, чунки бу бизнес ривожланди. Йирик улгуржи савдо марказларига эга бўлган мамлакатлар миқозларни ахборот билан таъминлаш тизимини йўлга қўйиб олган. Масалан, Туркияда бозор ҳақидаги ҳар қандай маълумотларни савдогар тўхтаган меҳмонхонада олиши мумкин эди. Италия ва Грецияда эса махсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ташриф буюрувчиларни улгуржи бозорлар жойлашган масканлардан хабардор қилиши мумкин бўлган.

Ўзбекистонда эса тижоратчилик кўп ҳолларда оилавий кўринишга эга бўлиб, тижоратга бутун оила аъзолари жалб қилинган ҳолда, кимдир сотувчилик билан шуғулланса, кимдир махсулот етказиб бериш билан банд бўлган.

Савдогарликнинг Ўзбекистондаги ўзига хос хусусиятларидан яна бири – унинг асосан аёллар томонидан амалга оширилишидир. Аралаш бозорлардаги 90% савдогарлар – 30 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллардир[1]. Интервьюларга кўра бозорда сотувчилар ва товар эгалари аксарияти

аёллар бўлиб, ушбу ходисани респондентлардан олинган маълумотларни умумлаштирган ҳолда аёлларнинг кўпроқ мослашувчанлиги, савдолашиш қобилиятининг кучлилиги деб изоҳлаш мумкин [12]. Улгуржи бозор ва супермаркетлар ҳақидаги маълумотлар ҳали ҳам мустақил тарзда излаб топилади ёки таниш – билишлар ва дўстлардан олинади.

Оғзаки тарих маълумотларига суянадиган бўлсак, хориждан мол олиб келувчи респондентларнинг кўп қисми карго усулидан фойдаланишлари ва бу бир қанча қулайликларга эга эканлигини айтишган. Шунга кўра, кетадиган йўл харажатлари, соғлигидаги муаммолар ва сафардаги вақтни савдо жараёнига таъсир қилишини кўрсатишган. Карго усулидан фойдаланувчи савдогарлар хорижий бозорларга бормасдан интернет ва телефон орқали буюртма бериб, буюртма орқали молларни қабул қилиб оладилар [13]. Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, савдогарлик касби инсониятнинг энг қадимги касбларидан бири бўлиб, ҳамма халқларда ҳам алоҳида обрў-эътиборли касблардан ҳисобланган. Тижорат фаолияти бозорни моллар билан тўлдиришга, аҳоли талабини қондиришга хизмат қилувчи бозордаги энг муҳим фаолиятдир. Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш, истеъмолчиларга янада маданиятли хизмат кўрсатиш, савдо соҳасида меҳнат қилаётганларнинг, пировард натижада эса халқ турмушининг фаровонлашувига, иқтисодий-мизнинг юксалишига хизмат қилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Базарова Г. Тижоратчи аёллар. // Ўзбекистон макон ва замонлар оша. Социомаданий альманах. – Тошкент.: Sug'diyona, 2011. – Б. 231-234.
2. Капралова Н., Карасева Л. Нерестрируемый импорт потребительских товаров: оценка масштабов // Вопросы статистики. 2006. № 3.
3. Климова С. Г. Челноки: бегство от нужды или погоня за шансом // Социальная реальность. 2006. № 2.
4. Насруллоҳ ҳожи Абдуллоҳ ўғли. Савдогарнинг 101 сири. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б.4.
5. Окюлов О, Йўлдошев Ж. Мокки савдогарчилик нима? ёхуд олди-соттининг айрим ўзига хос хусусиятлари. // Ҳаёт ва қонун – 2002. № 6 – Б 18-19.
6. Тўхлиев Н. Осий ва бозор. Тошкент.: Фан, 1992. – Б. 16.
7. Тюриков В, Шагулямов Р. По пути независимости: Республика Узбекистан. Люди, события, даты 1991-2000. – Т.: Г.Гуляма, 2000. – Б. 56.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. – Т.: 2006. 2-жилд. – Б. 610-611.
9. Хренников И. В России давно есть средний класс - «челноки» // Портал электронных СМИ для предпринимателей «Деловая пресса» [http://www2.businesspress.ru/newspaper/article\\_mId\\_44\\_aId\\_51458.html](http://www2.businesspress.ru/newspaper/article_mId_44_aId_51458.html)
10. Худойкулова А., Савдогари кўп халқ бой бўлади. // Савдогар - 1997. № 26/221. – б.64-65
11. Ядова Е. Н. Предпосылки смены профессиональной занятости первой волны челноков. // Социологические исследования. – 2008. № 4, Апрель. – С. 62.
12. Яковлев А., Голикова В., Капралова Н. Открытые рынки и “челночная” торговля в российской экономике: вчера, сегодня, завтра (по материалам эмпирических исследований 2001-2005 гг.). Препринт WP4/2006/05. - М.: ГУ ВШЭ, 2006. - С. 18.
13. Оғзаки тарих маълумотлари: Турғунов Шерзод, 1983 йилда туғилган. Тошкент вилояти Янгийўл шаҳрида яшайди. Сухбат 2019 йил 29 октябрь куни ёзиб олинган. Маҳмудов Анвар, 1986 йилда туғилган. Наманган шаҳрида туғилган. Сухбат 2019 йил октябрь ойида ёзиб олинган.



*Дилнавоз РАХМАТОВА,*  
*Қарши давлат университети тузилмасидаги*  
*“Қатагон қурбонлари хотираси” музейи директори*  
*rahmatova.dilnavoz@mail.ru*

## МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДА РЕСУРСЛАР УЧУН КУРАШ

### Аннотация

Мақолада халқаро майдонда давлатнинг устунлик жихатларини белгилайдиган табиий ва энергетик ресурслари, табиий ресурсларнинг мутахассислар томонидан ажратилган турлари, жаҳонда ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши ва тугаб бораётган табиий ресурсларнинг етишмовчилиги сабабли, давлатлар ўртасида геосийёсий муносабатларнинг кескинлашуви, тарихда ресурслар учун бўлиб ўтган жанглар ва уларнинг оқибатлари хусусида сўз борган. Унда ташқари, мақолада ресурсларга оид бир қанча масалаларга атрофлича тўхталган. Жумладан, жаҳоннинг халқаро энергия хавфсизлигига таъсир эта оладиган гуруҳлари ва уларнинг қарашлари хусусида, етакчи давлатнинг дунё саноатида тутган ўрнини белгилаб берадиган омиллар, экологик ресурсларни истеъмол қилиш борасида, давлатлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатилишининг муҳим жихатлари, тугаб бораётган энергетик ресурсларнинг келажақда қутилаётган ҳолати юзасидан мутахассисларнинг статистик маълумотлари, Ўзбекистоннинг географик жихатдан жойлашув ўрни ва табиий ресурсларга нисбатан мавжуд муаммолар ва уларнинг ечилари хусусида сўз борган.

**Калит сўзлар:** ресурслар, низолар, иқлим, хавфсизлик, рақобат, геосийёсат, саноат, ғоя, стратегия.

## ТЕМА СТАТЬИ: БОРЬБА ЗА РЕСУРСЫ МЕЖДУ СТРАНАМИ

### Аннотация

В статье рассмотрены исчерпаемые ресурсы стран и борьба за ресурсами в современном мире. В том числе, в статье описано о природных и энергетических ресурсов, которые, определяют доминирование государства в международной арене. А также, приведены типы природных ресурсов, которые были расчленены со сторон специалистов. Кроме того, идёт речь о растущих потребности на ресурсы в мире, и из-за нехватки природных ресурсов, обострение геополитических отношений между странами. В примере того, приведено восемь крупнейших в истории войн за ресурсы между великими державами, у которых основная цель была овладение энергетического ресурса других стран, и их последствия. Так как в современном мире, борьба за исчерпаемые ресурсы обостряется между странами, в статье всесторонне рассмотрены несколько вопросов, относящиеся энергоресурсов. В частности, о ведущих групп в международной арене всеобщества, которые могут влиять на международную энергетическую безопасность мира, и об их взглядов, о факторов, которые определяют роль ведущего государства в мировой промышленности, о использовании экологических ресурсов, из-за которых возникает конфликтное ситуация между государствами, о важных аспектов сотрудничества между государствами, которые могут показать влияние на смягчение обострённым обстоятельством, о статистических данных экспертов, которые дают нам возможность узнать о состоянии энергетических ресурсов в будущем. Кроме того, приведено географическое положение Узбекистана, проблемы в связи энергетических и природных ресурсов региона, их последствия, а также применяемые способы для решений вышеупомянутых проблем.

**Ключевые слова:** ресурсы, конфликты, климат, безопасность, конкуренция, геополитика, промышленность, идеология, стратегия.

## ARTICLE TITLE: CONFLICTS AMONG THE COUNTRIES OVER RESOURCES

### Annotation

The article discusses the exhaustible resources of countries and the struggle for resources in the modern world. In particular, the article describes natural and energy resources that determine the dominance of the state in the international arena. Also, the types of natural resources that have been dissected by experts are given. In addition, there is a speech about the growing demand for resources in the world, and due to the lack of natural resources, the exacerbation of geopolitical relations among countries. In the example of this, the eight largest in the history of wars for resources among the great powers, whose main goal was to master the energy resources of other countries, and their consequences are given. Since in the modern world, the struggle for exhaustible resources is sharpening among the countries since in the world. The article comprehensively addresses several issues related to energy resources. In particular, about the leading groups in the international arena of universality, which may affect the international energy security of the world, and their views, about the factors that determine the role of the leading state in the



global industry, about the use of environmental resources, due to which a conflict situation arises among states, on important aspects of cooperation among states, which can show the effect on mitigation by aggravated circumstances, on statistical data of experts, which enable us to find out be on the state of energy resources in the future. In addition, the geographical position of Uzbekistan, the problems in communication of energy and natural resources of the region, their consequences, as well as the methods used to solve the above problems are given.

**Keywords:** resources, conflicts, climate, security, competition, geopolitics, industry, ideology, strategy.

**1. Кириш.** Энергетик эҳтиёжларни ортиши ва муқобил энергия манбаларининг етарли даражада таъминланмаганлиги оқибатида, геосиёсий рақобатнинг кескинлашуви кузатилмоқда.

Давлатнинг қудрати ва жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи бир қатор омиллар орқали белгиланадиган бўлса, улардан энг асосийлари бу давлатнинг қанчалик табиий ресурсларга бойлигидадир. Табиий ресурслар эса, давлатнинг табиий бойликлари ҳисобланиб, унинг учун кураш ҳамisha халқаро рақобатни келтириб чиқарган. Табиий ресурслар мутахассилар томонидан 3 турга бўлинган. Булар: тикланмайдиган ресурслар, тикланадиган ресурслар ва тугамайдиган ресурслар. Тикланмайдиган ресурсларга: ер ости қазилмалари (нефть, газ, кўмир, рудали ва нурда қазилма бойликлар), тикланадиган ресурсларга: тупроқ, ўсимлик, ҳайвонлар ва сув ресурслари, тугамайдиган ресурсларга: космик ресурслари, иқлим, сув ресурслари, энергия (кўёш энергияси, ядро, геотермал, шамол, тўлқин энергиялари) киради. Давлат манфаатларини таъминлаш юзасида гап борганда, хавфсизлик ва ресурс тушунчаси бир қаторда, ўзаро боғлиқликда ишлатилиб келинмоқда.

**2. Методлар ва ўрганилиш даражаси.** Ушбу муаммолар юзасидан мутахассилардан Дякина С.П., Уткин И.А., Долгушев Д.В., Хлопов О.А., Рябова В.Е.[1] иш олиб бориб, таҳлилий мулоҳазаларини юритганлар. Дякина Светлана Павловна ўзининг “Обострение борьбы за природные ресурсы в современном мире” мавзусидаги ишида табиий ресурсларнинг камайиши иқлимга, иқлимнинг ифлосланиши инсон ва жамият ҳаётига, ушбу омиллардан келадиган салбий оқибатлар, инсоният келажагига таъсир этиши ҳақида фикр юритиб, уларни фойдаланиш асосига кўра тақсимлаган:

- тикланадиган (биологик элементлар, ер, сув ва бошқалар);
- тугайдиган (фойдали қазилмалар, минераллар);
- деярли тугамайдиган (кўёш энергияси, ер ости иссиқлиги, оқиб турган сувнинг энергияси, ҳаво)[2, С. 52-55].”

Бугунги кунга келиб ер юзида аҳоли сонининг кўпайиши, бунинг ҳисобидан табиий, шу жумладан энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши, тугаб бораётган табиий ресурсларнинг етишмовчилигини келтириб чиқараётганлиги маълум.

Энергетик эҳтиёжларни ортиши ва муқобил энергия манбаларининг етарли даражада таъминланмаганлиги оқибатида, геосиёсий рақобатнинг кескинлашуви кузатилмоқда.

Шу уринда тарихда ресурслар учун бўлиб ўтган 8 та катта жанглари келтириб ўтамиз, булар:

1-чиси, Америкадаги инқилоб, Буюк Британия ва Франциянинг қарама-қаршиликлари [3]. Бу урушда Америка Британия колонияларига қарши ўз мустақиллиги учун курашаётган бир вақтда, уни Франция ўз манфаати йўлида қувватлайди, яъни Францияни аввал Лондон назоратида бўлган Америкадаги агросаноат, савдо йўллари ва маршрути қизиқтирган, 2-чиси, Плессис жанги (Хиндистон) узоқ йиллар давомида Европадаги денгиз бўйи етакчи кучларининг буюк савдо компаниялари ўртасида бўлиб ўтган. Ушбу урушдан сўнг буюк Британия Хиндистоннинг барча хомашё базасини ва савдо-сотик йўналишларини ўз назорати остига олади[4], 3- чиси, Совет-фин (финляндия) уруши. Совет иттифоқи Финляндиянинг стратегик жиҳат муҳим бўлган ҳудуд “Карель” бўйини ва “Рыбачий” ярим оролини эгалаш учун олиб борган уруши [5] ва ушбу урушдан кўзланган асосий мақсад СССРнинг мудофаа саноати эҳтиёжлари учун муҳим никел захираларига эгалик қилиш эди, 4-чиси, Япон армиясининг марварин-портига ҳужуми [6]. Бу ҳужум АҚШни иккинчи жаҳон урушига киришига хизмат қилган бўлса, ундан Японияни кўзланган асосий мақсади АҚШнинг Тинч океани минтақасидаги флотини бартараф этиб, Жанубий-Шарқий Осиёдаги углеводород захираси устидан назоратни ўрнатишга интилиш эди), 5-чиси, Улуғ ватан уруши. Маълуки, ушбу урушдан фашист Германиясининг мақсади СССР нинг нефть ва маъданли бойликларига эгалик қилиш, бой ўлкаларини қўлга киритиш бўлган, 6-чиси, Ирокнинг Қувайтга ҳужуми [7]. 1990 йиллардаги ҳарбий тўқнашув Садам Хусайннинг Қувайтга билан айблаб, қўшни давлатнинг нефтьга бой ҳудудларига эгалик қилиш, нефть саноатини яқсон қилишни мақсад қилган, 7-чиси, Жанубий Хитой денгиздаги ҳудудий низолар [8]. Ушбу низоларнинг сабаби доимгидек нефть бўлиб, можаронинг асосий иштирокчиси Хитой бўлиб қолмоқда. Бу масалада Пекинга қарши Япония, Тайвань ҳамда Вьетнам чикди, 8-чиси, Фолкленд (Мальвин) ярим ороли учун Аргентина ва Буюк Британия ўртасида тортишув [9]. Эҳтимол Британия компанияси Фолкленд ҳудудидан нефть топган бўлиши мумкин. Турли хил характерга эга бўлган ушбу урушларнинг барчаси так замирида “ҳаёт учун кураш” тушунчаси акс этган бўлиб, инсониятнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга қаратилга ресурслар учун кураш бормоқда.

1990 йилларнинг бошларига келиб, жаҳоннинг халқаро энергетия хавфсизлигига таъсир эта оладиган учта етакчи гуруҳ ажралиб чикди. Булар Халқаро энергия агентлигига аъзо, саноати ривожланган давлатлар, ОПЕК ка аъзо давлатлар ва

трансмиллий энергетик корпорациялар. Бироқ, ушбу гуруҳлар энергия хавфсизлигини таъминлаш ва муаммоларга нисбатан қарашлари турлича эди. Янги давлатларнинг глобаллашув ва иқтисодий кооперацияга кириб келиши ҳамда XXI аср бошларига келиб янги индустриал давлатларни иқтисодий кўрсаткичининг ўсиши билан глобал энергетика сиёсатига таъсир этадиган давлатлар уч гуруҳга бўлинди -экспортёр давлатлар, импортёр давлатлар ва нефт ва газни транзит қиладиган (етказиб берувчи) давлатлар [10].

**3. Тадқиқот натижалари.** Стратегик ресурсларни узоқ муддатли етказиб беришни таъминлаш бўйича геостратегик масалалар қуйидагиларни ўз ичга олади: қазиб олиш ҳудудлари устидан назорат, энергия бозорларида таъминотни тартибга солиш, ишлаб чиқарувчи мамлакатлардан истеъмол қилувчи мамлакатларга борадиган логистика ва транспорт йўлларини назорат қилиш (асосан, қувур линиялари, газ қувурлари, танкерлар ва ҳ.к), ва ниҳоят, товарларни етказиб беришда қўлланиладиган нархлар ва валютага таъсир этиш. Ушбу омилларнинг ҳар бирига таъсир этиш ҳақида сўз борапти. Гоҳида, ресурслар учун урушлар, мамлакат ичкарасидаги турли хил сиёсий, мафкуравий, этник ёки диний тафовутлар ортида никобланади.

Энди фикр юритадиган бўлсак дунё бўйлаб саноати ривожланган давлатлар сони санокли бўлиб, ушбу давлатларнинг трансмиллий энергия корпорациялари кичик давлатлардаги энергия захиралари устидан назоратни ўрнатиш йўлларини ишлаб чиқмоқдалар. Масалан: Каспий ҳудудининг энергия ресурслари Ғарб давлатлари каби Осиё давлатлари эътиборини ҳам тортиб келмоқда. Бироқ, Ғарб давлатлари Каспий денгизидagi энергия ресурслари устидан назоратни ўрнатишидан кўзлаган мақсади, ОПЕКни мавқеини туширишдан иборат.

Экологик ресурсларни истеъмол қилиш борасида мамлакатлар аро ҳамкорликнинг ўрнатилмаганлиги одатда ҳарбий низони келтириб чиқармаслиги мумкин, бироқ барқарор тараққиётнинг бўлмаслигига ҳам олиб келади. Бу эса эҳтиёжманд давларда кашшоқликни, миграция ва давлатнинг ички сиёсатига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатларни юзага келтириши мумкин. Масалан, икки давлат ўртасидаги сув муаммоси, давлатлар чегарасидан ўтадиган сув оқимининг ҳудуди юқорида жойлашган давлатдан пастки давлатга келгунга қадар қама йиши, айниқса, бу гидро-электрстанциялар ёки ирригация соҳасига бориб тақалса ёки сувнинг ифлосланиб кириб келиши оқибатида юзага келади.

Кўп ҳолларда этник ва миграция билан боғлиқ халқаро муаммолар замирида ҳам етакчи манфаатдор давлат ёки нодавлат кучларнинг емишига айланиб қоладиган давлатнинг табиий ресурсларидан фойдаланишга бўлган иштиёқи ётади.

Жаҳонда нефть бозорида нарх навони назоратини қўлга олиш мақсадида турли хил

ҳарбий-сиёсий стратегик йўллар билан, табиий ресурсларга эга давлатлар ўртасида рақобатли вазиятни юзага келтирадиган, давлатнинг сиёсий вазияти издан чиққач эса, бундан ўз манфаати йўлида фойдаланишни мақсад қилган давлатлар ҳам йўқ эмас. Яъни, бирор бир давлатнинг энергия ресурсларига эгалик қилишга интилиш, турли мақсадларни кўзланган ҳолда амалга оширилади.

Рақобат терминини Льюис Козер шундай аниқликда қўллаган: "...энергетик ресурслар ва табиий бойликларнинг дефицит ҳолатига нисбатан адолатли баҳо ва талаб учун кураш, шу билан бирга рақиб тарафнинг мақсади ўзининг рақибига зарар етказиш, майдондан чиқариб ташлаш ёки четлаштириш" [11] дир.

Стокгольмдаги жаҳон муаммоларини ўрганиш институти қошидаги Қуролли тўқнашувлар ва тўқнашувларни бошқариш лойихаси раҳбари Нейл Мелвин: "Замонавий дунёда ресурсларнинг ўрни ноаниқ [12]" деб таъдиқлаган. Бир тарафдан геосиёсий ўйин иштирокчилари ресурсларга эгалик қилиш учун кураш олиб борсалар, бошқа тарафдан, ресурслар устидан назоратни қўлга киритиш, қуролли тўқнашувларни молиялаштириш имконини беради. Кўриниб турибдики бир манфаат иккинчисини етаклаб келмоқда.

Саноати ривожланган етакчи мамлакатларнинг минерал-хомашё сиёсатидаги мавжуд қарама-қаршиликлари туфайли юзага келаётган халқаро зиддиятли ҳолатлари тобора кўчаймоқда. XXI асрга келиб дунё нефт ва газ захираси мавжуд ёки мавжуд бўлмаган ҳудудларга бўлинди. Яъни, табиий ресурслари етарли бўлиб, ўзини таъминлай оладиган ва бошқа давлатларнинг импортига қараб қолган давлатларга бўлинади. Бу ерда, Россия, АҚШ, Хитой, Канада, Жанубий Араб Республикаларини мисол тариқасида келтириш жоиз. Бу давлатларнинг минерал хомашёси етарли бўлиб, ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга ва қолган давлатлар уларнинг импортига эҳтиёжманд.

Глобаллашув жараёнида жаҳон бозори тўртта асосий марказларда шаклланган. Булар: Евроосиё, Шарқий Осиё-тинч океани, Арктика ва Америка ҳудудлари [13].

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатлардан – Европа иттифоқи давлатлари, Япония, Жанубий Корея деярли ресурс захирасиз қолдилар.

Янги индустриал давлатлар - Хитой, Хиндистонда кучли энергия ресурсларининг етишмовчилиги хис этмоқдалар. Хитой ва Хиндистоннинг интенсив тарзда дунё иқтисодиётига қўшилиши, аҳолининг қишлоқлардан шаҳарга кўчиб ўтишни бошлаши, бунинг таъсирида бир неча йилдан сўнг энергия ресурсларининг камайиб кетиши мутлақо янги ҳолатни юзага келтиришини Т.Фридман, XXI асрни "Энергия ва иқлимни янги асри" деб номлаб, буни энергия захирасини етишмаслиги билан изоҳлайди [14]. Бу ҳолат ресурслар учун рақобат кескинлашиб, таранг ҳолатга етиб келганини англатади. Айниқса тикланмайдиган ресурслар, ичимлик суви ва иқлим,

энг долзарб муаммоларни юзага келтириши кутилмоқда. Бу борада Уткин А.И.нинг “Энергетические ресурсы и геополитика” мавзусидаги мақоласида нефть, газ, мис, рух, ичимлик сувининг тугаб бораётганлиги, БМТ экспертларининг хулосаларидан келиб чиқиб, келажакда 40-70 йилдан сўнг нефть захираси, мис 14 йилдан сўнг, рух 8 йилдан сўнг тугаб битиши мумкинлигини келтириб ўтган [15].

Ушбу глобал муаммолар юзасида, кўплаб соҳа мутахассислари иш олиб бормоқдалар. Маълум маънода ушбу глобал кўринишдаги халқаро ҳалокатларнинг олдини олиш имкони тўғилишига умид мавжуд.

Жаҳондаги ресурсларга бўлган эҳтиёж ва у келтириб чиқарадиган муаммолар Ўзбекистон ҳудудига ҳам таълуқли албатта. Ўзбекистон географик жиҳатдан анча мураккаб ва шу билан бирга қулай ҳудудда жойлашган бўлиб, Марказий Осиё минтақасининг транспорт, кучли автоном энергетика ва сув тизимлари марказида, яъни Форс курфази, Каспий денгизи ва Тарим ҳавзасининг нефть ва газга бой ярим ҳалқасидаги стратегик марказидан ўрин олган. Бундан ташқари Ўзбекистон Россия ва Хитой, Хиндистон, Шарқ ва Ғарб давлатларининг манфаатлари кесишадиган ҳудуднинг бир қисмида жойлашган. Экологик муаммолари ҳақида гапирадиган бўлсак, умумий Марказий Осиёдаги сув муаммосини алоҳида келтириб ўтиш ўринли. Марказий Осиёнинг гидрогеографияси шундайки, бу ҳудудда аслида сув миқдори етарли бироқ, ҳудуд бўйлаб тенг тақсимланмаган. Марказий Осиё ҳудудидаги асосий гидроресурсларнинг жанубий-шарқий қисмида –

Тожикистон ва Қирғизистонда жойлашган. Бироқ асосий истеъмолчилар – Ўзбекистон, Туркменистон ва Қозоғистон ҳисобланади. Шу билан бирга сувсиз (куруқлик) ва камсувли ҳудудлари ҳам жуда катта қисми ташкил этади. Давлатдаги бундай сув танқислиги муаммоси нафақат хўжалик балки ҳарбий-стратегик жиҳатдан ҳам аҳамиятли саналади. Айниқса, Орол денгизи сатҳининг кескин пасайиши ва қуриб бориши минтақада хавфли экологик вазиятни юзага келтирди. Марказий Осиёдаги ушбу глобал муаммоли вазият жаҳоннинг кўплаб Халқаро ташкилотлари томонидан фожиа деб қаралди.

Бугунги кунда мамлакатимиз Орол муаммоларини ҳал этиш борасида Германия, Франция ва бошқа давлатлар, шунингдек, Глобал экологик фонд, БМТнинг Тараққиёт дастури, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

**4. Хулосалар.** Нима бўлганда ҳам табиий ресурсларнинг етишмаслиги-ресурслар ер юзасининг барча нуқталарига стандарт бир хилда тақсимланмаганлиги ва ҳудудлардаги демографик ўсиш кўрсаткичи турлича эканлиги билан изоҳланади. Бу энергия захираси етарли бўлган давлатларнинг гегемонлигини таъминлаши билан бирга, давлатлар ўртасидаги рақобатни келтириб чиқаради. Бироқ шунга ҳам айтиб ўтиш жоизки, Замонавий дунёда давлатлар ўртасидаги кескин муносабатларнинг ривожланиб кетиши, ер юзи учун ҳалокатли ниҳояга олиб келиш эҳтимоли йўқ эмас. Бундай ҳалокатли оқибатни олдини олиш учун албатта давлатлар ўртасидаги дипломатик келишувлар энг мақбул ечиш саналади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Дякина С.П. Обострение борьбы за природные ресурсы в современном мире. 2004. УДК32, Уткин А.И. “Энергетические ресурсы и геополитика” “Полис”, 2010. //Долгушев Д.В., Конфликт энергетических интересов России и США в центральной Азии и Каспийском регионе. Вестник Томского ГУ. История. 2011. №4(16) //Хлопков. О.А. Международная энергетическая безопасность: проблемы и угрозы. 2014.//Рябова Е.В. Роль природных ресурсов в возникновении конфликтов. Современные исследования социальных проблем (электронный научный журнал), 2012. №8(16) (дата обращения: 15.03.2019) (Dyakina, S.P. (2004), Aggravation of the struggle for natural resources in the modern world, Utkin, A.I. (2010), Energy resources and geopolitics]. “Polis”, // Dolgushev D.V. ( 2011), Conflict of the energy interests of Russia and the USA in Central Asia and the Caspian region. Bulletin of Tomsk State University. Story. №4 (16), // Cotton. O.A. (2014), International energy security: problems and threats, // Ryabova E.V. (2012), The role of natural resources in the occurrence of conflicts. Modern studies of social problems (electronic scientific journal), №8 (16). (appeal date: 03/15/2019), Moscow, Russia)
2. Дякина С.П. Обострение борьбы за природные ресурсы в современном мире.2004. УДК32 С. 52-55. (Dyakina S.P. (2004), Aggravation of the struggle for natural resources in the modern world, Moscow, Russia. Pp.52-55.)
3. Шведов В.Г. Война с французами и индейцами. Война Понтиака. / Конфликт британских колоний в Северной Америке с метрополией – преддверие войны за независимость. Вестник Приамурского государственного университета им. Шолом-Алейхема. 2013. №1(12)2013, С.27-33 (Shvedov V.G. (2013), “ The war with the French and Indians. Pontiac War. / Conflict of the British colonies in North America with the metropolis - the run-up to the war of independence. Russia)
4. Фурсов К.А. “Держава -Купец”: отношения Английской ост-индской компании с английским государством и индийскими патримониями. Москва.:Товарищество научных изданий. КМК, 2006.С.130-132 (Fursov. K.A. (2013), The Power is a Hunt”: the relations of the British East India Company with the English state and Indian patrimonies, Moscow, Russia)
5. Казанцев Н.П. Советско-финская война(1939-1940гг.) в преломлении низкой боеспособности частей красной армии. Вестник Уральского института экономики, управления и права. 2013. №(24). С.-83

- (Kazantsev N.P. (2013), " Soviet-Finnish war (1939-1940) in terms of low combat capability of the Red Army units. no 24, p.83.)
6. Буранок С.О. Первое расследование нападения на Пёрл-Харбор: оценка и последствия. Известия Самарского научного центра Российской академии наук. 2008. Т.10, №1, С.156 (Buranok S.O. (2008), The first investigation of the attack on Pearl Harbor: an assessment and consequences, V. 10, No. 1, p.156)
  7. Ахмед Али Нур Сахаб. Война в Ираке: основные причины и предпосылки. Ученые записки УО «ВГУ им. П.М.Машерова». История. 2010. Том 9, С.121. (Ahmed Ali Nur Sahab. (2010), The war in Iraq: the main causes and prerequisites, Belarus, Vitebsk, V. 9, p.121.)
  8. Золотухин И.Н. Территориальные споры в южно-Китайском море: современное состояние проблемы. Известия Восточного университета 2017/4 (36), С.8-9. (Zolotukhin I.N. (2017), Territorial disputes in the South China Sea: current state of the problem, no. 4 (36), Pp. 8-9.)
  9. Вербицкая Т.В., Тихонова А.В., Шафоростова А.В. Влияние Фолклендского конфликта на геополитическую обстановку в Латинской Америке. Наука. Общество. Оборона. 2018. №1(14).(Verbitskaya T.V., Tikhonova A.V., Shaforostova A.V. (2018), The influence of the Falkland conflict on the geopolitical situation in Latin America, no. 1(14))
  10. Хлопков О.А. Международная энергетическая безопасность: проблемы и угрозы. 2014. С. 64-65. (Khlopkov O.A. (2014), International energy security: problems and threats, Moscow, Russia)
  11. Мейсон Симон, Спилманн Курт. Конфликты, связанные с окружающей средой и урегулирование региональных конфликтов. Центр по Изучению безопасности и исследованию конфликтов, Швейцарский федеральный технологический институт в Цюрихе. С.4// [www.cawater-info.net](http://www.cawater-info.net)>mason\_spill. (Mason Simon, Spillmann Kurt. Environmental conflicts and regional conflict resolution, Center for Security Studies and Conflict Studies, Swiss Federal Institute of Technology in Zurich, p.4 // [www.cawater-info.net](http://www.cawater-info.net)> mason\_spill.)
  12. Дякина С. П. Обострение борьбы за природные ресурсы в современном мире. 2004. УДК32 С. 52. (Dyakina S.P. (2004), Aggravation of the struggle for natural resources in the modern world, Moscow, Russia)
  13. Дякина С. П. Обострение борьбы за природные ресурсы в современном мире. 2004. УДК32 С. 53. (Dyakina S.P. (2004), Aggravation of the struggle for natural resources in the modern world, Moscow, Russia)
  14. Уткин А.И. Энергетические ресурсы и геополитика. Полис.2010, С.10 (Utkin A.I. (2010), Energy resources and geopolitics, POLIS, Moscow, Russia)
  15. Уткин А.И. Энергетические ресурсы и геополитика. Полис. 2010, С.9 (Utkin A.I. (2010), Energy resources and geopolitics, POLIS, Moscow, Russia)



(УДК: 329.78 (575.144))

*Хамро РАХМОНОВ,  
ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича  
Мувофиқлаштирувчи-методик марказ таянч докторанти  
E-mail: [rahmonov.xamro@bk.ru](mailto:rahmonov.xamro@bk.ru)*

#### YOUTH ORGANIZATIONS IN UZBEKISTAN: ACHIEVEMENTS AND CHALLENGES (ON THE EXAMPLE OF NAVOI REGIONAL COUNCIL OF THE YOUTH UNION)

Annotation

This article provides theoretical analysis and conclusions on the implementation of state youth policy in the Republic of Uzbekistan, adoption of normative legal acts in this field, and the activities of youth organizations to date. By conducting surveys among the youth of the Navoi region, the activity of the regional branches of the youth organizations of the republic was evaluated, their achievements, problems and shortcomings were analyzed. The article also indicates the participation on June 30, 2017 of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the 4th Congress of the Youth Movement of Uzbekistan “Kamolot”, the disclosure by him of the shortcomings in the activities of the YMU “Kamolot”, the creation of the Youth Union of Uzbekistan instead of the expansion of rights, tasks and ongoing activities of the organization.

**Keywords:** UN, "Kamolot", "Kamalak", Regional Council, "Youth Day", Youth Union of Uzbekistan, Congress, Navoi region, Konimeh, Uchkuduk, Tomdi.

#### МОЛОДЕЖНЫЕ ОРГАНИЗАЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ: ДОСТИЖЕНИЯ И ПРОБЛЕМЫ (НА ПРИМЕРЕ НАВОЙСКОГО ОБЛАСТНОГО СОВЕТА СОЮЗА МОЛОДЕЖИ)

Аннотация

В данной статье представлен теоретический анализ и выводы по реализации государственной молодежной политики в Республике Узбекистан, принятию нормативных правовых актов в этой области, а также деятельности молодежных организаций на сегодняшний день. Путем проведения опросов среди молодежи Навоийской области оценена деятельность региональных отделений молодежных организаций республики, проанализированы их достижения, проблемы и недостатки. В статье также указаны об участие 30 июня 2017 г. Президента Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев на 4-м съезде Молодежного движения Узбекистана «Камолот», раскрытии им имеющихся недостаток в деятельности МДУ «Камолот», создании вместо него Союза молодёжи Узбекистана, расширении прав, задач и осуществляемой на сегодняшний день деятельности организации.

**Ключевые слова:** ООН, «Камолот», «Камалак», Областной совет, «День молодежи», Союз молодежи Узбекистана, Конгресс, Навоийская область, Конимех, Учкудук, Томди.

#### ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР (ЁШЛАР ИТТИФОҚИ НАВОЙИ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА)

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши, соҳага оид меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиниши, ёшлар ташкилотларининг бугунги кунгача бўлган фаолияти назарий жиҳатдан ўрганиб хулосалар берилган. Республикадаги ёшлар ташкилотлари ҳудудий бўлимлари фаолиятини Навоий вилояти ёшлари ўртасида суровномалар ўтказиш орқали баҳолаб, ютуқлари, муаммо ва камчиликлари таҳлил қилинган шу билан бирга 2017 йилнинг 30 июнь куни Ўзбекистон “Камолот” ЁИХнинг IV Қурултойда илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иштирок этиши, ҳамда 2001-2016 йилларда мавжуд бўлган “Камолот” ЁИХ фаолиятидаги камчиликларни кўрсатиб берилиши, унинг ўрнида янги Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи тузилгани ва ташкилот ваколатлари, вазифалари кенгайгани, бугунги фаолияти келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** БМТ, “Камолот”, «Камалак», Вилоят Кенгаши, “Ёшлар куни”, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи, Қурултой, Навоий вилояти, Конимех, Учкудук, Томди.

**Кириш.** Ёшлар жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий ривожига давлатнинг асосий таянчи ҳисобланади. Шу маънода, жамият манфаатларига хизмат қиладеган, ҳар томонлама етук ва баркамол ёшларни тарбиялаш давлат сиёсатининг алоҳида эътиборига молик масала

бўлиб қолмоқда. Давлатнинг ёшларга бўлган ғамхўрлиги уларга яратилган имконият ва шароитлар билан белгиланади. Республика ёшларини ҳам жисмонан ҳам маънан етук инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятларини ошириш борасида таълим-тарбия,

музыка, спорт, фан, техника, санъат соҳаларида етарлича шарт-шароит яратиш ишлари ва кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ёшлар сиёсати мамлакат ҳаётининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Истиқдолнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон Республикасида ёшларни ижтимоий сиёсий жараёнларга жалб қилиш, уларнинг ислохотлардаги фаол иштирокини таъминлаш орқали демократик янгиланиш жараёнларининг иштирокчиси сифатидаги ролини янада ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида [1] Ўзбекистонда ёшлар сиёсатини такомиллаштиришга бағишланган алоҳида бўлим киритилди. Унда ёшларга нисбатан давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш масалалари устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Шу нуқтаи назардан олиб борилаётган соҳага доир ислохотларни, қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётга тадбиқ этишда, мазмун моҳиятини ёшларга тушунтиришда республикада фаолият юритаётган ёшлар ташкилотлари муҳим ўрин элаллайди. Мамлакатнинг чекка ҳудудлари ёшларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик, улар манфаатларига мос фаолият олиб бориш, ёшлар муаммоларини ҳудудлар кесимида ўрганиб, таҳлил қилиб, амалий таклиф беришда айниқса, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкилоти ва унинг ҳудудий бўлимларидан алоҳида эътибор ҳамда меҳнат талаб этилади.

**Асосий қисм.** Ёшларга оид сиёсат йўналиши бир қанча ривожланган давлатларда XX асрнинг 60-70 йилларидан мустақил соҳа сифатида шаклланган. Жаҳон ҳамжамияти томонидан 1985 йил “Халқаро ёшлар йили” деб эълон қилиниб, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Халқаро ёшлар йили: иштироки, ривожланиш, тинчлик”, “БМТ ва ёшлар ҳамда ёшлар ташкилотлари ўртасидаги алоқа воситалари”, “Ёшлар учун имкониятлар” [2,3,4] номли учта резолюциялар қабул қилингандан кейин ёшлар масаласи янада долзарб аҳамият касб эта бошлади. Дунёнинг бошқа мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида ёшлар ижтимоий қатлами манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш давлат сиёсатининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Тарихий жиҳатдан қисқа муддат ичида ёшларга оид давлат сиёсати ва уни амалга оширувчи институтлар фаолияти янгича мазмунда қайта ташкил этилди. Ўзбекистон аҳолисининг салмоқли қисми ёшлардан иборат бўлиб, улар мамлакат келажагини ҳар томонлама юксалиши қафолати сифатида хизмат қилади. Ўзбекистоннинг улкан салоҳияти бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб ижтимоий-сиёсий ҳаётга фаол қираётган, замонавий билим ва касб ҳунар сирларини пухта эгаллаган, навқирон ёш авлод тимсолида яққол намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз

яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда” [5]. Республикада ўтган йиллар давомида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, болалар ва ёшларга оид 22 та қонун, Ўзбекистон Президентининг 27 та Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 46 та қарори, 200 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди [6]. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисида”ги Қарори (2008 йил 29 февраль); Ўзбекистон Республикаси “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни (2016 йил 14 сентябрь); Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони (2017 йил 5 июль) шулар жумласидан. Бу каби меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишида ёшлар ташкилотлари муҳим аҳамиятга эга. 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, адлия органлари рўйхатидан ўтган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи нодавлат ношароит ташкилотларининг сони 641 тани ташкил этган. Ушбу ташкилотларнинг фаолияти ёшларнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга ҳамда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган [7]. Ўзбекистонда “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Қамалак” болалар ташкилоти, “Ёшлар ташаббуслари” маркази, сиёсий партиялар ҳузурда “Ёшлар қанот”лари, “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” каби ёшлар ташкилотлари фаолият юритган.

2001-2016 йилларда фаолият юритган “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати маълум маънода ёшларнинг кўмакчиси ва бирлаштирувчи марказ вазифасини бажарди. Аммо бу ҳаракат бутун Ўзбекистон ёшларини ўз атрофида бирлаштира олмаганлиги, ташкилотнинг асосий муаммоларидан биридир. Республиканинг чекка ва олис ҳудудлари ёшларининг аксарияти “Қамолот” ЁИХ эътиборидан четда қолиб, уларнинг мавжуд муаммолари ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ва амалий ёрдам кўрсатилмаган. Бу ўз навбатида ҳаракат фаолиятидан норозиликларни келиб чиқишига олиб келди ва ёшлар ташкилотлари, хусусан, “Қамолот” ЁИХ фаолиятидаги камчиликлар, юзасидан танқидий муносабатлар билдирилиб, бир гуруҳ талаба ёшлар томонидан “Қамолот” ЁИХ билан рақобатдош “Президент қанотлари” ёшлар ҳаракатини тузиш таклифи ҳам билдирилган эди [8]. Бу каби эътироз ва таклифлар негадир эътиборсиз қолдирилган ва “Қамолот” ЁИХ марказий Кенгаши ва жойлардаги бўлимлари бу каби танқидлардан хулоса чиқармасдан, иш фаолияти деярли ўзгаришсиз давом этди. Мазкур ташкилот ўз фаолияти давомида республика ёшларини ишончини тўла намоён эта олмади.


2017 йилнинг 30 июнь куни Ўзбекистон “Камолот” ЁИХнинг IV курултойи бўлиб ўтди. Курултойда илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иштирок этиши ва давлатимиз раҳбари томонидан “Камолот” ЁИХ фаолиятидаги жиддий камчиликларни кўрсатиб берилиши, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш муҳим вазифа сифатида уни долзарб йўналишга кўтарди. Мазкур курултойда ушбу ташкилот ўрнида республика ёшларининг барча тоифа ва гуруҳларини камраб олувчи, янгича мазмун касб этувчи мутлако янги ташкилот-“Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” ташкил этилди. Мазкур санани республикамизда “Ёшлар куни” сифатида нишонлаш белгиланди. 2017 йил 5 июль куни янги тузилган ташкилотни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлари иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи”нинг вилоят, туман, шаҳарлардаги ташкилот раҳбарларининг ваколатлари кенгайтирилди. Улар жойларда вилоят ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари этиб тайинланиши ёшларга тўғридан тўғри давлат раҳбарига муаммолар юзасидан мурожаат қилиш ваколатини тақдим этди. “Камолот” ЁИХ ўрнида тузилган ҳамда унга нисбатан кенгроқ ваколатларга эга бўлган “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи” бугунги кунда республиканинг барча вилоят, туман ва шаҳарларида барча таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда фаол, самарали, фаолият олиб бормоқда. Ҳозирда “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи” ва “Камалак” болалар ташкилоти республика ҳудудлари кесимида турли тоифадаги жами 10 миллион нафардан ортиқ ёшларни ягона мақсад йўлида бирлаштира олди.

Хусусан, Навоий вилояти ҳам республиканинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан барқарор ҳудудларидан бўлиб, бу ерда ёшлар салмоғи кўпчиликти ташкил этади. Бугунги кунда Навоий вилояти аҳолиси 974304 нафар (2019 йил 1 январь ҳолатига кўра) [9] бўлиб, шундан 545610 нафарини (56 %) ёшлар ташкил этади. Вақтинча банд бўлмаган ёшлар сони деярли 30,0 минг нафарга яқин. Ёшлар Иттифоқининг бошланғич ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилиши натижасида, биргина Навоий вилоятида жами 67,0 минг нафардан ортиқ сардорлар сайланиб, 320,0 минг нафардан ортиқ ёшлар Иттифоқ аъзолигига қабул қилинди, 118882 нафар ёшлар эса “Камалак” болалар ташкилотига аъзо бўлиб кирган.

Турли йўналишларда вилоят ёшларининг фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий-сиёсий фаол ёшлар этиб шакллантириш масаласида турли ёшлар ташкилотлари фаолият юритиб, вилоят ёшлари ютуқлари, муаммолари бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Навоий вилояти Кенгаши томонидан биргина 2018 йилда 6200 тадан ортиқ турли тадбирлар ташкил этилиб, уларга жами 700 минг нафарга яқин ёшлар жалб этилган. 2018 йил давомида вилоят миқёсида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жами 700 дан [10] ортиқ маънавий-маърифий йўналишда давра суҳбатлари, учрашувлар, семинар-тренинглари, очик мулоқотлар, матбуот анжуманлари ташкил этилиб, уларда 56 000 нафардан ортиқ ёшларнинг иштироки таъминланди. Олис туманлар ва вилоят маркази ўртасидаги масофа узоқлиги ва аксарият қишлоқ жойларида уюлмаган ёшлар салмоғи шаҳарларга нисбатан юқорилиги ушбу тадбирларда ёшларнинг аксарият қисмини камраб олишга имконият бермайди. Буни қуйидаги диаграммадан кўриш мумкин (Расм 1):

Расм 1.

Доимий аҳоли сонида қишлоқ ва шаҳар жойлардаги улуши  
(2019 йил 1 январь ҳолатига, фоизда)



Юқоридаги маълумотларга асосланиб шуни таъкидлаш мумкинки, вилоят ёшларининг асосий қисми қишлоқларда яшаётгани сабабли ўтказилаётган турли тадбир ва танловларда

уюлмаган ёшларни бироз четда қолиши ҳамда туман ҳамда шаҳарлар марказидаги ёшлар кўпроқ жалб этилишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Навоий вилояти бўлими сафларига аъзоликка киритилган чекка ва олис туманлар ёшларини аксарияти эътибордан четда қолмоқда. Барча тадбирлар, танловлар асосан шаҳар ва туманлар марказларида ўтказилиши натижасида айрим таълим муассасалари ўқувчи ёшларини бўлиб ўтаётган турли мавзу, турли мазмундаги тадбирларга жалб қилинмай қолиши кўплаб ёшларнинг ўз иқтидорларини намойиш этиш имкониятини чеклайди. Ёшлар ташкилотларини ҳудудий бўлимлари фаолияти давомида мазкур масалага янаям чуқурроқ эътибор қаратсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Шунга қармасдан вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Навоий вилояти Кенгаши ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда вилоят ёшларини бандлигини таъминлаш бўйича бир қанча амалий фаолият олиб бораёпти. Биргина 2018 йил давомида жами 2712 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланган. Ёшлар бандлиги даражасини тизимли таҳлил қилиш, уларни ишга жойлаштиришни таъминлаш мақсадида бугунги кунга қадар 170 га яқин очик мулоқотлар ташкил этилиб, 19,0 минг нафарга яқин ёшлар, 51 та меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, 9664 нафар ёшлар камраб олинган ҳолда 851 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди. Бу кўрсаткич ҳам ишга ярқкли вилоят ёшларини умумий сонига нисбатан паст натижа ҳисобланади. Вилоятда 2018 йилда Навоий шаҳрида қурилган кўп қаватли уйларнинг 48 та хонадони ёшлар уйи сифатида ёш оилаларга топширилди. 2018 йилда Ёшлар иттифоқининг ташаббуси ва вилоят ҳокимлигининг кўмагида Навоий шаҳридаги 1 гектар ташландик ҳудудда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида китоб мутолааси билан шуғулланишлари учун қарийб 2,0 млрд.сўм маблағ эвазига “Маърифат боғи” қурилиб, фойдаланишга топширилди. “Ёшлар-келажакимиз” Давлат дастури доирасида 2018 йилда вилоятда 157 нафар ёшларнинг 18,9 млрд.сўмлик лойиҳалари молиялаштирилиб (85,5 %), 400 тага яқин янги иш ўринлари яратилди. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Навоий вилояти Кенгашининг ўтган вақт давомидаги фаолиятини таҳлил қилар эканмиз маълум камчиликларга қарамасдан ижобий натижаларга эришилаётганига гувоҳ бўламиз. Буни ўтган йиллар билан солиштирганда янада аниқроқ намоён бўлади. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб вилоятда ёшлар масаласи бўйича шуғулланадиган ташкилотлар, жумладан, Ёшлар иттифоқи Навоий Кенгаши фаолиятида жонланишни кузатиш мумкин. Буни ушбу ташкилот томонидан олиб борилаётган турли йўналишдаги тадбирларнинг кенг қўламда ташкил этилаётганлиги ҳамда уларга жалб этилаётган ёшларнинг салмоғи ортиб бораётганлиги ҳам исботлаб турибди. Вилоятда фаолият юритаётган ёшлар ташкилотларини ёшлар ҳаётидаги ўрнини аниқлаш мақсадида 2005 йилда Навоий вилояти туманларидаги ўқувчи ёшлар ўртасида

анкета сўровномалари ўтказилиб, унда “Сиз фаолият олиб бораётган қандай ёшлар ташкилотларини биласиз? деган саволга улар бирорта ҳам ёшлар ташкилотлари номини билмасликларини, ёки “Сиз ўз туманингиздаги ёшлар ташкилотлари фаолиятини қониқарли деб ҳисоблайсизми?” деган саволга эса йўқ, деб жавоб беришган [11]. Бундан кўриниб турибдики, ўша даврда фаолият юритган “Қамолот” ЁИХ фақат вилоят, туман ва шаҳар марказларида турли тадбирларни олиб борган, лекин вилоятнинг чекка ва олис ҳудудларида мазкур ташкилот фаолияти деярли кўзга ташланмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Навоий Кенгаши ушбу соҳадаги фаолиятини янада кенгайтириб, ёшлар ичига кириб бориш уларни хоҳиш истаклари, манфаатларига мос келадиган амалий ишларни олиб боришга ҳаракат қила бошлади. Бироқ шунга қарамай, вилоятда ечимини қутаётган ёшлар масаласига оид бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан:

1. Ёшлар тарбияси йўлида ота-оналарнинг масъулиятсизлиги ҳамда уларнинг енгил ҳаётга интилувчанлиги юқорилиги туфайли кўплаб ёшлар жиноят йўлига кириб қолмоқда. Навоий вилоятида ёшлар томонидан биргина 2018 йилнинг ўзида 650 та, вояга етмаганлар томонидан 23 та турли жиноятлар содир этилган. Бундан ташқари, ёшлар томонидан 77 та, вояга етмаганлар томонидан 21 та ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолати содир этилган [12]. Бизнинг фикримизча ушбу салбий ҳолатлар жойларда аҳоли билан психологик хизматнинг тўғри ташкил этилмаётганлигидан, таълим муассасаларида мавжуд психологларни ўқувчи ёшлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйилмаганлиги ва ушбу соҳада малакали мутахассисларнинг етишмаётганлиги натижасида юзага келмоқда.

2. Умумтаълим ва касб-хунар таълими тизимида таҳсил олаётган ўқувчиларни ўз вақтида соғлом овқатланиши учун муассасаларда етарли шароитлар яратилмаган. Мисол учун кўплаб қишлоқ туманларидаги таълим муассасалари ошхоналар ва буфетлар фаолияти йўлга қўйилмаган борлари ҳам санитария талабларига умуман жавоб бермайди. Бу эса ўз навбатида таълим муассасасидаги ўқувчиларнинг соғлом ва барқамол бўлиб вояга етишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

3. Вилоятдаги барча ёшдаги кўзи ожиз ўқувчи ва талабалар учун “брайл алифбоси” усулида чоп этилган бадий адабиётлар, қўлланмалар ва махсус канцелярия маҳсулотлари етишмайди.

4. Вилоят марказидан олис масофада жойлашган Қонимех, Учқудуқ, Томди туманлари ёшларнинг ижтимоий шароитини яхшилаш, уларнинг замонавий компьютер технологиялари ва интернет воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини ошириш ишларини йўлга қўйиш лозим.

5. Вилоятда аҳоли ва ёшларнинг соғлигини сақлаш борасида вилоят марказидан олис чўл зоналарида мутахассислар (акушер-гинеколог, педиатр, неонатолог, ўсмир қизлар гинекологи)



етишмаслиги, ультра товуш аппарати, флюорография аппаратлари етишмаслиги, эндемик буқоқ касаллиги ёшлар орасида кўплиги ва уни даволаш учун йод препаратлари етишмаслиги, ёшларда Togch инфекцияларини аниқлаш учун реактивлар камлиги, қимматлиги [13].

6. Ёшлар ўртасида тузилган никоҳ шартномаларининг бузилиши, яъни республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан ёш оилаларда ажралишлар салмоғининг вилоятда нисбатан юқори эканлиги. Масалан, 2018 йилнинг январь-декабрида ФХДЁ органларида 9012 та никоҳ қайд этилган ва 997 та ажралишлар рўйхатга олинди [14].

7. Вилоят ёшлари ўртасида ишсизлик муаммоси натижасида четга иш излаб чиқиб кетиш ҳолатлари юқорилиги. Энг муҳими четга турли сабаблар билан (асосан иш излаб) вилоят ҳудудидан чиқиб кетаётган ёшлар орасида олий маълумотга эга ёшлар ҳам кўпчиликини ташкил этмоқда. 2018 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи давомида айнан ёшлар орасида ишсизлик муаммоси ва уни бартараф этиш масаласига алоҳида тўхталиб, тегишли топшириқлар берган эди.

Вилоят марказидан энг олис масофада жойлашган асосан қозоқ миллатига мансуб аҳоли истиқомат қиладиган Томди туманидан четга чиқиб кетаётган аҳолининг деярли ярмини ёшлар ташкил этмоқда.

Тадқиқот юзасидан Навоий вилояти ёшлари ўртасида аниқланган муаммолар куйидаги тақлифларни илгари суришимизга асос бўлди:

1. Вилоят ёшлари, айниқса, чекка туманлардаги ёшлар ўртасида жиноятларни олдини олиш мақсадида, таълим муассасаларида, маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар ўртасида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Навоий Кенгаши ва ички ишлар идоралари профилактика инспекторлари, вилоят телерадио компанияси билан ҳамкорликда турли тадбирлар, учрашувларни (ёш тоифасига кўра ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, масъулият, бурч ҳамда мажбурият, жиноят ва жазо каби мавзуларда) янада кўпайтириш;

2. Шаҳарларда ўқувчи ёшларнинг овқатланиши учун таълим муассасаларида шароитлар мавжуд, ammo, туман қишлоқларида жойлашган таълим муассасаларида овқатланиш ва ичимлик суви муаммоси тўғри йўлга қўйилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, вилоят ҳокимлиги, вилоят ХТБ, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ёшлар Иттифоқи, маҳаллалар ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида шаҳар, туман ҳамда қишлоқлар кесимида таълим муассасаларидаги умумий овқатланиш ва ичимлик суви муаммоси бўйича амалий ишларни бажариш;

3. Навоий шаҳридаги кўзи ожизлар мактабида таҳсил олаётган ўқувчи ёшлар учун “брайль алифбоси” усулида чоп этилган адабиётлар ва аудио китоблар сонини ошириш ҳамда махсус канцелярия маҳсулотлари етказиб бериш бўйича

вилоят ёшлар иттифоқи ва тегишли ташкилотлар иштирокида зарур тадбирларни амалга ошириш;

4. Навоий вилоятидаги ОТМларда қозоқ, қорақалпоқ миллатига мансуб бўлган ёшлар учун таълим йўналишларида кўшимча гуруҳлар ташкил этиш, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 15 май куни имзолаган фармонда Навоий вилояти 2030 йил 1 январга қадар инновацион, юқори технологияли, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш учун эркин иқтисодий зона сифатида белгиланди. Бу эса вилоятда инвестиция ва туризм соҳасида Европа ва шарқ тилларини мукамал эгаллаган малакали маҳаллий кадрларга бўлган эҳтиёжни вужудга келтиради. Шунингдек, Шуни инобатга олган ҳолда Навоий давлат педагогика институтида немис, француз, корейс, хитой, араб тилларига ихтисослашган янги таълим йўналишлари ташкил этиш. Шунингдек, вилоят ёшларининг конгтингентини ҳисобга олган ҳолда ҳудудда янги олий таълим муассасаси ёки республикадаги етакчи олий ўқув юртлиги филиалларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

**Хулоса.** Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шунга қарамадан, ёшлар ҳаётидаги энг долзарб масалалар, айниқса, республиканинг чекка туман ва қишлоқларидаги уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит ва имконият яратиш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш бўйича олиб борилган ишлар талаб даражасида эмаслигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Жойларда, авваламбор чекка ҳудудларда истиқомат қиладиган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқариши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана олмади. Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Шундай экан, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ҳамда унинг ҳудудий бўлимларини ҳокимликлар, маҳалла, ички ишлар органлари, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга масъул раҳбар ходимлар, Хотин қизлар қўмиталари, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, таълим муассасалари ва шу каби ташкилотлар билан доимий тизимли ҳамкорликдаги самарали фаолияти йўлга қўйилса, муаммолар доимий равишда ўрганилиб уларни ечими бўйича ижобий натижаларга

эришилса, сиёсий партиялар қошидаги “Ёшлар қанотлари” бўлимлари фаолияти жонласа ва бу бўлимларни республика Ёшлар Иттифоқи ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари билан алоқалари

ўрнатилса, Ўзбекистон келажаги бўлган ёшларни ҳар томонлама етук кадрлар бўлиб шаклланишида қўзланган натижаларни беради.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон.
2. Резолюция ООН о Международном году молодежи: участие, развитие, мир. А/RES/40/14 от 18 ноября 1985.
3. Резолюция ООН о Каналах связи между ООН и молодежью и молодежными организациями. А/RES/40/17 от 18 ноября 1985.
4. Резолюция ООН о Возможности для молодежи. А/RES/40/16 от 18 ноября 1985.
5. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи.// <https://www.gazeta.uz/uz/2017/07/01/nutq/>
6. Ўзбекистон ёшлари мустақиллик йилларида: фанлараро ўрганиш муаммолари. Т.,2018.,Б-44.
7. [http://nimfogo.uz/uz/node/1385\(31.08.2017\)](http://nimfogo.uz/uz/node/1385(31.08.2017))
8. ЎзР МДА,Фонд-М-13, 2-рўйхат, 33-йиғма жилд, 65-70-варақлар.
9. Навоий вилоятининг статистик ахборотномаси, – Навоий, 2018, – Б.108.
10. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Навоий вилояти Кенгаши 2018 йил ҳисоботидан.
11. ЎзР МДА, Фонд-М-13, 2-рўйхат, 18-йиғма жилд, 95-96-варақлар.
12. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Навоий вилоят бўлими жорий архиви. 2018 йил ҳисоботлари.
13. ЎзР МДА, Фонд-М-13, 2-рўйхат, 177-йиғма жилд, 64-варақ.
14. Навоий вилоятининг статистик ахборотномаси, – Навоий, 2018, –Б.113.



Умид ҲАЙИТОВ,

Навоий Давлат педагогика институти таянч докторанти

E-mail: [umid@mail.ru](mailto:umid@mail.ru)

### FAYZULLA KHODJAYEV IS THE LEADER OF THE YOUNG BUKHARIANS

Abstract

The article provides information about the family, youth, religious and secular knowledge of Fayzulla Khodjayev. It also describes his jadid movement and his political activities in jadid schools. He acted as a representative of the jadid movement from 1913 to 1916 and published a large number of books and textbooks. Fayzulla Khodjayev was also an active member of the Tarbiyah Atfol Society from 1913-1917. The article also describes his work in this regard. Fayzulla Khodjayev is one of the active members of the Young bukharians party, which fought for the territory of the Bukhara emirate. The article is devoted to the social and political activities of Fayzulla Khodjayev until 1917.

**Keywords:** merchant, school of new methods, madrasah, jadidism, Young bukharians party, Turkestan, Bukhara emirate, Tarbiyai Atfol Society.

### ФАЙЗУЛЛА ХОДЖАЕВ – ЛИДЕР МЛАДО БУХАРЦЕВ

Аннотация

В этой статье приводится о семье, юности, религиозных с светских знаниях Файзуллы Ходжаева. Он также описывает его джадидское движение и его политическую деятельность в джадидских школах. Он выступал в качестве представителя движения джадидов с 1913 по 1916 год и опубликовал большое количество книг и учебников. Файзулла Ходжаев также был активным членом общества “Тарбия атфол” в 1913-1917 годах. В статье также описывается его работа в этом отношении. Файзулла Ходжаев является одним из активных членов Младобухарцев, которая боролась за создание демократической республики на территории Бухарского эмирата. Статья посвящена общественно-политической деятельности Файзуллы Ходжаева до 1917 года.

**Ключевые слова:** купец, новых методных школа, медресе, джадизм, младо бухарцы, Бухарский эмират, общество “Тарбия атфол”.

### ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ - ЁШ БУХОРОЛИКЛАР ЙЎЛБОШЧИСИ

Аннотация

Мақолада Файзулла Хўжаевнинг оиласи, унинг ёшлик йиллари, диний ва дунёвий илмларни эгаллаши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шунингдек унинг жадидчилик ҳаракати ва жадид мактабларида олиб борган ижтимоий-сиёсий фаолияти ёритилган. У 1913 йилдан 1916 йилгача бўлган вақт ичида жадидчилик ҳаракатининг вакили сифатида ташвиқот ишларини олиб борди ҳамда маблағлар тўплаб китоблар ва бир қанча дарсликлар нашр эттирди. Файзулла Хўжаев 1913-1917 йилларда “Тарбия атфол” жамиятининг фаол хам аъзоси бўлган. Мақолада унинг бу борадаги фаолияти хам очиб берилган. Файзулла Хўжаев Ёш бухороликлар партиясининг фаол аъзоларидан бири сифатида Бухоро амирлиги ўрнида демократик республика барпо этиш учун курашган шахслардан биридир. Мақолада Файзулла Хўжаевнинг 1917 йилга қадар бўлган муддатдаги ижтимоий-сиёсий фаолитига тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** савдогар, янги усул мактаби, мадраса, жадидчилик, ёш бухороликлар партиясини, Туркистон, Бухоро амирлиги, “Тарбия атфол” жамияти.

Давлат ва жамоат арбоби, ўзбек халқининг атоқли фарзанди Файзулла Хўжаев 1896 йил 1 июнда Бухоро шаҳрида таваллуд топди. Аҳмад Заки Валидийнинг ёзишича, Файзулла Хўжаев келиб чиқиши жиҳатидан Қосим Шайх авлодидан бўлган хўжалардан бўлган [1]. Унинг отаси Убайдулла Хўжа Қосимхўжа ўғли (1859-1912) Россия ва бошқа чет элларда пахта ва қорақўл савдоси билан шуғулланувчи йирик савдогар бўлган. Убайдулла Хўжа Қосимхўжа Москва ва Нижний Новгород шаҳарларига пахта ва қорақўл тери етказиб бериш бўйича йиллик пул айланмаси 7.2 миллион рубл бўлган [2]. Убайдулла Хўжа XX аср бошларида Бухоро амирлигида қорақўл савдоси билан

шуғулланувчи энг йирик Насриддинбой, Яҳёбой ва Абдурауф қарвонбошилар билан бир қаторда турарди [3]. Онаси Райхон Саидмурод қизи (1871/1882-1938) Пешку туманидаги Зандане қишлоғидан бўлиб, оддий дехқон оиласида вояга етган [4]. Райхон Саидмурод қизи Файзулла Хўжаевни олижаноб инсоний сифатлар соҳиби бўлиб вояга етишида муҳим ўрин тутди.

Файзулла Хўжаев дастлабки таълимни эски усулдаги мактабда олади. Кейинчалик Бухоро шаҳридаги мадрасаларнинг бирида икки йил ўқиб Қуръони Карим ёд олган. Шунингдек у 1894 йил Бухоро шаҳрида ташкил этилган биринчи рус-тузем мактабини хам битирган [5]. 1907 йил Убайдулла

Хўжа Қосимхўжа ўз ўғлини Москвага ўқишга олиб боради [6]. Бу тўғрисида у билан суҳбатлашган рус ёзувчиси Галина Серебрякова ўз эсталиклариди ёзиб қолдирган [7]. Файзулла Хўжаев Москвада уй шароитида таклиф этилган хусусий муаллимлар қўлида беш йил таълим-тарбия олади. У кейинчалик раҳбарлик даврида тўлдирган барча анкеталарида ўзини ўрта маълумот олганлигини таъкидлаб ўтган.

Бунгача мадраса таҳсили орқали Шарқ маданиятидан анча-мунча хабардор бўлган Файзулла Европа ва Россия урф-одатлари, уларнинг тартиблари билан танишди. Машҳур рус ёзувчиси Галина Серебрякова “Файзулла Хўжаев” очеркида уни истеъдодли, софдил, камтарин инсон, зукко ва билимдон раҳбар сифатида тасвирлайди. Бир куни Ф. Хўжаев бизниқига (Москвага) Икромов билан келиб қолди, - деб эслайди ёзувчи. –Улар ўша куни бизниқига эримнинг гимназиядаги ўртоғи Борис Пастернак билан танишдилар. Бизнинг доимий меҳмонимиз Пастернак ўша куни ўзинг “Лейтенант Шмидт” деган поэмасини ўқиб берди. Биз унинг асарини иафас чиқармай эшитиб, ҳаяжон билан маъқулладик. Хуллас, ўқиш тамом бўлгунча у Пастернак олдида тикка турди. У рус шеърятини яхши билар экан, гоҳ Блокдан, гоҳ Брюсовдан парчалар айтиб, Пастернакка унинг поэмаси хусусида узоқ гапирди” [8]. Бу ҳолат Файзулла Хўжаевнинг адабиёт ва санъатдан тўла хабардор эканлигидан далолат беради. Файзулла ёшлигиданок ўзбек, тожик, рус тилларини бир хилда мукамал билар эди. Аҳмад Заки Валидийнинг ёзишича, у рус тилини мустақил ўрганган. Ўз вақтида савдо ишлари билан Олмонияга борган ва у ерда бир оз немисча ўрганган [9]. Замондошларининг гувоҳлик беришларича, Ф. Хўжаев ҳатто немис тилида ҳам ўз фикрини равон баён эта олган. Файзулла Хўжаевнинг атоқли давлат арбоби бўлиб шаклланишида ёшлиқда олинган таълимнинг ўрни бўлақча бўлган.

1912 йил Файзулла Хўжаев отасининг вафотидан сўнг 16 ёшдан бошлаб Бухородаги сиёсий жараёнларда фаол қатнаша бошлайди. 1913 йилдан бошлаб эса Ёш бухоролик инқилобчилар фирқаси Марказий Қўмитасининг аъзоси бўлган [10]. Файзулла Хўжаев кейинчалик швейцариялик ёзувчи Элла Майлларт хоним билан қилган суҳбати чоғида ҳам 1912 йилда отаси вафот этган пайтда у Бухородаги жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашганлигини, орадан бир йил ўтгач эса Ёш бухороликлар фирқасининг йўлбошчисига айланганини айтади [11].

Файзулла Хўжаевнинг отаси – Убайдуллахўжа Қосимхўжа ўғли 1912 йили ўғли билан Маккага – муқаддас Ҳаж сафарига отланганида Россиянинг Одесса шаҳрида вафот этган эди. Ўшанда ёш Файзулла йўлда учраган барча қийинчиликларни енгиб ўтиб, отаси майитини Бухоро шаҳрига олиб келади ва падари бузрукворини мусулмончилиқнинг барча шартларига риоя қилган ҳолда дафн эттиради. Отасининг вафотидан сўнг Файзулла Хўжаев беш йил давомида отасининг савдо ишларини давом

этиради. Бу ҳақда Муҳаммадали Балжувонийнинг “Тарихи Нофей” асарида келтирилган қуйидаги фикри диққатга сазовор: “Бу муқаддимада машҳур бўлган (бухоролик)лар ҳақида ёзаман. Энг аввало. номдор тожирлардан бўлган Амир Аҳадхон билан биргалиқда “шерик тижорат” бўлганлар Мирзо Муҳиддин сарроф, Файзуллахўжа Убайдуллахўжа ўғли, Муҳаммамадолим Жўравой Пўст ўғилларини айтиш мумкин. Бу уччалари Бухоронинг энг илғор тожирлари эдилар” [12]. Отасидан мерос қолган катта бойлиқни янги усул мактаблари очишга, ёш бухороликлар сиёсий фаолиятини моддий қўллаб-қувватлашга сарфлади.

Файзулла Хўжаев ўзининг ўтмишини эслаб бундай деб ёзган эди: “1913 йилдан 1916 йилгача бўлган вақт ичида жадидлари ишида менинг иштироким биринчидан, ташвиқот ишларини олиб боришдан; иккинчидан, маблағлар тўплаш ва шахсан моддий ёрдам кўрсатишдан; учинчидан Фитрат ва Абдувоҳид Бурхонов орқали китоблар ва бир қанча дарслиқлар нашр эттиришдан иборат бўлди. 1916 йил ярмидан бошлаб мен Карки вилоятида ва Бухоро вилоятининг туманларида (уездларида) тўғарақларни (жадидларнинг махфий тўғарақларини) очишда қатнашдим. Мен 1917 йил ташкил этилган Ёш бухороликлар партиясининг махфий марказий Комитетига қабул қилиндим. Ўша даврда марказий Комитет раиси Абдувоҳид Бурхонов, қотиби Усмон Хўжаев ва хазиначиси Муса Саиджонов эди. Бу ташкилотда ишим кўпайиб кетганлиги сабабли мен ўзимнинг (хўжалиқ) ишимдан кетдим ва савдо ишлари укамнинг қўлига ўтди у менинг раҳбарлигимда савдо ишларини давом эттираверди [13].

XX аср бошларига келиб Туркистонда миллий озодлик кураши янги паллага кирди. Бу кураш ватанимиз тарихида жадидчилик ҳаракати номи билан машҳур. Жадидчилик ҳаракати Туркистон, Хива ва Бухорода деярли бир вақтда вужудга келган бўлсада, аммо худудлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётдаги жиғовут уларнинг бу худудларда турлича намоён бўлишига сабаб бўлди. Бухоро амрлигидаги жадидчилик ҳаракати ёш бухороликларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Бухоро амрлигидаги жадидлар партияси дастлаб “Тарбия атфол” (Болалар тарбияси) махфий жамияти шаклида тузилган. “Тарбия атфол” Бухоро жадидлари томонидан ташкил этган маърифий жамият бўлиб, у 1908-1914 йилларда фаолият кўрсатган. Ташкилотга Абдувоҳид Бурхонов, Мукамил Бурхонов, Ҳамидхўжа Меҳрий, Аҳмаджон Абдусаидов ва бошқалар асос солишган. Жамият фаолиятида С.Айний, Усмон Хўжа, М.Саиджонов ва бошқалар муҳим роль ўйнаган. Жамият аъзолари сони 100 га яқин бўлиб, уларни Муҳиддин Мансуров, Садр Зиё моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган [14]. Кейинчалик унинг фаолиятида Фитрат, Файзулла Хўжаев ва Муҳиддин Мансуровлар катта роль ўйнашган. Файзулла Хўжаев 1913-1917 йилларда “Тарбия атфол” жамиятининг фаол аъзоси бўлган [15]. Мазкур ташкилот истеъдодли ёшларни

хорижий мамлакатларга ўқишга юбориш, усули жадид мактабларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу мактаблар учун ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратиш, хориждаги талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш ишлари билан шуғулланган. Жамиятнинг саъй-ҳаракати билан 1908 йилда Истанбулда бухоролик ва туркистонлик ёшлардан 14 киши таҳсил олган. 1911 йилда 15 нафар, 1912 йилда 30 нафар талабани Туркияга ўқишга юборган. Жамият кўмаги билан Фитратнинг “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи баёноти” ва “Сайҳа” асарлари, шунингдек, С.Айний, А.Бурхонов, Иқром домларнинг китоблари Туркияда нашр этилиб, Туркистонда тарқатилган.

“Тарбия атфол” жамияти таъсирида Бухоро амирлигида кўплаб жадид мактаблари ташкил этилди. Бундай мактабларин Абдувоҳид Бурхон ўғли, Усмонхўжа ўғли, Мукамил Бурхон ўғли, Ҳамидхўжа ўғли ва бошқалар ташкил этганлар [16]. Файзулла Хўжаев бундай мактаблар билан фаол алоқада бўлган. Бухородаги жадид мактабларида ўқитиш билан бир қаторда жадид вакиллари йиғилишиб ташвиқот ишларини олиб боришган. Бу тўғрисида Файзулла Хўжаевнинг билдирган куйидаги фикрлари ўринлидир: ” Мен ўзим жуда яхшн эсламанки, Усмонхўжа ўғли, Бурхон ўғлининг ва бошқаларнинг мактабларида бизнинг

ўртоқлар йиғилишиб, шогирдларнинг туғишганларини ва болаларнинг ўзларини йиғиб қандай бўлса ҳам бир бахона билан аввал силлиқ қилиб, кейин амирнинг шахсига ва унинг ҳукуматига қарши ташвиқот юргизар эдилар. Бу ташвиқотда Русия чорлари қўлида кул бўлиши, таназзул, маданиятсизлик, руҳонийларнинг нодонлиги, амир қасрининг саfoxат ва тазйиноти, амалдорларнинг бузуқлиги, солиқ юкларининг оғирлиги ва бошқа кўп нарсалар” [17].

Бухоро жадидлари Қозон, Туркистон, Бокчасарой, Оренбург, Боку жадидлари билан алоқа боғлайдилар. Жамият аъзолари тамомила яширинча иш олиб боришиб, шу даврдаёқ жамиятнинг 28 та шаҳобчаси тузилди (Термиз, Карки, Янги Бухоро, Гиждувон). Шу даврдан бошлаб Бухоро жадидлари ўзларини “Ёш бухороликлар” деб атай бошлайдилар ва биринчи уставларини қабул қиладилар [18].

Хулоса қиладиган бўлсак, Файзулла Хўжаев анча ёш яъни 17 ёшидаёқ жадидчилик ҳаракатига қўшилди. 1913-1917 йиллар мобайнида у нафақат жадидчилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, махфий жадид ташкилотларининг ташкилотчиси ва айни пайтда бундай ташкилотларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун ўзининг меҳнати ва ота мерос бойлигини сарфлади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. –Т.: “Адолат”, 1997.-Б.102.
2. Гафаров Н.История культурыно – просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате.(начало XX века) Худжанд. 2000. –С.31.
3. Сухарев А.О. Бухара. XIX-начало XX в.Москва. Наука.1966. –С. 241-242.
4. Ражабов Қ.Файзулла Хўжаев.Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT”, 2011. –Б.4.
5. Гафаров Н.История культурыно – просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате.(начало XX века) Худжанд. 2000. –С. 41.
6. Бақоев М.Файзулла Хўжаев журналист ва публицист.Т.: “Ўзбекистон” 1992. –Б.15-16.
7. Серебрякова Г.Собрание сочинений том пятый.Москва “Художественная литература” 1979. –С.438.
8. Бақоев М.Файзулла Хўжаев журналист ва публицист. –Т.:”Ўзбекистон”, 1992. –Б.51.
9. Аҳмад Заки Валидий Тўғон.Бўлинганни бўри ер.Т.: “Адолат”,1997. –Б.102-103.
10. Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 1934-иш, 6-8-варақлар.
11. Миллий тикланиш газетаси.1996 йил 16 июль. 28 (57)-сон.
12. Муҳаммаддали Балжувоний.Тарихи Нофеий (Фойдали тарих).Т.: “Академия”, 2001. –Б. 53.
13. Хўжаев.Ф. Танланган асарлар.1-жилд.Т.: “Фан”,1976.-Б.12-13.
14. Ражабов Қ. Тарбия атфол //Ўзбекистон миллий энциклопедияси.8-жилд.Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”Давлат илмий нашриёти, 2004.-Б.271.
15. Гафаров Н.История культурыно—просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате.(начало XX века) Худжанд.2000.-С.96.
16. Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги янги мулоҳазалар. // Бухоро инкилобининг тарихига материаллар.Т.: “Фан” ,1997.-Б.77.
17. Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги янги мулоҳазалар. // Бухоро инкилобининг тарихига материаллар.Т.: “Фан” ,1997.-Б.78.
18. Рашидов У., Рашидов Ў. XX-аср бошларида Бухоро амирлигидаги сиёсий-иктисодий жараёнлар.Бухоро “Бухоро”, 2011.-Б.33.



*Бахтиёрхўжа ШОДМОНОВ,  
ХТХҚТМОҲМ “Ижтимоий-иқтисодий фанлар  
методикаси” кафедраси мудири  
E-mail: [baxtiyorsh@mail.ru](mailto:baxtiyorsh@mail.ru)*

### ЎЗБЕКИСТОН ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ТАРИХИДА ЁШЛАР ФАОЛИЯТИ

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон олий таълим тизимида илмий салоҳиятли ёш кадрлар тайёрлашнинг устувор тамойиллари муҳокама қилинган. Шунингдек, мустақиллик йилларида илм-фан соҳасини ривожлантиришда ёшларнинг иштироки, уларнинг ўрни, ютуқ ва муаммолари ҳақида маълумот бериш билан биргаликда тақлифлар ҳам киритилган.

**Калит сўзлар:** Ёшлар, Фанлар академияси, илм, демократик тафаккур, интеллектуал ёшлар, таълим, Олий таълим, тадбиркорлик, Ёш олимлар.

### МОЛОДЕЖНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В ИСТОРИИ РАЗВИТИЯ НАУКИ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация

В данной статье речь идёт об основных направлениях по подготовке молодых кадров в сфере высшего образования. Вместе с тем, был внесён ряд предложений на фоне достигнутых успехов и нерешённых проблем в сфере развития науки и образования в годы независимости.

**Ключевые слова:** молодёжь, академии науки, науки, демократические идеи, интеллектуальны молодёжь, образования, высшее образование, бизнес, науки молодёжь.

### YOUTH ACTIVITY IN THE HISTORY OF DEVELOPING SCIENCE OF UZBEKISTAN

Abstract

This article discusses the priorities for training young research scholars in the higher education system of Uzbekistan. In addition to providing information on the participation of youth in the development of science in the years of independence and the suggestions are also included regarded to their role, achievements and problems.

**Key words:** Youth, Academy of science, knowledge, democratic idea, intellectual youth, education, high education, business, young scientists.

Ҳозирги вақтда олий ўқув юртларининг аҳамияти нафақат миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун янги авлод мутахассисларни шакллантириш, шу билан бирга илмий янгиликлар яратишдан иборатдир. Намуна сифатида Америка Қўшма Штатларини кўрсатишимиз мумкин, у ерда илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг ярмидан кўпи университетларда амалга оширилади. Германия, Буюк Британия, Канада ва бошқа ривожланган мамлакатларда олий ўқув юртларидаги илм-фаннинг ҳиссаси анча катта. Шу сабабли, илм-фанга қизиқишни эътиборсиз қолдириш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бевосита раҳнамолигида мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришга, ёшларнинг фанга кириб келишига кенг шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2019 йилда мутлақо янги мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та Ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2

баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди [1]. Бунинг натижасида жамиятимизда илм-фаннинг нуфузи янада ошиб, ўзини шу соҳа ривожига, тараққиётига бағишлаш истагида бўлган ёшларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Албатта, ўз келажагини юқори интеллектуал, инновацион ривожланиш билан боғлиқ кўраётган ҳар қандай давлат, жамият учун бу устувор масалалар сирасига кириши сир эмас. Мамлакатимиз учун илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз керак. Ҳеч бир давлат илм-фаннинг барча соҳаларини бир йўла тараққий эттира олмайди. Шунинг учун биз ҳам ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш тарафдоримиз. Жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Шунингдек, илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизмини тубдан қайта қўриб чиқиш керак. Илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозим. Ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий

марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шарт. Жорий йилда “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан 700 дан зиёд олимлар, профессор-ўқитувчилар чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юборилади [2].

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илгор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида қуйидагиларни амалга ошириш лозимлиги белгилаб берилди.

Бугунги кунда республикада 114 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардан 93 таси маҳаллий ҳамда 21 таси хорижий олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари ҳисобланади. Жумладан, сўнгги 3 йилда янги 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва 14 та хорижий олий таълим муассасаси филиали ташкил этилди.

Кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига 329 та таълим йўналиши ва 582 та магистратура мутахассислиги киритилди.

2019/2020 ўқув йилида 59 та олий таълим муассасасида сиртқи таълим, 10 та олий таълим муассасасида кечки таълим шакли жорий этилди.

Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони бакалаврият таълим йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахассислиги бўйича эса 13 минг нафарни ташкил қилиб, сўнгги 3 йилда 1,7 бараварга ошди.

Талабаларнинг 54,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 25,2 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 5,2 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 4,4 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 4,5 фоизи хизмат кўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таҳсил олмоқдалар.

Магистратура талабаларининг 40,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 23,3 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 13,3 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 13,5 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 3,2 фоизи хизмат кўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари бўйича таҳсил олмоқдалар.

2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари 121 мингтани ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 18 фоизга, 2016 йилга нисбатан эса 92 фоизга ошди.

Республиканинг 16 та олий таълим муассасасида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, юртимизда ўғил-қизларни ватанпарварлик, миллий

анъана ва кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда ёшларнинг олдида мисли кўрилмаган имкониятлар ўз эшигини очмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати таълимга ислоҳотларнинг барча босқичлари учун устувор соҳа деб қараб, мактаб ва таълим масаласини давлат ҳамда жамият назоратида бўлиши конституцияда ҳам белгилаб берилди. Натижада таълим тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш вақти профессионал билимларни эгаллаш, имкониятларни кенгайтириш, янги замонавий технологияларда ишлашга қодир ёш мутахассис кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим эди. Шу нуқтаи-назардан қараганда, Ўзбекистонда 1997 йил амалга оширилган, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган Таълим тўғрисидаги қонун [3] ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури [4] ёшларнинг ҳар томонлама камол топишида алоҳида ўрин эгаллайди. 1997 йил “Таълим тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва таълим-тарбия соҳаси янги демократик мезонлар асосида ислоҳ этила бошланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида эса қобилиятли ёш замонавий миллий кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистонда таълим-тарбия тизими билан боғлиқ яратилган ҳуқуқий база кейинги йилларда ўз натижаларини кўрсатди. Ўзбекистон ёшлари ривожланган мамлакатлар ёшлари билан бир қаторда, дунёнинг йирик ўқув юртларида таҳсил олишмоқда. Мамлакат олий ўқув юртлари чет эл олий ўқув юртлари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйган, ўзаро тажриба ва талаба алмашиш изчил давом этмоқда. Ўзбекистон талабаларининг илмий ишлари чет эл мутахассислари томонидан ижобий баҳоланмоқда. Юқори малакали мутахассислар тайёрлашда талабаларнинг чет элда олган билимлари ва малакаларига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ўзаро манфаатли илмий тадқиқотлар, изланишларни ташкил этиш орқали истиқболли ёш илмий кадрлар истеъдодининг очилишига ва юксалишига кўмак бериб келинмоқда. 2003-2008 йилларда жами 837 нафар Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари иқтидорли ёш педагог-ўқитувчилари Буюк Британия, Белгия, АҚШ, Франция, Германия, Италия, Болгария, Дания, Россия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Малайзия каби давлатларнинг нуфузли таълим муассасалари ва илмий марказларида малака ошириб қайтишди [5]. 2003 йилнинг 26 августидан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси қошида Масофали ўқитиш маркази ташкил этилди. Масофали ўқитиш маркази фаолияти Ўзбекистон Республикасида фан ва маориф тизимини ривожлантириш ҳамда модернизациялаш, жамият эҳтиёжларини қондириш, ахборот технологияларини тадбиқ этиш ва ривожлантириш учун шароит яратиш ҳамда малакали, етук ёш кадрлар тайёрлаш мақсадида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 16 февральдаги № 4958 - сонли Фармонида мувофиқ Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълимнинг ноёб тизими яратилди, илмий-тадқиқот фаолияти, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш самарадорлигини оширишга, мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётида илм-фаннинг ролини кучайтиришга йўналтирилган салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бугун таълим иқтисодий ва илмий-техник тараққиётнинг ҳал қилувчи омили, жамиятнинг ижтимоий тузилмасини шакллантириш, унда ижтимоий мақомларни тақсимлаш механизми ҳисобланади. Буни айтиш пайтда хорижий давлатларда таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш орқали юксак билим ва кўникмаларга эга кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан ҳам англаш мумкин.

Масалан, маорифга улкан сармоя киритиб, юксак натижаларга эришаётган давлатлардан бири – Сингапурдир. Сингапур Буюк Британия мустамлакаси бўлган даврда унинг саноати асосан минерал ёқилғи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган эди. Шунга қарамай, ўша даврдаёқ таълим тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Шунинг учун Сингапур бугун дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олган.

4. Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш, жумладан талаба-ёшларни маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, уларнинг компьютер ва интернет технологияларидан фойдаланиш саводхонлигини ошириш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш, талаба-қизларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш;

олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халқ манфаатлари учун хизмат қилиш туйғуси билан яшайдиган баркамол авлод сифатида тарбиялашга қаратилган талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

давлат ва жамият олдида турган муҳим вазибаларни ҳал этишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, юртпарвар, ташаббускор, замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштирган, инсоний фазилатларга эга ёшларни профессионал касб эгаси сифатида тайёрлаш, бу борада янгича ёндашувларни

талаб этадиган таълим-тарбия усулларидан фойдаланиш;

олий таълим муассасаларида спортни қадрият сифатида ривожлантириш, талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини омаллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ёшларнинг қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятидан хабардорлиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, уларда соғлом турмуш тарзига риоя этиш, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, тинчликпарварлик ва миллатлараро тотувлик, виждон эркинлиги, барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш каби умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий-ахлоқий қадриятларни камол топтириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллик, мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантириш [6].

Тўғри, ҳар томонлама баркамол шаклланган, интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазибаларидан бирига айланди. Бунинг учун мамлакатимизда амалдаги таълим тизимининг ҳамма босқичларида жаҳон стандартларига мос моддий техник база ва таълим технологияларининг илғор кўринишларидан фойдаланиш жорий этилган. Бироқ, ёшларнинг жисмоний ва психологик ривожланиш қонуниятларини чуқурроқ ўрганиш, уларнинг ҳар бирига хос лаёқат, иқтидор ва қобилият кўринишида намоён бўладиган интеллектуал салоҳиятини аниқлаш ҳамда ўқув тарбия жараёнларини ана шу имкониятларга қараб индивидуаллаштириш замонавий талаблар даражасида ташкил этилган деб бўлмайди.

Социологик характердаги психологик тадқиқотларнинг натижаларига кўра иқтидорли ва интеллектуал салоҳиятли болаларни ўрганиш ҳамда уларни тарбиялаш ишларининг янада олға силжишига кўп жиҳатдан ота-оналар, тарбиячилар, ўқитувчилар ва кенг жамоатчиликнинг қобилият ва унинг турли кўриниш даражаларини ифодаловчи психологик атамаларнинг моҳиятини англаб, уларнинг узига хос ривожланиш қонуниятларини илмий асосда тушунишлари билан ҳам узвий боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир ишнинг самарали бўлиши шу ишни бошлашдан аввал унинг моҳиятини тўла-тўқис тушуниш ва моҳирона амалга оширишнинг жисмоний ва психологик йўл-йўриқларини англаш билан узвий боғлиқдир. Бу албатта, топшириқни амалга ошираётган кишининг қобилиятига хос интеллектуал салоҳиятига асосланган ҳолда ечим топади.

Қобилиятнинг авлоддан-авлодга ирсият йўли билан ўтиши ҳақидаги қарашлар илмий назарияларга зиддир. Ҳар бир кишининг психик тараққиёти шу жумладан, ундаги қобилиятга хос интеллектуал салоҳиятнинг юксалиши ижтимоий – тарихий қонуниятлар билан бошқарилади. Қобилиятнинг уйғониши ижтимоий шарт-шароитларга боғлиқ бўлиб, дастлаб боланинг эҳтиёжларида, қизиқиш ва йўналишларида намоён



бўлади. Шу боис, ёшларда қобилият ва интеллектуал салоҳиятни тарбиялаш учун ота-она тарбиячи, ўқитувчи ва бошқа тарбия билан боғлиқ кишиларнинг ёшлардаги интеллектуал тарққиёт ва унинг ўзига хос ривожланиш қонуниятларини билишлари ва унга амал қилган ҳолда ўқув-тарбия жараёнларини оқилона ташкил этишлари мақсадга мувофиқдир.

2030 йилгача Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида яна қуйидагилар белгиланди:

■ юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш;

■ Олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш;

■ Олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;

■ Коррупцияга қарши курашиш ва шаффоликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш;

■ Олий таълим тизимининг инвестициявий жозибдорлигини ошириш, халқаро миқёсда танилиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича қўйидаги тадбирлар [7].

Республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, бунда мақсад олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида халқаро молия институтлари, етакчи халқаро ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, бу борада мамлакат таълим тизими манфаатларига мос келувчи инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш.

Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети хорижий ОТМларда химоя қилган, фаолият кўрсатган 12 нафар (АҚШ, Франция, Германия, Австралия, Нидерландия, Хитой, Жанубий Корея, Малайзия) ватандошлар ишга қабул қилинди.

Профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг 34 нафари, докторантлардан 26 нафари, магистрантлардан 21 нафари, бакалаврлардан 24 нафари чет эл ОТМларда малака ошириш ва илмий стажировкаларда бўлди. Жами: 105 нафар (2018 й. 65 нафар, ўсиш 62%).

16 нафар ўқитувчи ва ходимлар Буюк Британия, Франция, Германия, Италия ва Япониянинг етакчи университетларига докторантурага (PhD) ўқишга юборилди.

Университет битирувчиларидан 38 нафари ҳозирги кунда хорижнинг етакчи ОТМларида (АҚШ, Швейцария, Япония, Польша, Германия, Россия) магистратурада таълим олмоқда.

М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети билан қўшма таълим дастури доирасида “Психология (ижтимоий психология)”, “Сунъий интеллект” магистратурага қабул амалга оширилди.

Эрасмус + дастури доирасидаги DSinGIS: Геоинформатика соҳасида докторантлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

4 (2018 йил 2) та патент, Ахборот-коммуникация технологияларига оид дастурлар ва электрон маълумотлар базалари учун – 17 (2018 йил 13) та гувоҳнома, 15 (2018 йил 6) та муаллифлик гувоҳномалари олинди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги билан ҳамкорликда Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш маркази ташкил этилди.

Scopus илмий техник базасидаги импакт факторли журналларда 136 (2018 йилда 82) та, ОАК рўйхатидаги журналларда 411 (2018 йилда 328) та мақолалар чоп этилди. Республикамиз олимларининг илмий нашрларига 74 минг иқтибосликлар берилган бўлса, шулардан 22 минг (31%) ЎЗМУ профессор-ўқитувчиларининг илмий нашрларига берилган иқтибосликларни ташкил этади.

16 (2018 йил 6) та республика миқёсида, 7 (2018 йил 5) та халқаро миқёсда анжуманлар ўтказилди.

10 млрд. сўмлик 94 та илмий-инновацион лойиҳа ҳамда 584 минг. долларлик 10 та халқаро лойиҳалар амалга оширилмоқда [8].

Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантиришда қўйидаги натижаларга эришиш назарда тутилмоқда:

олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари, шу жумладан нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиаллари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасининг 50 фоиздан юқори бўлиши таъминланади, соҳада рақобат муҳити яратилади;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалаврият ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек республика илмий журналлари халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилиши таъминланади.

Зеро, мамлакатимизда жадал суръатлар билан амалга оширилаётган ислохотлар Ватанимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга кодир бўлган, юрт равнақи йўлида муносиб ҳисса қўшувчи, замонавий, мустақил фикрлайдиган, юксак

маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, билимли ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш давр талабидан келиб чиқиб, устувор вазифалардан бири сифатида мунтазам тараққий этиб бориши учун ҳаётий заруратдир.

Бугун жаҳонда тезлик билан рақамли ва ақлли ёндашувлар ҳамма соҳалар қатори гуманитар фанлар тизимига ҳам кириб бормоқда. Халқаро майдонда илмий тадқиқотлар рақобати кундан кунга кучайиб кенг майдонларни эгалламоқда. Бу шароитда ушбу тизим билан катта натижаларга

эриши қийин масаладир. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, илм соҳасида катта ўзгаришлар амалга оширилиши керак. Ислохотлар йўли билангина фан олдидаги ғовлар олиб ташланиши мумкин. Зеро, фаннинг мақсади турли соҳаларга оид конкрет муаммоларни ечимини топиш, амалиётга жорий этиш, уларнинг менежменти ва маркетингини шакллантириш ва ривожлантириш орқали давлат ва жамият равнақи учун хизмат қилишдан иборат бўлмоғи керак.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил. 24 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил. 24 январь.
3. Таълим тўғрисидаги қонун. 1997 йил 29 август. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1997. – Б. 67-80.
4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. 1997 йил 29 август. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1997. – Б. 80-94.
5. Топилдиев О. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг туганган ўрни (1991-2008 йй. Тарих фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзМУ, 2011 йил. 59 бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони.
7. <https://lex.uz/docs/4545884>
8. ЎзМУда илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш юзасидан амалга оширилган ишлар. <https://nuu.uz/uzc/science/gen-info>.



**Ойбек ЯРМАТОВ,**

*Самарқанд давлат университети мустақил изланувчиси*

*E-mail: oybeky@gmail.com*

**XIX – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ЯШАГАН ҲИНД ФУҚАРОЛАРИНИНГ  
ИЖТИМОЙ ТАРКИБИ (ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ ГУБЕРНАТОРЛИГИ ИДОРАСИ  
ХУЖЖАТЛАРИ АСОСИДА)**

Аннотация

Мақоланинг даврий чегараси XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Айнан шу даврда ҳиндларнинг кундалик ва иқтисодий ҳаёти тарихига оид асосий материаллар Туркистон Генерал-губернаторлиги девонхонаси ҳужжатларида сақланади. Тадқиқотнинг асосий асосий мақсади Туркистонги ҳиндларнинг кириб келиши, уларнинг маданияти ва ҳаёти, шунингдек ижтимоий таркибини ўрганишдан иборат.

**Калит сўзлар:** Туркистон, генерал-губернатор, идора, католик ишлари, ҳиндлар, ҳаёт, маданият, маросимлар.

**СОЦИАЛЬНОЙ СОСТАВ ГРАЖДАН ИНДИИ, ПРОЖИВАЮЩИХ В ТУРКЕСТАНЕ В НАЧАЛЕ  
XIX И XX ВЕКОВ (ПО ДОКУМЕНТАМ АППАРАТА ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРА ТУРКЕСТАНА)**

Аннотация

Хронологические рамки статьи охватывают период второй половины XIX – начало XX веков. Именно к этому периоду относятся материалы по истории быта и хозяйственной жизни индусов которые сохранились в материалах делопроизводства канцелярии Туркестанского генерал-губернаторства. Основными вопросами изучения является проблема появления индусов в Туркестане, их культура и быт, а также социальный состав.

**Ключевые слова:** Туркестан, генерал-губернаторство, канцелярия, делопроизводство, индусы, быт, культура, обряды.

**SOCIAL COMPOSITION OF INDIAN CITIZENS LIVING IN TURKESTAN IN THE 19<sup>TH</sup> AND EARLY  
20<sup>TH</sup> CENNURIES (BASED ON THE DOCUMENTS OF THE TURKESTAN GENERAL  
GOVERNORATE)**

Annotation

The periodic boundaries of the article cover the period from the second half of the 19<sup>th</sup> to the early 20<sup>th</sup> century. At the same time, the basic materials on the history of Indian daile life and economic life were kept in documents of Turkestan General Cu's offise. The main purpose of the research is to study the culture and life of the Hindus in Turkestan as well as their social context.

**Key words:** Turkistan, general governor, offise, cotholic, affarus, hindus, life, culture, ceremonies.

Ҳиндистон ва Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар тарихи ҳозирги кунда кенг жамоатчилик ўртасида катта кизиқиш уйғотмоқда, сунги йилларда ҳинд ва Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги алоқалар тарихини чуқур ўрганиш бўйича муҳим қадамлар қўйилди. Бу борада бир қатор олимлар илмий изланишлар олиб борди, булар: У.А. Рустамов, Н.А. Халфин, М.М. Эрматов, Г.Д. Дмитриев ва бошқалар. Шунга қарамай Туркистон ўлкаси ва Ўрта Осиё худудида яшаган ҳиндлар тарихини ўрганиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу мақоланинг мақсади XIX аср охири XX аср бошларида Ўрта Осиёдаги ҳиндларга тегишли топилмалар, уларнинг фаолияти ва минтақадаги маҳаллий ва рус аҳолиси, шунингдек, Россия мустамлакаси маъмурияти билан боғлиқ бўлган архив ҳужжатлари ва эълон қилинган манбалардан олинган маълумотларни умумлаштириш ҳисобланади. Мавзунинг айнан XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошига оид хронологияси

белгиланишига асосий сабаб, ҳиндистонлик фуқаролар тарихига оид ёзма манбаларнинг бу даврда Туркистон Генерал – губернаторлиги маҳкамаси иш юритиш ҳужжатларида сақланганлиги ҳисобланади. Туркистонда яшаётган Ҳиндистонлик фуқароларнинг ижтимоий қатламлари ҳақидаги маълумотларни мавзунинг ёритувчи кириш қисми деб баҳо бериш мумкин.

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистондаги ҳинд манзилгоҳларида яшаётган ҳиндларнинг ижтимоий таркиби бир неча қатламлардан иборат бўлган. Улар орасида улгуржи савдо билан шуғулланувчи савдо табақаси, судхўрлар, хизматкорлар, табиблар мавжуд эди. Туркистонда яшаётган ҳиндларнинг асосий қисмини иқтисодий жиҳатдан анча тараққий этган, мухожирлар ташкил этсада, улар орасида камбағал хизматкор ҳиндлар ҳам мавжуд бўлган.

1875-йил Тошкентда яшаган мусулмон ҳиндларнинг 36 таси ўз қабиладошларининг хизматкорлари бўлган бўлса, яна 5 нафар ҳинд ночор ҳаёт

кечирган [6]. Туркистонда яшаган хиндларнинг айримлари талончилик билан ҳам кун кўрган [27] хиндлар орасида ижтимоий тенгсизлик сезиларли даражада кучли бўлган, бу тенгсизлик хатто савдо судхўрлик билан шуғулланувчилар орасида ҳам мавжуд бўлган. Кўплаб хиндлар Ўрта Осиёда йирик Синд банклари номидан савдо-сотик фаолияти билан шуғулланган. Йирик савдогарларнинг савдо ишларини яхшигина тўшинадиган хизматкорлари ҳам мавжуд бўлган. Биргина Тошкентнинг ўзида 1876 йил 14 та йирик хинд савдагори яшаб, савдо фаолияти билан шуғулланган [16]. Кичик савдогарлар савдо фаолиятини юксалтириш ёки ўз савдо мустақиллигини сақлаб қолиш мақсадида бадавлат қариндошларидан қарз олган ва аксарият холларда уларга қарзларини қайтара олмасдан қарз олган хиндларга қарам бўлиб қолган. Бу ҳолат касталар ўртасида зиддиятларни келтириб чиқарган [28]. Туркистонга келган хиндларнинг асосий касби савдо –судхурлик бўлсада, улар орасида бошқа кўплаб касб эгаларини ҳам учратиш мумкин. Масалан: XIX асрнинг 70 йилларида Самарқандда яшаган Рамдас Кишнунинг асосий касби деҳқончилик бўлган [20]. Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича хиндистонлик Гупалсинх Самарқанд вилоятида боғдорчилик билан шуғулланган. Гупалсинх боғдорчиликдан ташқари уста дурадгор ва тикувчи ҳам бўлган [11]. Ўрта Осиёдаги хиндлар орасида хунармандчилик ҳам кенг тарқалган бўлиб, хунармандлар орасида заргарлик билан шуғулланувчи хиндлар ҳам бўлган. Тошкентда Дилбар Марвари ва Кабли Шахвах исмли хинд заргарлари яшаган [12]. XIX асрнинг 90 йилларда Тошкентда Кумуш билан шуғулланувчи Саманмал Чутмалиев исмли заргар ҳам савдо фаолияти билан шуғулланган [13]. Хиндлар заргарлик билан бирга қимматбаҳо тошларни сотиш ва сотиб олиш билан ҳам машғул булган, уларнинг баъзилари заргарлик бўйича йирик мутахассис бўлишган. XIX асрнинг 90 йилларида Бухорода яшаган Баяржи Бухорода сотилган ёки сотиб олинган барча қимматбаҳо тошлар савдосини назорат қилган [1]. Туркистонга келган хиндлар орасида китоб муҳаррирлари, мактаб ўқувчилари, хатто шифокорлар ҳам бўлган. XIX асрнинг 80 йилларида Балм Махал исмли хинд тиббий амалиёт билан шуғулланган, аввалига унга тиббий амалиёт билан шуғулланишни тақиқлаган эди, лекин у юқори мартабали рус амалдорини даволагандан сўнг унинг фаолиятига тўсқинлик қилинмаган. 1916 йил Харир исмли хинд Чоржуй бозорида дўкон очиб, ўзини табиб деб эълон қилгач, турли хил дорилар савдоси билан шуғуллана бошлаган [19]. Туркистонда яшаётган хиндлар иш фаолиятида асосан жамоавий бўлиб ҳаракат қилган. Лекин кейинчалик ҳукумат томонидан хиндларнинг жамоавий фаолияти тақиқлангач, хиндлар ишларини бажаришга улгурмай қолади ва ўзларига хизматкорлар ёллашга мажбур бўлишади. Бу жараён натижасида Туркистонда новвой, ошпаз, қандолатчи каби янги касбларнинг пайдо бўлган [22]. Ўрта Осиёда хинд мухожирлари орасида судхўрлик амалиёти кенг тарқалган касблардан бири

хисобланган. Судхўрлик билан шуғулланувчиларнинг аксарияти Хиндистоннинг шимолий ва шимоли-ғарбий қисмидаги йирик банкларнинг агентлари бўлишган, бу эса уларга судхўрлик билан шуғулланишига катта имконият беришган. Янги тартибга солинган молиявий операциялар тизими натижасида Хиндистондан катта миқдордаги пулларни Ўрта Осиёга олиб ўтиш осон бўлиб қолди. Чунки йирик савдо ва молия компаниялари томонидан чиқарилган Хунт ёки Векселлар Эрон, Кобул, Ҳирот, Тошкент ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида қабул қилинган [4]. Хинд судхурларидан пул олувчиларнинг асосий қисмини Туркистоннинг ишчи синф вакиллари ташкил этган. Шу сабабли уларнинг хиндлардан олаётган пулнинг миқдори 10-15 рублдан ошмаган, [25] қарз шартларинг жуда оғир бўлган, биринчидан қарзни миқдори даражасида гаров талаб қилинган. Айрим холларда қарз учун кўчмас мулкни гаровга қўйиш талаб этилган [9]. Туркистон вилоятидаги хиндларнинг судхурлик билан шуғулланиши натижасида қишлоқ жойлардаги ерларнинг катта қисмининг хиндлар қулига ўтиш ҳолати мустамлака маъмуриятининг эътиборини тортган. Натижада 1871 йил Зарафшон округида судхўрликни чеклашга биринчи уриниш бўлди. Зарафшон округининг ҳарбий губернатори ҳар бир хинд судхўрининг кредит қарзлари акцияларининг жинойий қонун асосида текширтди. Бу чекловлар узоқ вақт давомида қоғозда қолиб кетди, хатто Россия ҳукумати хиндларга қарзларини қайтариб олишига ёрдам берган. Судхўрлик учун чекловлар ўзбошимчилик билан олиб борилган. Хиндлар томонидан қарзларни ундириш билан боғлиқ ишлар Касбий орти округи ваколатидан чиқарилиб, Россия томонидан кўриб чиқилган ва айрим ҳолатларда судхўрлар айбдорлик мажбуриятларидан озод этилган [8]. Хиндистон судхурларига қарши тизимли кураш фақат Туркистон Генерал Губернаторлиги томонидан 1877 йил 27-октябрда хинд мухожирлари томонидан маҳаллий аҳолининг эксплуатациясини тўхтатиш тўғрисида қонун чиқарилгач бошланган. Хиндистонлик пул берувчиларга Туркистоннинг қишлоқ жойларидан ер бериш тақиқланган ва қарздорларга доимий фойдаланадиган ерларини сотиш ҳам мумкин бўлмаган. Қарздорлар қамоққа олинмай даромадининг 1/3 қисмини тўлаб борган. Ушбу тақиқларнинг қўлланилиши хинд судхурлари орасида пул берувчилар сонини камайтириб юборди. Судхўрликни чеклаш бўйича 1883 йил Гирс ҳам текширув олиб борди, лекин чекловлар ижобий натижа бермади. Хинд судхўрларини урнини яхудий, бухоролик ва хатто рус пулдорлари эгаллаган [2]. Вилоятда судхўрликка қарши курашнинг кескин чораси сифатида комиссия туб жой аҳолисига касса тармоғи орқали арзон кредит таклиф қилди. Россияга қўшилгандан сўнг ҳам Ўрта Осиёда шахсий ҳуқуқ ва бойликларни кафолатланмаганлиги хинд капиталининг капиталистик тадбиркорлик соҳасига жалб этилишига сабаб бўлди. Масалан: Бай Бала Гулиев (махкама ҳужжат-

ларида барча ҳиндистонликларнинг фамилиялари русча ибора талаффузда берилган. О.Я) 1887-йил мустамлака маъмуриятдан олтин ва тоғ қидирув ҳукуки учун рўхсат олди [7]. Ҳинд савдогорлари кўп ҳолатларда маҳаллий ва рус савдогорлари билан тўқнаш келганлиги сабабли маҳаллий савдогорлар арзимас қонунбузарлик учун ҳиндларни улқадан ҳайдаб чиқариш ҳақида маъмуриятга кўплаб илтимосномалар юборган. Туркистон мустамлакачилари Ҳиндистондан келган мухожирларни бу ерда қолиши учун тўсиқларни бутунлай олиб ташламаган. Туркистон худудидаги барча фуқаролар сингари ҳиндлар ҳам рус маъмурияти ва адлия органларига бўйсинган мавжуд қонунларга мувофиқ уларнинг ҳимоясидан фойдаланган, солиқ ва йиғимларни тўлаган. XX асрнинг бошларида рус ҳукумати Буюк британиянинг Петербургдаги элчихонаси илтимосига биноан Бухоро хонлигида яшовчи ҳиндларга амир амалдорларидан ҳимоя қилиб, уларга ёрдам кўрсатган [18]. Шу тариқа мустамлака маъмурияти узоқ вақт давомида Туркистон минтақасидаги ҳинд мухожирларининг ҳуқуқий мақоми масаласини ҳал қила олмаган. XIX асрнинг 70-йилларида ҳам уларнинг паспорти ёки ёзма тили йўқ эди.

XIX асрнинг 80 йилларининг охиригача ҳам бу муаммо ҳал этилмади, фақат 1888 йил 17-сентябрда Туркистон Генерал Губернатори Розенбах Ўрта Осиёдаги мухожирларга миллий паспортсиз яшашига рухсат берган [6]. 1890 йил Розенбохнинг давомчиси Веревский бу қонунни тасдиқлаган ва 1898 йил ҳарбий губернатори уларга виза беришга рухсат берган. Ҳиндистонлик мухожирларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги масала, ниҳоят 1904 йилда уларга паспорт бўйича империя ёрликларини тарқатиш билан ҳал бўлди. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишидан кейин ҳам ҳиндларни Ўрта Осиёда қолиши ҳинд ва рус халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнаган. Ҳатто Туркистонда яшаётган ҳиндларнинг аксарияти рус тилини билишган. XIX асрнинг 70 йилларида Тошкентда фаолият олиб борган Нукра Бута Синх рус тилини жудаям яхши билган [8]. Самарқандда яшаган Некий Пуран-Синх нафақат рус тилини билган, балки рус китобларини ўқиб, рус мактабларига қатнаган. 1878-йил Некий Пуран Синх 32 ёшда рус мактабларига қатнаб кўплаб рус китобларини ўқиган [21]. 1877-78 йилларда 16 ёшли Ҳиндистонлик Мансак Каттақурғондаги бошланғич мактабда рус амалдорларининг болалари билан бирга ўқиган [29]. Рус тилини билиши ҳиндларга рус маданияти билан танишиш, театрларга бориш, рус шифокорларидан ёрдам сўраш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш имкониятини яратган [5]. Ҳинд мухожирларининг Ўрта Осиёда қолиши рус тили фанининг ривожига ижобий таъсир кўрсатди. XIX асрнинг 90 йилларида рус ҳарбий маъмурлари урду тилини ўрганиш ташаббуси билан чиққан [26]. Шу муносабат билан 1895-йил лейтенант Вегорнитский урду тилини кўпроқ биладиган ҳиндлар яшайдиган Бухоро шаҳрига юборилган. Вегорнитский Ҳукумат томонидан 1896 йил Урду

тилини мукаммал ўрганиш учун 10 ойга Ҳиндистонга юборилган [17]. Уша йили штаб капитани Гилфардинг урду тилини ўрганиш учун Бухорога келди. Гилфардинг инглиз тилидаги қўлланмаларнинг бирида урду тилининг грамматикасини ўрганиш билан бир қаторда унга оғзаки ва талаффуз хусусиятларини ўргатадиган Пешаворлик ўқитувчини ёллаган. Бундан ташқари Гилфардингга ҳинд карвонсаройларига тез-тез бориб туриши ва маҳаллий ҳиндлар билан суҳбатга киришиши урду тилини тезроқ ўрганишга ёрдам берган. Кейинчалик 1897-1900 йилларда Туркистонда офицер таржимонлари тайёрлайдиган шарқшунослик бўйича офицерлик курслари очилгандан сўнг баъзи ҳиндлар бу ерда амалий курс вакиллари сифатида иш олиб боришди. Бомбейдаги рус консулининг тавсияси билан 1903 йил ҳиндистонлик хожи Риязиддин ўқитувчи сифатида таклиф қилинган [14]. Ўрта Осиёдаги ҳинд аҳолиси турли хил элементлардан иборат бўлган, улар орасида мусулмонлар, сикхийлар, гбиралар, ва ҳиндлар яшаган. Россия ва Бухоронинг расмий ҳужжатларида Ҳиндистондан келган ҳиндлар қариндошлари билан “Ҳинд жамиятлари”, “Ватандош Ҳиндлар” каби жамоаларга бирлашган. Ўрта Осиё шаҳарларида ҳинд деб номланган кварталлар ва карвонсаройлар пайдо бўлган [10]. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиш арафасида Бухоро хонлигида ҳинд қўшинларининг бир қатор қочқин аскарлари ҳам бор эди. Ҳинд архив ҳужжатларида 1857 йилдаги ҳинд озодлик кўзғолонининг иштирокчиси бўлган Майя исмли ҳинд ҳақида маълумот бор. Майя кўзғолондан олдин Сапай полкларининг бирида Жамандар унвонига сазовор бўлган эди. Босқиндан кейин Бухорога қочган ва XIX асрнинг 80 йилларигача Бухорода яшаган [24]. Марказий Осиёда ҳинд халқ кўзғолони раҳбарларининг ишончли вакиллари ҳам бўлган, инглиз айғоқчилари Пешоворлик Мунши Зафар хонимни диққат билан кузатган, у Эрондаги кўзғолондан кейин Ўрта Осиёга қочиб келган Феруз шаҳзоданинг вакили эди. Инглиз айғоқчилари, айниқса, 1866 йилда Самарқандни рус қўшини босиб олгандан кейин Туркистон Генерал Губернатори билан таниш Мунши Зафархондан жуда хавотирда эди. Ҳиндистондан келган ҳиндуларнинг аксарият қисми ҳинд динига эътиқод қилсада, улар орасида мусулмон, сикхи, буддист, жайнизм ва христиан динига эътиқод қилувчилари ҳам бўлган. Туркистонда уларнинг барчасини ҳиндлар деб аташган [3]. Ўрта Осиёдаги ҳиндларнинг ҳинд ва сикхийлардан иборат вакиллари, бошқа дин вакилларига нисбатан обрўлироқ бўлган [11].

Бу фактлар XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Ҳиндистон ва Туркистон ўртасидаги маданиятнинг барқарорлигини кўрсатади. Бу алоқаларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланишида ҳинд мухожирларининг роли катта, аксарият ҳиндларнинг Туркистонда доимий яшаб қолиши кенг жамоатчиликка ҳинд халқлари маданияти билан танишиш имкониятини берган. Фаолиятнинг кенг кўлами, айниқса, ҳинд мухожирларини

минтақанинг савдо-иқтисодий ҳаётидаги кенг иштироки бир томондан Ўрта Осиёда маҳаллий ва рус халқлари иккинчи томондан хиндулар ўртасида кўплаб алоқаларни ўрнатилишига ёрдам берди.

Нихоят хинд мухожирларининг Ўрта Осиёда қолиши рус-хинд халқларининг маданий алоқаларининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Айний С. Бухара. М.1957 Кн 3. стр. 48.
2. Гирс Ф.К. Отчет о состоянии Туркестанского края, СПб.1883.стр.195.
3. Этнический атлас Узбекистана –Ташкент:Совместное издание ”ИООФС-Узбекистан” и ЛИА “Р.Элина”,2002,стр.96-97.
4. Неру Дж. Открытие Индии. М.1955, стр. 300.
5. Обзор Ферганской области за 1917 г,Новый Маргелон.1889. стр. 15.
6. [Ўз РМДА. И 1-фонд, 4-руйхат, 120-иш, в,1]
7. [Ўз РМДА. И 1-фонд, 15-руйхат, 28-иш, в, 16]
8. [Ўз РМДА. И 1-фонд, 16-руйхат, 1001-иш, в, 1-2-27]
9. [Ўз РМДА. И 1-фонд, 20-руйхат, 8276-иш, в, 4-5]
10. [Ўз РМДА. И 1-фонд, 29-руйхат, 238-иш, в, 2, Ўз РМДА. И 17-фонд, 1-руйхат, 166-иш, в, 18]
11. [Ўз РМДА. И 1-фонд, 34-руйхат, 494-иш, в,49]
12. [Ўз РМДА. И 1-фонд, 34-руйхат, 1344-иш, в, 60]
13. [Ўз РМДА. И 1-фонд, 34-руйхат, 3326-иш, в, 10]
14. [Ўз РМДА. И 2-фонд, 2-руйхат, 166-иш, в, 137]
15. [Ўз РМДА. И 2-фонд, 20-руйхат, 3627-иш, в, 3]
16. [Ўз РМДА. И 3-фонд, 1-руйхат, 2555-иш, в, 149]
17. [Ўз РМДА. И 3-фонд, 2-руйхат, 35-иш, в, 29]
18. [Ўз РМДА. И 3-фонд, 2-руйхат, 197-иш]
19. [Ўз РМДА. И 3-фонд, 2-руйхат, 677-иш, в, 2]
20. [Ўз РМДА. И 5-фонд, 1-руйхат, 1655-иш, в, 13]
21. [Ўз РМДА. И 5-фонд, 1-руйхат, 2595-иш, в, 6-8]
22. [Ўз РМДА. И 5-фонд, 1-руйхат, 2443-иш, в, 18, [Ўз РМДА. И 5-фонд, 1-руйхат, 1428-иш, в, 40]
23. [Ўз РМДА. И 17-фонд, 1-руйхат, 385-иш, в, 6-9]
24. [Ўз РМДА. И 19-фонд, 1-руйхат, 26793-иш, в, 2]
25. [Ўз РМДА. И 19-фонд, 1-руйхат, 3185-иш, в, 4-6]
26. [Ўз РМДА. И 19-фонд, 1-руйхат, 4601-иш, в, 8]
27. [Ўз РМДА. И 22-фонд, 1-руйхат, 31-иш, в, 35-40]
28. [Ўз РМДА. И 36-фонд, 1-руйхат, 1579-иш, в, 1]
29. [Ўз РМДА. И 471-фонд, 1-руйхат, 82-иш, в, 30]